

O'ZBEKISTON TARIXI J U R N A L I







МУНДАРИЖА

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

4



Alisher Noyib
www.novagi.com
O'zbekiston Jurnal

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюқ Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи

Ҳасан Бобоҷонов 10 Ўзбекистон саноати иккинчи жаҳон уруши йилларида

Ҳасан Бобоҷонов 20 Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иккинчи жаҳон уруши йилларида

Қаҳрамон Ражабов 28 Ўзбек миллӣ кўшинлари иккинчи жаҳон уруши майдонларида

Эркин Ражабов 34 "Темир генерал"

Муҳайё Исоқова, Мадина Мұхаммаджонова 42 Ўзбек аёллари иккинчи жаҳон уруши майдонларида

Машҳурда Дармонова 50 Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбекнинг меҳнаткашлиги

Нодира Мустафоева 56 Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон замонавий тарихшунослигига

Мұхаммадали Назирхўжаев 58 Иккинчи жаҳон уруши: япон ҳарбий асирлари Ўзбекистонда

ТАРИХШУНОСЛИК

Нодира Мустафоева 78 Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбек инсонсеварлиги

АРХИВШУНОСЛИК

Муҳайё Исоқова 88 Ҳужжатлар тилга кирганда

МАНБАШУНОСЛИК

Дилноза Дутураева 124 Қорахонийлар тарихи хитой тилидаги ҳужжатларда

ЭЛШУНОСЛИК

Адҳам Аширов 130 Ўзбек элшунослиги: ютуқлар, мұаммолар ва ечимлар

ТАНГАШУНОСЛИК

Файбулла Бобоёров 140 Ўзбек давлатчилиги тарихи ва тангашунослик

ҚАДИМШУНОСЛИК

Дилмурод Нормуродов 150 Тошкент воҳаси қадимиги ва ўрта асрларда

ЁШ ИЗЛАНУВЧИ

Воҳид Холов 164 Туркистон АҚШ давлат департаменти ёзишмаларида

Таҳрир ҳайъати:**Дилором Алимова** (Бош муҳаррир)**Азамат Зиё****Ойбек Абдумўминов****Баҳром Абдуҳалимов****Меруерт Абусеитова** (Қозогистон)**Улфат Абдурасулов** (Австрия)**Нигора Аллаева****Адҳам Аширов****Шуҳрат Аҳмедов****Доно Зиёева****Марианна Камп** (АҚШ)**Татьяна Котюкова** (Россия)**Ҳусниддин Мамадалиев****Нодира Мустафоева****Дилмурод Нормуродов****Азимхўжа Отахўжаев****Катрин Пужол** (Франция)**Қаҳрамон Ражабов****Рустам Сулаймонов****Аҳад Хўжаев****Мұхтор Шамсиев** (масъул котиб)**Флориан Шварц** (Австрия)

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агент-
лиги томонидан рўйхатга
олинган.
0051-гувоҳнома

Журнал
ФА Тарих институти
(100060, Тошкент
шаҳри, Шаҳрисабз тон
кўчаси, 5-үй) томонидан
тайёрланади.

«Nashriyot uyi Tasvир» МЧЖ
100060, Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-үй.
Тел: (78) 129-29-29,
(78) 129-05-08
E-mail: tasvir@mail.ru
Реклама бўлими:
(97) 709-92-89

“KolorPak” МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-үй.

2020 йил 10 июлда
теришга берилди.
2020 йил 15 июлда
босишига руҳсат этилди.

Қоғоз бичими 70 x 100^{1/16}
“Calibri”, “Arial Unicode MS”
гарнитуралар.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма т. 11.0.
300 нусха.
1835-буюртма.

Журнал ҳомийси:
“KolorPak” МЧЖ

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

Сўнгги йилларда кундалик турмушимизда умуман илм-фанга, хусусан, тарих йўналишига бўлган эътибор юксак аҳамият эгаллаётгани яққол кўзга ташланиб турибди. Ушбу ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги қаравалари ва амалий қадамлари билан боғлиқдир, десак тўғрисини айтган бўламиз. Шу маънода, диккатни давлатимиз раҳбарининг “Тарихга сергак қараган одамгина доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга ҳам холис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётта эришишнинг энг муҳим шартидир” сўзларига қаратган бўлардик.

Чиндан ҳам, тарихий тафаккурнинг кишилиқ ўтмиши, бугуни ва эртасидаги ўрнини бошқа ҳеч бир омил билан тенглаштириб бўлмайди. Уни шакллантириш эса, тарих илми, тарихчилар ишидир. Мазкур юмушни бажаришда аскотадиган керак-яроқлар ҳам маълум: моддий ашёлар ва ёзма манбалар ҳамда замонавий илмий ёндашувлар.

Ўзбек халқиникидек узундан-узоқ ва турли-туман кечинмаларга бой тарихий тараққиёт йўли ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Унга сукланиб қарайдиганлар ҳам етарлидир. Негаки Ўзбекистон ва у жойлашган минтақа инсониятнинг энг қадимги маданий ўзоқларидан бири сифатида мана неча минг йилларки ўз жозибадорлигини сақлаш баробарида халқаро муносабатларнинг турли даражасидаги алоҳида ўрнини ҳам йўқотмай келмоқда. Чет эллик илмий марказлар, олимларнинг юртимиз ўтмишига қизиқишиларининг илмий ва амалий аҳамияти сўниши у ёқда турсин, йилдан-йилга кучаяётганининг сири ҳам шунда, деб ўйлаймиз. Мазкур шароитда, миллатимиз ва давлатчилигимиз тарихини бошқалардан кўра кўламлироқ, чуқурроқ ҳамда пишиқроқ ўрганиш, билиш ўзбек олимларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Ушбу масъулиятни англаган ҳолда, кейинги пайтларда амалга оширилган ўзгаришлардан бири йигирма йилдан ортиқроқ муддат ичida чоп этиб келинаётган “O'zbekiston tarixi” журналини давлатимиз ва жамиятилиз ҳаётида кечайётган янги давр талаблари, жаҳон андозалари даражасига кўтариш билан боғлиқдир. Бу борадаги интилишларимиз иккинчи жаҳон үрушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги бутун дунёда байрам қилинаётган паллага тўғри келганида ҳам ўзига хос ҳикмат бор, албатта. У ҳам бўлса, журналнинг янги мазмун ва кўринишдаги илк сонини асосан ўзбек халқининг фашизм балосини таг-томири билан суғуриб ташлашдек тарихий ишга қўшган ҳар томонлама ҳиссасини архив ҳужжатлари, илмий таҳлиллар орқали исботлаб берган мақолаларга бағишлишдир.

Тарихимизнинг турли йўналишларида изланишлар олиб бораётгандарни доимий рағбатлантириш ниятида журнал бир қатор янги руқнлар билан бойитилмоқда. Илмийлик, холислик талабларини қаттиқ сақлаган ҳолда, нашрнинг оммаболлиги, ота-боболарининг шонли ва сабоқли ўтмишига қизиқувчиларнинг барча қатламларига муносиб бўлишига эришиш мақсадимиз ҳам бор.

Азамат Зиё,

Тарих институти директори,
тарих фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мұхтарам уруш ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, сизлар билан бирга бундан роппа-роса бир йил муқаддам азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида мұхташам Ғалаба боғини барпо этишга қарор қилган эдик. Ушбу қароримиз замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам экани сизларга яхши маълум.

Худога минг бор шукурки, эл-юртимиз дилидаги ана шу эзгу ният ижобат бўлиб, улуғ айём кунларида уруш ва меҳнат фахрийлари билан Ғалаба боғида ва "ойна жаҳон" орқали дийдор кўришиб турибмиз.

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган бу бетакрор мажмуя қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

Мана шу улкан майдонда қисқа муддатда жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида Ғалаба боғи, "Шон-шараф" музейи, "Мангу жасорат", "Матонат мадҳияси" монументлари бунёд этилди. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги мاشақатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишиланган кенг кўламли тарихий-бадиий экспозициялар яратилди.

Агар вақт имкон берганда эди, уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин бўларди.

Уруш давридаги жанггоҳларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий қўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб "Мангу жасорат" деб номланган улуғвор монумент барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида "Шон-шараф" музейи бунёд қилинди. Бу ерда намойиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалабага

буюк ҳисса қўшган ҳалқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Биз бугун уруш йилларида ҳалқимиз кўрсатган беқиёс қаҳрамонликни улуғлайдиган, ўзида она Ватан тимсолини мужассам этган “Матонат мадҳияси” монументи пойига гулчамбар қўйиб, фидойи юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтиридик. Шуни айтиш керакки, ушбу ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадиий образ эмас, балки ҳаётимизда чиндан ҳам бўлган тарихий воқеа – мўътабар бир инсон ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Мен ўтган йили 9 май байрамида Тошкент вилояти, Зангиота туманиндағи Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия Зокированинг ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга соладиган инсоний жасорати ҳақида сўз юритган эдим.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳамаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган бешта азамат ўғлидан жудо бўлган.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўйстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яксон қилиб ташлайдиган бундай оғир зарбага чидаш мумкинми? Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чексиз кулфатга бардош бера олди.

Уруш туфайли Зулфия Зокированинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Онаизор умрининг охирига қадар сув келса – симириб, тош келса – кемириб, қаҳрамон ўғилларининг азиз хотираси билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, юртнинг ташвиш ва қувончлари билан яшади.

Зулфия аянинг меҳр-оқибатли келинлари ҳам ундан ўrnak олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содик қолди – бошқа турмуш қурмади.

Мана, бугунги даврамизда Зулфия ая Зокированинг қариндошлари – ҳурматли Раҳимжон Аҳмаджонов, Фарҳод Маҳамаджонов, Маърифат Аҳмаджонова, Саноат Маҳмудова, Мавлуда Холматова иштирок этмоқдалар. Бошларига тушган оғир қийинчиликларни мардона енгиб, Зулфия ая ва оталарининг хотирасини пок сақлаб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу юртдошларимизга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорчилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Мен ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек ҳалқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлиб, “Матонат мадҳияси” деган монумент барпо этишини таклиф қилган эдим. Кенг жамоатчилигимиз, ҳалқимиз бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлади.

Шу мавзуда ижодкорларимиз кўплаб мақолалар, шеър ва достонлар яратмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, мен “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан яратилган “Илҳақ” бадиий фильмни тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман.



Истеъдодли ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов суратга олган ушбу ажойиб фильмни мен кеча жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдим. Халқимиз ҳаётининг энг оғир, энг фожиали даврига бағишиланган бу асар том маънода қаҳрамонлик қасидаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ларзага солади.

Даҳшатли үруш туфайли беш нафар баҳодир ўғлидан айрилган, умрининг охиригача фарзандларини илҳақ, яъни интизор бўлиб кутган Зулфия Зокирова сиймосида ўзбек оналари, ўзбек аёлларига мансуб энг буюк фазилатлар ниҳоятда теран ифода топган. Биз бу бадиий гўзал асарни бугунги улуғ байрам кунида барча телеканалларимиз орқали кенг намойиш этишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бутун халқимизни, айниқса, ёшларимизни мана шу фильмни оила даврасида кўришга, унинг қаҳрамонларидан ўрнак олишга даъват этаман.

Катта ғурӯр ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида “Матонат мадҳияси” деб аталган муazzзам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қўтлув зиёратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қонида, сугида бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улуғ инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман.

Айтиш керакки, қисқа вақт ичида, айниқса, карантин шароитида Ғалаба боғи деб ном олган бу улкан мажмуани барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қиийинчиликларга қарамасдан, моҳир қурувчи ва меъморларимиз, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, рассом ва ҳайкалтарошлар, азamat ёшларимиз бу вазифани ўzlари учун савобли бир иш деб билиб, тун-кун фидокорона меҳнат қилдилар. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетакрор мажмуя 9 май байрамига қуриб битказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу ғоят эзгу ишга чин юрақдан ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номимдан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ғалаба боғи, Хотира, Қадр-қиммат боғи ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Азиз фахрийлар!

Бугунги қўтлув айёmdа барчамиз, аввало, ўз жонини она юрт учун қурбон қилган ватандошларимизнинг руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиласиз. Сизлар каби минглаб үруш ва меҳнат фронти қатнашчиларини – азму шижоатли, довюрак ота-боболаримиз, сабр-матонатли оналаримиз, момоларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.



Афсуски, карантин туфайли сизларнинг барчангизни бу гўзал масканга, бугунги тантанали маросимига олиб келолмадик. Лекин мана шундай муқаддас ва шукухли кунда ҳаммамиз руҳан, қалбан сизлар билан биргамиз.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти ҳозир вилоятларда, ҳарбий округларда, бошқалари эса ўз хонадонларида оила аъзолари билан 9 май байрамини нишонламоқдалар. Улар “ойна жаҳон” орқали бугунги тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб бормоқдалар.

Сизларнинг ҳаммангизни – марказда ва жойлардаги байрам тадбирларида иштирок этаётган, шунингдек, ушбу тантанали маросимни уйларида “ойна жаҳон” орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшишиб турган фидойи инсонларни улуғ айём билан яна бир бор табриклиб, ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман. Сиз, азизларнинг барчангизни ғойибона бағримга босиб, бугунги эркин ва озод ҳаётни таъминлаш йўлида кўрсатган мардлигингиз, Ватанга садоқатингиз учун ўз номимдан, ҳалқимиз номидан раҳматлар айтиб, энг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўзининг доно маслаҳатлари, бой ҳаётий тажрибаси билан ҳаммамизга устоз ва дуоғўй бўлиб юрган мўътабар инсонларни кўрамиз. Сизларнинг ҳар бирингиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳаёт йўлларида дуч келаётган турли қийинчилик ва муаммоларни, ҳозирги кунда бошимизга тушган синовларни енгиб ўтишда биз сизларнинг мислсиз сабот ва матонатингиздан, қатъиятингиздан доимо куч ва ибрат оламиз. Ёш авлодимизни Ватанга, ҳалқа садоқатли, жасур инсонлар этиб тарбиялашда биз сизларни доимо ўрнак деб биламиз ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Жонажон юртимизнинг файзу фариштаси бўлган сиз, азизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш учун бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қиласиз.

Мұхтарам ватандошлар!

Бугун Ғалаба байрамининг 75 йиллигини нишонлар эканмиз, ҳалқимизнинг уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида такрор ва такрор ўйлашимиз албатта табиийдир. Мен аввалги чиқишлиларимда эл-юртимизнинг буюк Ғалабага кўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қараттган эдим. Бугун мамнуният билан айтмоқчиманки, кейинги йилларда ушбу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширдик.

Аввало, илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фонdlар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ана шундай илмий изланишлар натижасида ҳалқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон ажоддларимиз ҳақида



жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва албомларда кенг ёритилмоқда.

Иккинчи жаҳон үруши йилларидағи тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Масалан, шу вақтга қадар үруши бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини үрушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши үрушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонлиқдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган.

Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунчага йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келганини албатта адолатдан, деб бўлмайди.

Шунингдек, ўша даврда “қулоқ” сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам ҳаракатдаги армияга сафарбар этилгани маълум бўлди.

Шу борада яна баъзи рақамларни келтирмоқчиман: илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси үрушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган.

Бундан ташқари, фронтда бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ эмасди. Ҳозирги вақтда 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз үрушда бедарак кетгани аниқланди. Мана, даҳшатли үрушда ҳалқимиз қандай оғир йўқотиш ва талафотлар берган, қандай азоб-уқубатларни бошидан кечирган!

Олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юртдошимиз учала дараражадаги “Слава” орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Мен мана шундай бебаҳо ҳақиқатни юзага чиқариб, адолатни қарор топтиришга катта ҳисса қўшган тарихчи олимларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларимизга катта раҳматлар айтаман. Айни вақтда уларни бу борадаги изланишларни давом эттиришга, мана шу Ғалаба боғидаги “Шоншараф” музейини доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб боришига даъват этаман.

Ота-боболаримиз жасоратини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида янги тарихий маълумотлар асосида ҳар йили 9 май байрами арафасида алоҳида китоб тайёрлаб, нашр этсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади.



Оловли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи “Ҳамма нарса – фронт учун”, “Ҳамма нарса – Ғалаба учун!” деган ҳаётий эътиқод билан яшади. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўпмиллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилди ва ғоят қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-минглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб шифо топдилар.

Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бу одамларнинг барчасига чина кам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён этди.

Азиз дўстлар!

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғин – Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 75 йил тўлган бўлса-да, афсуски, ер юзининг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизга яқин ҳудудларда қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Шу сабабли биз доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, Ватанимиз құдрати, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада оширишимиз зарур.

Бугун биз сизлар билан биргалиқда янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Бугунги улуғ айёмда фашизмга қарши курашга муносиб ҳисса қўшган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни самимий табриклаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Ишончим комил, қаҳрамон аждодларимизнинг жасоратига содик бўлган олижаноб халқимиз тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни янада мустаҳкамлаш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Барчангизни яна бир бор буюк Ғалабанинг 75 йиллик байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин юрақдан табриклайман.

Мана шундай мусаффо осмон, эркин ва озод ҳаёт учун курашларда ғолиб чиққан фахрийларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Мард ва матонатли халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

Ғалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!



Ҳасан Бобоҷонов

Муҳаммад Ҳоразмий номидаги ТАТУ
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти в.б.,
тариҳ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон саноати иккинчи жаҳон уруши йилларида

Кишилик тарихидаги биринчи техника ва моторлар уруши деб ном олган иккинчи жаҳон урушида пировард ғалабани кўп ҳолларда иқтисодий салоҳият ҳал этган. Оғир саноат ҳарбийларни тўп, турли ўқотар қуроллар, зирҳли техника, енгил саноат эса, кийим-кечак, озиқ-овқат ва ўз ўрнида, оғир саноатни хом ашё билан таъминлаган.

Урушгача бўлган йилларда СССРда икки беш йиллик тўлиқ амалга оширилиб, кўплаб саноат корхоналари қурилди. Ҳусусан, Ўзбекистонда асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш, тўқимачилик-трикотаж ҳамда бир неча йирик бўлмаган гидроэлектростанция ва машинасозлик корхоналари қад кўтарган эди. 1941 йил 22 июндан то 1941 йил декабргача Ҳитлер қўшинлари СССРнинг 1 543 000 кв. км. ҳудудини – иқтисодий ҳаётда улкан аҳамиятга эга бўлмиш асосий саноат маҳсулотларини берувчи марказларни босиб олади (1-жадвалга¹ қаранг).

Умумий жиҳатдан, 1941 йил нояброда 1941 йил июн ойига нисбатан саноат ишлаб чиқариш 2,1 баробар камайган². Урушда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш учун зарур қурол-яроғларни ҳарбийларга етказиш учун эса, айнан қўшимча саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини яратиш талаб қилинар эди. Босиб олинган ҳудудларда ишлаб чиқариш қувватларини тўлдириш учун ҳали босиб олинмаган ҳудудлар имкониятларидан фойдаланишни тақозо этарди.

¹ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941 – 1945 гг. Статистический сборник. Москва. 1990. С. 20.

² П. Вещиков. Экономика СССР испытание выдержала // Военно-исторический журнал. № 1. Москва. 2006. С. 14.

1-жадвал

**СССРнинг фашистлар босиб олган ҳудудларининг
аҳоли ва ишлаб чиқариш салоҳияти**

	Барчаси (1940 йил)	Босиб олинган ҳудудлар	Босиб олинган ҳудудлар улуши (фоиз ҳисобида)
Аҳоли (млн. киши)	190,7	84,9	45
Ишчи ва хизматчилар сони (млн. киши)	31,2	11,9	38
Саноат маҳсулотлари (1926-1927 йиллардан ўзгармас нархларда млрд. рубл)	138,5	45,9	33
Чўян (млн.тонна)	14,9	10,6	71
Пўлат (млн. тонна)	18,3	10,5	58
Кўмир (млн. тонна)	165,9	105,2	63
Нефт (газ суюқлиги) билинг бирга млн. тонна)	31,1	2,6	8
Электр энергияси (млрд. киловатт-coat)	48,3	20,4	42

Ҳарбий саноатни жонлантиришда СССРнинг шарқий ҳудудларига, жумладан, Ўзбекистонга катта эътибор берилади. Ўзбекистондаги саноат корхоналарини қисқа вақт ичидаги мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш ва ўзgartариш лозим эди. Бунинг учун қўйидагиларга эътибор берилган:

- ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини юқори даражада кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш;
- мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш ва тубдан қайта қуриш асосида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш;
- янги саноат корхоналарини барпо этиш (асосан, металлургия ва машинасозлик);
- “фуқаролик корхоналари”ни ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириш.

Иккинчи жаҳон урушигача СССР саноати “ҳарбий” ва “фуқаролик” маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ихтисослаштирилган эди. “Ҳарбий” маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ихтисослаштирилган ҳарбий-саноат ҳалқ комиссарликларига тегишли бўлиб, уруш йилларида асосий қурол-яроғ ва ўқ-дори турларининг учдан икки қисмини етказиб берган³.

³ Н. Симонов. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920 – 1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. Москва. 1996. С. 154.



1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йил бошларида ҳарбий техника талафотлари ва ўқ-дори сарфининг ўсиши натижасида ҳарбий-саноат маҳсулотларига талаб кескин кўпаяди. Уруш даврида “ҳарбий” корхоналарнинг йўқ қилиниши ёки кўчирилиши туфайли қорол-яроғ ва техника ишлаб чиқариш кескин камаяди. Шу сабабли, “фуқаролик” корхоналари нинг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиши фронт таъминотидаги қийинчиликларни бир мунча камайтирган. Уруш йилларида ишлаб чиқарилган 65 – 68 фоиз саноат маҳсулотлари фронт эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган эди⁴.

Кадрларнинг кескин танқислиги, саноат хом ашёси, ёқилғи, дастгоҳлар, асбоблар ниҳоятда етишмаслигига қарамай, 1941 йил декабрга келибօқ, Тошкентдаги 63 та корхона ва республикадаги яна 230 та корхона мудофаа маҳсулотлари бера бошлади⁵. “Тошқишлоқмаш” корхонаси урушнинг биринчи ҳафталариданоқ ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. 1941 йилнинг охирига келиб корхона ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини 240 фоизга бажарди⁶. Фронт эҳтиёжлари биринчи ўринга қўйилган ҳолда, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бошқа корхоналардан кадрлар ва техника жалб қилинди. 1941 йил октяброда республика корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 51 фоизи ҳарбий буюртмалар асосида бажарилганини үрғулаш лозим⁷.

Баъзи ҳолларда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча иморат ёки цех қуришга тўғри келарди. Масалан, Ўзбекистонга кўчириб кelingan “Колхозник” корхонасида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча иккита цех қурилган. Режалар муддати тифиз белгиланганлиги учун ишчилар кунига 17 соатдан ишлашга мажбур бўлганлар. Корхона раҳбариятининг ташаббуси ва ишчилар оғир меҳнати туфайли 1941 йилнинг ноябридан қорол-яроғ ишлаб чиқара бошланган⁸.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг кўплаб саноат корхоналари ҳам ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилади. 2-жадвалда⁹ Ўзбекистондаги ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарилган асосий корхоналарнинг баъзилари келтирилади:

Тошкент паровоз-таъмир корхонаси ҳам турли ҳарбий техникаларни ишлаб чиқаришга ўтади. Корхона асосан ҳарбий-санитар поездлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади. 1942 йил октяброда корхонада таъёрланган “Ўзбекистон” зирхли поезди Курск жанги, Киев, Житомир ва Полшанинг озод этилишида қатнашиб, Берлиндан 60 км. узоқликда жой-

⁴ Военно-промышленный комплекс СССР в 1920 – 1950-е годы. С. 152.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. Тошкент. 2000. 400-бет.

⁶ А. Голованов, И. Сайдов. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. Самарканд. 2006. С. 6.

⁷ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 1. Ташкент. 1981. С.112.

⁸ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 1. С.110.

⁹ Жадвал “Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II” асари бўйича тузилган.

лашган Бранденбург шаҳригача етиб борган¹⁰. Шунингдек, Миномёт халқ комиссарлигига қарашли 702, 708, 770, 735, 725-корхоналар, Авиасаноат халқ комиссарлиги ихтиёрида бўлган 84 ва 154-корхоналар 1943 йили Ўзбекистонда фаолият юритгани маълум¹¹.

1941 йилда Москва вилояти Химки шаҳридан 84-самолётсозлик корхонаси Тошкентта кўчирилиб, унда уруш йилларида ПС-84 русумидаги самолёт (1942 йил сентябрiddан номи ЛИ-2 га ўзгартирилган) ишлаб чиқарила бошлаган. ПС-84 самолёти АҚШнинг Дуглас компанияси томонидан

2-жадвал

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарилган асосий корхоналар

Корхона ва корхона номи	Ишлаб чиқарган ҳарбий маҳсулот тури
Тошкент авиация корхонаси	ЛИ-2 русумидаги ҳарбий-транспорт самолётлари
“Тошқишлоқмаш” корхонаси	ҳарбий техника учун эҳтиёт қисмлар
Тошкент паровоз-таъмири корхонаси	ҳарбий-санитар ва зирхили поездлар
Самарқанддаги “Кохозник” корхонаси	гранаталар, снарядлар учун гилзалар, солдат қозонлари ва армия учун автомашиналар таъмири ташкил этилган
Охунбобоев номидаги чарм маҳсулотлари корхонаси	ҳарбий эҳтиёжлар учун тери маҳсулотлари
“Хужум” корхонаси	йирик қувурли тўплар учун порох халтачалари
“Қуёш” промартели	мина ва қўл гранаталари
Каттакўрон ёғ-мой корхонаси механика устахонаси	миналар учун қобиқ ва стабилизаторлар

лойиҳалаштирилган бўлиб, 1938 йилдан СССРда лицензия асосида ишлаб чиқарилар эди. Ушбу русумидаги самолётлар фуқаро авиацияси учун мўлжалланган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент самолётсозлик корхонасида ишлаб чиқарилган ЛИ-2 самолётлари ПС-84 нинг ҳарбий ўзгартирмаси бўлиб, улардан ҳарбий юклар, десант ташишда ва бомбардимончи самолёт сифатида фойдаланилган¹².

Саноатни ҳарбийлаштириш натижасида қурол-яроғ ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бориб, қуролланиш бўйича мувозанат СССР фойдасига ўзгара борган. Буни 3-жадвал¹³ кўрсаткичлари яққол исботлайди.

Ўзбекистонда барча корхоналар ҳам ишлаб чиқариши ҳарбий изга сололмаганларини ҳам айтиб ўтиш керак. Масалан, СССР Ер ишлари халқ комиссарлигига тегишли ва ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариши керак

¹⁰ Р. Нуруллин. Узбекистан – арсенал фронта в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси. Тошкент. 1996. С. 193.

¹¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3774- йиғмажилд, 218-варақ.

¹² В. Шавров. История конструкций самолетов в СССР 1938 – 1950 гг. Москва. 1988. С. 136.

¹³ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941 – 1945 гг. Москва. 1970. С. 59.



бўлган корхоналар режасига киритилган 30 та корхонадан 21 таси бу ишни амалга ошириш учун керакли асбоб-ускунага эга эмасди¹⁴.

Режалар нотўғри тузилганлиги ва техникадан нотўғри фойдаланиш туфайли марказга қарашли халқ комиссарликлари қарамоғидаги корхоналар ҳарбий ишлаб чиқариш режаларини 1942 йилнинг июлида 66,9 фоиз, августидаги 31,8 фоиз, сентяброда 50 фоизга бажаргандар, холос¹⁵.

Уруш йилларида Ўзбекистон енгил саноатини ўзгартириш нисбатан мураккаб кечиб, бу жараённи амалга оширишда бир қатор муаммоларга дуч келинади. Бунинг асосий сабаби иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда енгил саноат иккинчи даражали тармоқ сифатида қаралгани билан.

З-жадвал

1942 – 1945 йилларда СССР ва Германия ҳарбий кучлари нисбати

	СССР ҳарбий кучлари			Германия ва унинг иттилоқчилари ҳарбий кучлари		
	1942.XI	1944.I	1945.I	1942.XI	1944.I	1945.I
Кўшинлар сони(минг киши)	6124	6165	6532	6270	4906	3100
Танклар ва артиллерия	6956	5357	12900	6800	5400	3950
Тўп ва миномётлар	77734	92650	108000	70980	54570	28500
Самолётлар	3254	8500	15540	3500	3073	1960

лан боғлиқдир. Енгил саноатнинг техник базаси ва унга бериладиган эътибор қониқарсиз ҳолатда эди.

Енгил саноат корхоналари географик жойлашувида ва ишлаб чиқариш кучларининг бир ерга тўплаш иши иқтисодий нотўғри ташкил этилганди. Енгил саноатга асосий хом ашё (пахта, жун, ипак) етказиб берувчи Ўзта Осиё республикаларида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши кам эди. 1939 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, СССР умумий енгил саноат ишлаб чиқаришида шарқий ҳудудлар улуши – пахта матоларда 3,8 фоиз, ипакда 8,3 фоиз, трикотажда 5,7 фоиз, ички кийимда 5,4 фоиз, пайпоқ тўқишида 4,3 фоизни ташкил этган.

Хом ашё манбаларидан анча узоқ жойлашган РСФСРнинг марказий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида енгил саноат қувватларининг 92,2 фоизи

¹⁴ А.Верт. Россия в войне 1941 – 1945. Москва. 1967. С. 149.

¹⁵ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 1. Ташкент. 1981. С. 110.



жойлашгани¹⁶ боис, урушнинг дастлабки ойларида енгил саноат корхоналарининг асосий қисми фашистлар томонидан босиб олинган ҳудудларда қолган. Доимий ҳарбий ҳаракатлар ва транспортнинг етишмаслиги шароитида жами 150 га яқин тўқимачилик корхоналарини кўчиришга тўғри келган. Улардан 40 га яқини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга жўнатилган¹⁷.

Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб кўчирилган корхоналарни жойлаштиришда маҳаллий шароитлар ва инфратузилма инобатга олинган, албатта. Жумладан, машинасозлик ва оғир металлургия корхоналари асосан Тошкент ва бошқа йирик саноат корхоналари мавжуд шаҳарларга жойлаштирилади. Енгил саноат корхоналарининг кўпчилиги Фарғона водийсига жўнатилади. Москвадан кўчирилган “Вискоза” ипакчилик корхонаси ўзбекистон ипакчилик марказларидан бири бўлмиш Наманган шаҳрига кўчирилган. Бир неча кўчирилган корхоналар асбоб-ускунаси бирлаштирилиб, Марғилон ипакчилик корхонаси асосида йирик ипакчилик марказига айлантирилди.

Шароит қийинлигига қарамасдан, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, енгил саноат корхоналарини тезликда тиклаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш талаб этиларди. Масалан, 1942 йилнинг январида Марғилонга кўчирилган шойи корхонаси ва Тошкентга кўчирилган каноп-қоп корхонаси учун ойлик қайта тикланиш режаси белгиланган эди¹⁸.

Юқорида кўчириб келиш жараёни мураккаб шароитларда ўтиши туфайли керакли техника, жиҳоз, асбоб-ускуналарни тўлиқ келтирилмагани таъкидланган эди. Енгил саноат корхоналари ҳам бу ҳолатдан истисно бўлмади. Асбоб-ускунаси тўлиқ бўлмаган корхона кўчирилган жойда урушгacha бўлган ишлаб чиқариш ҳажмини тиклай олмасди. Жумладан, Белоруссиянинг Речинск шаҳридан кўчирилган ва 1942 йил октябрда Хонободда (Андижон вилояти) ишга тушган тери ошлаш корхонаси асбоб-ускунаси тўлиқ бўлмаганлиги туфайли қўйидаги ҳолатни кузатишимиш мумкин эди: корхона кўчиришдан олдин йилига 2100 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, янги жойда эса ишлаб чиқариш йиллик қуввати 1000 тоннагача тушиб қолганди¹⁹.

Ўзбекистонга кўчирилган тўқимачилик, озиқ-овқат ва пойабзал корхоналари аксарият ҳолларда маҳаллий корхоналарга қўшиб юборилади. Негаки Ўзбекистонда уларни қабул қилиш учун турдош корхоналар мавжуд эди. Кўчириб келтирилган корхоналар дастгоҳлари маҳаллий корхоналар қувватини оширишга хизмат қилган. Маҳаллий томат корхонаси (1931 йили қурилган) ва кўчирилган Мелитопол консерва корхонаси асосида 1942 йили Фарғона консерва корхонаси ташкил этилиб, 1942 йили 1 602 9 000 дона консерва банкаси ишлаб чиқарди²⁰.

¹⁶ Промышленность СССР. Москва. 1957. С. 346 – 348.

¹⁷ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941 – 1945 гг. Москва. 1970. С.121.

¹⁸ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 1-рўйхат, 3260-йиғмажилд, 358-вараг.

¹⁹ Белорусы в Советском тылу. Минск. 2010. С. 95.

²⁰ Экономическая жизнь СССР. Москва. 1984. С. 352.



Баъзи кўчирилган корхоналарнинг асбоб-ускуналари икки-учга бўлиниб, турли шаҳарларга тарқатилган эди. Шундай дастгоҳлар бўлганки, улар негизида мустақил корхона очиб бўлмасди. Масалан, Белоруссиядан кўчириб келтирилган тикув корхонасининг фақат электромоторлари ва хом ашёси уч вагонда Тошкентга етиб келади, лекин фақат электромоторлар билан корхонани тиклаб бўлмасди.

Кўчирилган енгил саноат корхоналарини жойларда ишга тушириш қийинчиликлар билан кечган. Маблағ асосан оғир саноат корхоналарини тиклашга ажратилиб, енгил саноат корхоналари йиғиш жадвалларига киритилмасдан қоларди. Мавжуд вазиятда эса, енгил саноат тезлиқда фронтни кийим-кечак билан таъминлаши зарур эди. Бошқа саноат тармоқлари каби енгил саноат ҳам уруш манфаатларидан келиб чиқиб ҳарбий изга қайта солинган. Иккинчи жаҳон урушига қадар енгил саноат корхоналарининг фронт учун маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи унча катта эмас эди. Фақат тикувчилик корхоналаригина ҳарбийлар учун қисман кийим-кечак тайёрларди. Эндилиқда ички имкониятлардан келиб чиқиб ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга тўғри келарди.

Бу вазифани амалга ошириш учун, аввало, ҳалқ истеъмоли товарлари ва умуман тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қисқартирилган. Тикувчилик корхоналари кийим-кечак, шинел, телогрейка тикишга, тери-мўйна ва пойабзал корхоналари эса қалпок, этик, аскар ботинкалари, калта пўстинлар, қўлқоп ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтадилар. Чарм моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар авиация, автомобил-трактор, танк ва бошқа ҳарбий йўналишдаги соҳаларни маҳсулотлар билан таъминлай бошлаганлар.

Масалан, 1941 йили Тошкент эгар-жабдуқ корхонаси фронт учун жами 504 000 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1942 йили 4 885 000 рубллик ёки 9 баравар кўп шундай маҳсулот чиқаради²¹. Бу саноат тармоғи ишини ҳарбий изга солиш юзаки томондан мураккаб туюлмаса-да, илгари ишлаб чиқарилган товарларнинг ўрнини бир неча баробар сермехнат бўлган маҳсус маҳсулотлар билан алмаштириш керак эди.

Уруш йилларида Ўзбекистон енгил саноатини ўзгартириш жуда мураккаб кечган. Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон иқтисодий тархи ёритилган тадқиқотларда кўпинча бўнга етарли баҳо берилмаган. Уларда енгил саноат қуввати ортганлигини кўрсатувчи маълумотлар берилади, холос. Аммо саноат тармоқлари ичida енгил саноатни ҳарбий изга солишида энг жиiddий мұаммолар ва қийинчиликларни енгигб ўтишга тўғри келади. Асосий қийинчиликлар моддий-техника ва хом ашё негизи анча камайган шароитда янги маҳсулот ва янги технологияни ўзлаштириш, янги хом ашёни қидириб топиш ва ундан фойдаланиш билан изоҳланарди.

Ўзбекистонга келтириладиган ва енгил саноат учун зарур маҳсулотлар (тұгмалар, илгаклар, құлфчалар ва ҳоказолар) билан таъминлаш уруш вақтида тўхтаб қолганди. Шунингдек, уруш бошланиши билан тармоқقا

²¹ О. Сирожов. Ўзбекистон саноати уруш йилларида. Тошкент. 1981. 9-бет.



ажратилган сармоя маблағлар ҳам камайган. Масалан, 1942 йили давлат томонидан тармоқта ажратилган маблағ режаси Ўзбекистон тўқимачилик саноати халқ комиссарлиги бўйича 21,5 фоиз, Ўзбекистон енгил саноати халқ комиссарлиги бўйича эса 5,8 фоиз бажарилганини кўриш мумкин²².

Ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналар фуқаролик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин камайтириди. Шу йўл билан бўшаган ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмалар бажарилишини таъминлашга йўналтирилди. Шунинг учун, фронт таъминоти билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум даражадаги ортиши кузатилади. Масалан, 1941 йили Ўзбекистонда жами 4 040 600 метр ипак ва яримипак мато ишлаб чиқарилган бўлса, 1942 йили 4 362 800 метргacha кўпайган²³. Шу ҳолатга тескари тарзда, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш мувозанатининг ҳарбий маҳсулотлар фойдасига ўзгариши натижасида 1941 – 1942 йиллар оралиғида аҳолига сотиш учун мўлжалланган трикотаж маҳсулотлари 16 фоизгача ва пойабзал эса 8 фоизгача қисқарган²⁴.

Ўзбекистонда туман-шаҳар тасарруфидаги корхоналар саноат ялпи ҳажми 1941 йили 47 200 000 рублдан 1942 йили 63 400 000 рублга (1942 йили режа 57 000 000 рубл деб белгиланган эди) ошади²⁵. Юқоридаги сабабларга кўра, ногиронлар кооперация корхоналарида ҳам 1942 йил режаларидан ошиқроқ ҳажмда ўсишга эришилади. Яъни 1941 йили 30 900 000 рублдан 1942 йили 44 900 000 рублгача ўсиш кўрсатилади (1942 йил режаси 42 900 000 рубл этиб белгиланган эди)²⁶.

Кўчирилган корхоналарнинг 1943 йилдан тўлиқ ишга туширилиши ва таъминот бўйича баъзи муаммоларнинг ҳал этилиши билан енгил саноат қувватлари тиклана бошлади. Аммо урушнинг охирги йилида ишлаб чиқариш асосий кўрсаткичлари бўйича 1941 йил даражасининг ярмига ҳам кўтарила олмаган. 1941 – 1945 йилларда енгил саноат маҳсулотларидан фақатгина шойи мато ишлаб чиқариш ортди. Ўзбекистонда 1940 йили 4 534 000 метр шойи мато ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йили 4 825 000 метр ва 1945 йили 4 725 000 метрни ташкил этган²⁷. Шойи матолар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳарбий буюртмалар билан боғлиқ эди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон енгил саноатига фақат салбий баҳо бериш нотўғри бўлади. Соҳада унга боғлиқ бўлмаган камчиликлар таъсирида ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг пасайиши кузатилади. Ўзбекистон енгил саноат ишчилари қийин шароитларда фидокорона меҳнат қилдилар. Шунингдек, кўплаб ихтиrolар ва таклифлар билан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширдилар. 1941 йил октябрин

²² Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғма жилд, 11-варақ.

²³ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғмажилд, 14-варақ.

²⁴ История Второй мировой войны. Том 6. Москва. 1965. С. 75 – 76.

²⁵ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғмажилд, 12-орқа варак.

²⁶ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғмажилд, 13-орқа варак.

²⁷ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне. С. 77.



да Ўзбекистонда енгил саноат корхоналарининг деярли барчаси мудофаа буюртмаларини бажаришга ўтган эди.

1941 – 1945 йиллар мобайнида республика енгил саноат халқ комиссарлиги корхоналари фронт учун 7 518 800 та гимнастёрка, 2 636 700 та пахтали нимча, 2 861 500 та ҳарбий этик тайёрлаб бердилар²⁸. Шунингдек, енгил саноат корхоналари фронтга 24 469 918 рубл нақд пул юборганилар²⁹. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон енгил саноати фашист босқинчилари устидан ғалабани таъминлаш ишига салмоқли ва тенгсиз ҳисса қўшди. Енгил саноатнинг кўпгина маҳсулотлари айнан ўзбеклар ютида ишлаб чиқарилди.

Уруш шароитида иқтисодиётни ўзгартиришга йўналтирилган чоратадбирлар ва саноат ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти қуролли кучларни қурол-яроғ, жанговар техника, моддий захиралар билан таъминлаш учун бор имкониятини ишга соглан. Иккинчи жаҳон уруши йиллари давомида Ўзбекистон фронтга 2100 та самолёт, 17 342 та авиамотор, 2 318 000 дона авиабомба, 17 100 та миномёт, 4 500 бирлиқдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 000 га яқин ҳарбий-кимёвий асбоб-ускуна, 22 000 000 дона мина ва 560 000 дона снаряд, 1 000 000 дона граната, дала радиостанциялари учун 3 000 000 дона радиолампа, қарийб 300 000 та парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2 200 та кўчма ошхона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб берган³⁰.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон саноатининг таркиби ва халқ хўжалигидаги улуши ўзгарди. Республика саноати учун минглаб янги маҳаллий кадрлар тайёрланди. 1941 йил охирига келиб шарқий ҳудудлар (Ўрол, Ғарбий Сибир, Ўрта Осиё ва Қозоғистон) СССРнинг асосий саноат, хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таъминотчисига айланган. 1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йили СССРнинг шарқий ҳудудлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳарбий-саноат мажмуаси яратилди. Урушда жон олиб, жон бераётгандарни қурол-яроғ, бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминлаш ва саноат учун зарур асосий хом-ашё ҳамда фойдали қазилмалар етказиб бериш масалалари ҳал этилди. Буларнинг барисиз фашизм устидан қозонилган умумий ғалабани тасаввур қилиб бўлмайди, албатта.

²⁸ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. 406-бет.

²⁹ Ҳ.Зиёев. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида. Тошкент. 2011. 40-бет.

³⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. 445-бет.



БИОГРАФИЯ · ЭРГОМОНДАМ · РЕЦЕНЗИИ · КОММЕНТАРИИ · АВТОРСКИЕ СТАТЬИ · КНИГИ · МАТЕРИАЛЫ · ВІДЕО · АУДІО · СТАТЬИ · КОММЕНТАРИИ · АВТОРСКИЕ СТАТЬИ · КНИГИ · МАТЕРИАЛЫ · ВІДЕО · АУДІО

Х. Бабаджанов

Промышленность Узбекистана в годы второй мировой войны

В статье на основе архивных документов и научной литературы анализируется процесс перевода промышленности Узбекистана на военные рельсы, раскрываются проблемы и пути их решения, описывается деятельность и несоизмеримый вклад отрасли в победу во второй мировой войне.

Ключевые слова: военная промышленность, экономика, тяжелая и легкая промышленность, предприятие, завод, фабрика, победа, эвакуация, вклад узбекского народа, Узбекистан.

H. Babadjanov

Industry of Uzbekistan during World War Two

The article analyzes the process of restructuring the industries of Uzbekistan to military relations and the contribution of the industry to the victory during World War Two on the basis of archival documents and scientific sources. Besides, the article describes the problems of the militarization of industry and their solutions during the war.

Keywords: military industry, economy , heavy and light industry, war, rails, documents, victory, sphere, contribution, archive, Uzbek people, Uzbekistan, evacuation.



Ҳасан Бобоҷонов

Муҳаммад Ҳоразмий номидаги ТАТУ
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги иккинчи жаҳон уруши йилларида

Иккинчи жаҳон уруши СССР иқтисодиётининг барча соҳалари каби қишлоқ ҳўжалигига ҳам катта талафотлар келтирди. Саноатдан фарқли равишда, даладаги экинларни кўчириб кетишнинг имкони йўқ эди. Улар ёки душманга қолдирилиши, ёки йўқ қилиниши керак бўларди. Бу икки ҳолатда ҳам иқтисодиёт учун экинлар – озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқотилишини англатарди. Қишлоқ ҳўжалигини саноатдан яна бир фарқи унинг ҳудуд ва иқлимга боғлиқлиги эди. Масалан, Белоруссияда экиладиган маълум экин турини бошқа ҳудудда ҳар доим ҳам муваффақиятли этишириб бўлмас эди.

Урушнинг дастлабки босқичида қишлоқ ҳўжалигидаги йўқотишларнинг оғирлигини маълум дараҷада Ўзбекистон каби фронт орти ҳудудлари қоплаши керак эди. Шунинг билан бирга, Ўзбекистон ўз аҳолисини озиқ-овқат ва фронтни зарур қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари (асосан, пахта ва ипак) билан таъминлаши зарур эди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун қишлоқ ҳўжалиги ходимлари машаққатли меҳнат қилдилар.

1941 йил 17 ноябрда қабул қилинган ВКП(б) МҚ ва СССР ХҚСнинг қўшма қарорида янги мураккаб шароитларда қишлоқ ҳўжалиги олдига кўйиладиган асосий вазифалар белгиланиб берилди. Қарорда озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан фронтни таъминлашда дон, техника экинлари ва сабзавотлар ҳосилини кўпайтиришда Урал, Сибир, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг алоҳида аҳамияти кўрсатилди¹.

Қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш жуда қи-

¹ История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941 – 1945 гг. Москва. 1961. С. 168.

йин эди. Бир томондан, қишлоқ хўжалигига тегишли техника ва ишчи кучи бошқа халқ хўжалиги тармоқлари ва фронтга жалб қилиниши оқибатида вазият муракаблашганди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маълум дараҷада “иккинчи даражали” тармоқ деб қаралиши натижасида соҳага ажратиладиган умумий маблағ миқдори камайганди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кескин вазият юзага келди. Бундай шароитда Ўзбекистонда асосий техник ва сабзавот-полиз экинлари ялпи ҳосили тушиб кетиши муаммосини икки йўл билан ҳал этса бўларди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосилини кўтариш учун экстенсив йўлдан бориб, экин майдонларини кенгайтириш ёки интенсив усулни қўллаб ҳосилдорликни ошириш керак эди. Мавжуд вазиятда экстенсив усулдан фойдаланиш учун имкониятлар кенгроқ эди. Чунки СССРнинг шарқий ҳудудларида (Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибир) янги ерларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар бор эди.

Иккинчи йўлга келсак, интенсив усулда мавжуд ер майдонларида ҳосилдорликни кўтариш учун ишчи кучи, техника, кимёвий ўғитлар, маблағ, сифатли уруғлар етишмас ва бу йўлда самарага эришиш узоқ вақтни талаб этарди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини кўтаришда экстенсив йўлдан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам СССР қишлоқ хўжалигини кенгайтиришда экстенсив йўл ҳукмрон бўлиб келди. Буни қишлоқ хўжалигининг моддий ва техник қолоқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда ирригация қувватларини ошириш ва шу асосда экин майдонларини кенгайтиришин таъминлаш мухим вазифага айланди. Суғориш иншоотларини қуришда техника, ишчи кучи ва қурилиш-муҳандислик ашёлари кескин етишмасди. Бундай қурилишлар оғир шароитларда, содда меҳнат шароитларида аҳоли меҳнат кучи билан амалга оширилди.

Бундай қийинчиликларга қарамасдан, уруш йилларида Ўзбекистонда йирик суғориш иншоотлари Шимолий Тошкент (Тошкент вилояти), Чуст ва Юқори Учқўрғон (Наманган вилояти), Сўх-Шоҳимардон (Фарғона вилояти), Назархон-Тозаёрмиш, Нукусобод, Шўро, Шуманай (Қорақалпоғистон), Душанбек-Қоратоғ (Сурхондарё вилояти) каби ариқлар; Рудаксой (Бухоро вилояти), Косонсой (Наманган вилояти) сув омборлари, умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган Фарҳод ГЭС қурилиши, эскидан фойдаланиб келинаётган Ҳазорбог, Овгир, Хайробод, Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Охунбобоев номли ариқлар қайта таъмирланди².

Ўзбекистон суғориш иншоотларини қурилишида ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Янги ерлар ўзлаштирилаётган бир пайтда, фойдаланиб келинаётган ерлар қишлоқ хўжалиги муюмаласидан чиқа бошлади. Янги ўзлаштирилган ҳудудларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши ва давлат томонидан ажратиладиган маблағнинг камайиши натижага

² К.Насридинов. Ўзбекистонда 1941 – 1945 йил уруш йиллари даврида ирригация ва мелиорация ишлари // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси. Тошкент. 1996. 174-бет.



сида ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетди.

Мавжуд суғориш тизимини таъмирлаш ишларига республика бюджетидан маблағ ажратилиши йил сайнин камайиб бориб, бу мақсадларга 1941 йили 49 900 000 рубл ва кейинги 1942 йили эса 43 900 000 рубл сарфланди³. Қўриқ ерларни охиригача ўзлаштирмаслик, мутахассис ва ишчи кучининг етишмаслиги ҳамда “ўзлаштирилган гектар”лар ортидан қувиш Ўзбекистон ер ва сув имкониятларидан самараасиз фойдаланишига сабаб бўлди. Натижада, оғир меҳнат ва кўплаб маблағ сарфланишига қарамай, кўлга киритилган ютуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмади.

Юқорида иккинчи жаҳон уруши йилларида ғарбий ерларнинг душман томонидан босиб олингани туфайли маълум экин турларининг етиштирилиши кескин камайиб кетгани таъкидланган эди. Бундай қишлоқ хўжалик экинлари жумласига қанд лавлаги ҳам кирган. Ҳолбуки, урушгача ССРР миёссида етиштириладиган қанд лавлагининг 87 фоизи Украина ССР ҳиссасига тўғри келарди⁴.

Украинанинг тўлиқ босиб олиниши ва РСФСРда қанд лавлаги ялпи ҳосилининг тўрт баробар камайиши шакар билан таъминот масаласини қийинлаштирди. Шакар озиқ-овқат саноати учун жуда зарур маҳсулот бўлгани сабабли, йўқотилган қанд лавлаги майдонларини шарқий ҳудудлар, жумладан, Ўзбекистонда тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Республика дехқонлари қанд лавлаги етиштиришни ўзлаштиришга катта эътибор бердилар. Ўзбекистон ҳудудида қанд лавлагининг экилиши асосан бошқа экинлар майдонларининг қисқартирилиши эвазига амалга оширилди. 1941 йил ССРР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қўшма қарори асосида 1942 йили Ўзбекистонда қанд лавлаги учун 70 000 гектар ер майдони ажратиш мақсадида 52 400 гектар беда ва 22 600 гектар пахта майдони қисқартирилди⁵.

1943 йили ўзбек дехқонлари давлатга 1 565 000 центнер қанд лавлаги топширдилар⁶. 1942 йили қанд лавлаги ҳосилдорлиги гектаридан 162 центнерга ва 1944 йилда эса гектаридан 260 центнерга тенг бўлди⁷. Ўзбекистон бутун ССРРда етиштирилган қанд лавлагининг чорак қисмини ишлаб чиқара бошлади. Бу эса, фақат республикадаги қанд ишлаб чиқариш корхоналаринигина эмас, балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлаги билан таъминлаш имконини берди.

1944 йили қанд лавлаги экиладиган ҳудудлар озод этилиши билан Ўзбекистонда ушбу экин учун ажратиладиган ер майдонлари қисқартирилди. Шу йили республика таркибидаги тўрт вилоятда, жумладан, Тошкент

³ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғма жилд, 16-варақ.

⁴ Народное хозяйство ССРР в Великой Отечественной войне 1941 – 1945 гг. Москва. 1990. С. 96.

⁵ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2787-йиғмажилд, 265-варақ.

⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент. 2000. 447-бет.

⁷ С. Тилеуколов. Социалистические преобразования орошаемого земледелия Узбекистана. Тошкент. 1981. С. 143.

вилоятида 5 900 гектар, Фарғона вилоятида 14 300 гектар, Самарқанд вилоятида 18 800 гектар ва Қашқадарё вилоятида 1 000 гектар ер майдони қанд лавлаги учун ажратилган эди:⁸

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Ўзбекистондаги қанд корхоналари маҳсулотлари маҳаллий аҳолига деярли сотилмаган. Одатда, республика аҳолиси шакар эмас, қайта ишланмаган қанд лавлаги билан таъминланган. Республикада йиғиштириб олинган қанд лавлагининг барчаси ҳам корхоналарда қайта ишланмасдан, унинг маълум миқдори қайта ишланмаган ҳолатда аҳоли истеъмоли учун ажратиларди. Масалан, 1943 йилнинг ўзида 20 700 тонна қанд лавлаги республика ташкилотлари ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида тақсимланган⁹. Шунингдек, 1943 йил ҳосили ҳисобидан Тошкент шаҳридаги жамоат ошхоналари таъминоти учун кунига 30 вагон қанд лавлаги юборилгани маълум¹⁰.

1943 йилдан СССРнинг ғарбий ҳудудлари озод қилиниши бошланди. Ўша ҳудудларда ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги вайрон этилган эди. Ўзбекистон ушбу ҳудудлардаги иқтисодий инфратузилмани, ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигини тиклашда ёрдам кўрсатди. Масалан, 1943 йили Россиянинг Краснодар ўлкасида қоракўлчиликни тиклаш мақсадида Ўзбекистондан 150 бош зотли қоракўл кўй юборилди¹¹.

1943 йил 17 сентябрдан 17 октябргача эса Ўзбекистондан Украина-нинг озод этилган ҳудудларига 3 636,7 центнер дон, 1075 бош юирик қорамол, 7 989 бош кўй ва эчки, 295 центнер сабзавот, 1 975 центнер қуритилган мева, 34,5 центнер гўшт ва ёф ҳамда 1 018,5 центнер бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди¹². Умумий ҳисоб китобларга кўра, Ўзбекистондан Украинага жами 200 000 бош чорва юборилди¹³. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, шу йилларда Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги чорвачиликка эмас, асосан пахтацилика ихтисослаштирилган эди.

Уруш йилларида қишлоқ ҳўжалигининг муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан бири чорвачилик ҳолати ҳам кескин ёмонлашди. Ўзбекистон чорвачилиги XX асрнинг 30-йилларида колхозлаштириш ва қулоқлаштириш туфайли анча зарар кўрган эди. Уруш бошланиши туфайли аҳвол янада қийинлашади. Юзага келган мураккаб шароитларга қарамасдан, 1941 йили Ўзбекистонда давлатга гўшт топшириш режаси 108,3 фоизга бажарилади¹⁴.

Ўзбекистон чорвачилиги армияни гўшт билан таъминлашда барча имкониятларни ишга солди. Ем-ҳашак ва озуқанинг етарли эмаслиги ҳолатида чорва моллари вазнда ортда қолиб кетдилар. 1942 йили республика бўйича гўштга топширилган 45 фоиз чорва моллари етарли вазнга эга эмас

⁸ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғмажилд, 122-варақ.

⁹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғмажилд, 66-варақ.

¹⁰ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғмажилд, 6-орқа варақ.

¹¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғма жилд, 183-варақ.

¹² Советский тыл в Великой Отечественной войне. Москва. 1974. С. 90.

¹³ История советского крестьянства. Том 3. Москва. 1987. С. 329.

¹⁴ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3012-йиғма жилд, 5-варақ.



эди¹⁵. Бу ҳолатдан яна икки мұаммодан келиб чиқарди. Яъни, етарли вазнга әга бўлмаган чорва моли гўшти сифати қониқарсиз эди. Иккинчидан, давлат гўшт режасини (тонна ҳисобида) бажариш учун 80 000 чорва молини қўшимча топширишга тўғри келган. Режани бажариш учун гўштга бузоқли сигирлар ҳам топшириб юборилади¹⁶.

Шу билан 1941 – 1943 йилларда республикадан давлатга гўшт топшириш режасини бажариш учун ички имконият ва захираларни сарфлаб бўлинган эди. 1944 йили республика чорвачилиги тўлиқ инқироз ҳолатида эди. 1944 йилнинг биринчи чорагида давлатга мажбурий гўшт топшириш режаси Тошкент вилоятида 9,5 фоиз, Сурхондарё вилоятида 12,7 фоиз, Наманган вилоятида 16,1 фоиз, Фарғона вилоятида эса 18,6 фоизга бажарилди. Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ҳамда ҚҚАССРда Қизил Армия жамғармасига гўшт топшириш умуман барбод бўлган¹⁷.

Республика чорвачилигидаги мұаммолар туфайли ҳар йили ўн минглаб чорва моллари ҳалок бўларди. 1942 йили Ўзбекистон қоракўлчилигига фавқулотда вазият юзага келди. Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг чорвачилик совхозларида ем-хашак етишмаслиги оқибатида кўплаб қўйлар нобуд бўлди. Масалан, Бухоро вилоятининг қоракўлчилик совхозларида қўйларнинг нобуд бўлиши ўртача 10 – 15 фоиздан ошиб кетганди. Жумладан, “Томди” ва “Жангелди” совхозларида 500 тадан, “Чорвадор” ва “Муборак” совхозларининг ҳар бирида 2000 дан ортиқ чорва нобуд бўлган¹⁸.

Урушгача бўлган йилларда республика қишлоқ ҳўжалигининг техника билан таъминланиши қониқарсиз аҳволда эди. 1943 йил биринчи ярмида республика МТСларининг эҳтиёт қисмларга бўлган талаби тахминан 12 млн. рубл бўлишига қарамай, уларга жорий даврда 2 338 000 сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Шу сабабли эҳтиёт қисмларининг етишмаслиги ва техник хизмат сифатининг пастлиги шароитида қишлоқ ҳўжалик техникиаси ҳолати қониқарсиз даражага келади. Масалан, 1943 йили баҳорги чопиқ ишларига тайёр бўлмаган тракторлар сони Самарқанд вилоятида 29,1 фоизни, Бухоро вилоятида 39,8 фоизни, Қашқадарё вилоятида эса 28,7 фоизни ташкил этди¹⁹.

Уруш йиллари бузилиб, эскириб яроқсиз ҳолатга келаётган қишлоқ ҳўжалиги техникиасининг ўрни асосан уй ҳайвонларидан фойдаланиш эвазига тўлдирилди. Мавжуд вазиятда бошқа йўл ҳам йўқ эди. 1944 йилнинг 1 январига қадар республика колхоз ва совхозларида меҳнатга яроқли уй ҳайвонлари сонини, хусусан, отларни 369100 тага, туяларни 38019 тага ва эшакларни 1190720 тагача етказиш режалаштирилди²⁰.

¹⁵ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғмажилд, 153-варак.

¹⁶ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғмажилд, 153-варак.

¹⁷ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғмажилд, 17-варак.

¹⁸ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 210-варак.

¹⁹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3774-йиғмажилд, 217-варак.

²⁰ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғмажилд, 47-варак.



Республикада қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш даражаси секин-аста деярли йўққа чиқиб борган. Қишлоқ хўжалигида уй ҳайвонларидан фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини пасайтириди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган уй ҳайвонлари республика бўйича ем-хашак сарфини кўпайтириб, гўшт ва сут чорвачилиги билан озуқавий емлар учун рақобат қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги жиддий ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммолардан яна бири мутахассислар масаласи эди. Уруш йилларида қишлоқ меҳнаткашлари асосини аёллар, қариялар ва болалар ташкил этган. Уларнинг меҳнати туфайли янги ариқлар қазилди, фронт ва фронт орти озиқ-овқат, саноат эса хом ашё билан муттасил таъминланди. Қишлоқ хўжалик ишларига қисман шаҳар аҳолиси ва ҳашарчиларнинг жалб қилиниши муаммонинг енгиллашувига жиддий таъсир этмади.

Уруш йиллари деҳқонларнинг маъсулияти ва фидокорона меҳнатига қарамасдан, уларга нисбатан мустабид тузумнинг ишончсизлик сиёсати ҳамон давом этा�ётган эди. Совет давлати колхоз қурилишининг бутун тарихи давомида колхоз ва совхозлар мулкини қўриқлашга алоҳида эътибор берди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳам бундан истисно бўлмади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳар қандай камчилик ва систеъмолчилик учун жиноий жавобгарлик жорий этилганди.

Масалан, 1942 йил 24 октябрда Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1421-қарори билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг баъзи моддалари тўлдирилди. Унга кўра, қандай лавлагига ҳар қандай зарар етказиш, қандай лавлаги бўйича давлат режасини бажаришга қарши тўқсингиллик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат барча мол-мulk мусодара қилинган ҳолда, ўн йилгача озодлиқдан маҳрум этиш билан жазоланадиган бўлди²¹.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет даври тарихшунослигига колхоз тизимининг иқтисодий устунлиги тўғрисидаги фикрлар кўплаб учрайди. Бу ҳақда 1945 – 1991 йилларда қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Уларнинг баъзиларида уруш йилларида қишлоқ хўжалигида ўсиш бўлгани ҳақида таъкидланади. Тадқиқотлар бундай фикрларда ҳеч қандай асос йўқлигини кўрсатмоқда. Юқорида берилган фикрлар ва далиллар уруш йилларида республика қишлоқ хўжалигида ҳеч қандай ўсиш бўлмагани ва умуман бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб беради.

Уруш давомида қишлоқ хўжалигидаги муаммолар йил сайин йиғилиб, вазият ёмонлашиб борди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги урушнинг дастлабки йилларида ички захиралар эвазига фронт ва аҳолининг юқори талабларини қондирди. Бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш даражаси, унинг тикланиш имкониятларидан ўзib кетганди.

1943 йилдан бошлаб республика қишлоқ хўжалигининг қониқарсиз ҳолатини кўрсатиб берувчи турли белгилар кўрина бошлади. Улар сифат-

²¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2289-йиғмажилд, 20-вараг.



сиз бажарилган иш, ҳосилдорликнинг кескин пасайиши ва режаларнинг барбод бўлишида кўрина бошлади. Масалан, 1943 йили республика бўйича кейинги йил учун картошка уруғини тайёрлаш 33,2 фоизга, Бухоро вилоятида эса 0,1 фоизга бажарилган, холос. Текширувлар натижасида мавжуд уруғликлар сифатсизлиги ва далалар кейинги йил учун деярли тайёрмаслиги аниқланган²². Бундай ҳолатлар йилдан-йилга қишлоқ ҳўжалигидаги ахволнинг ёмонлаштганлигини англатар эди.

Уруш колхоз тизимидағи ишлаб чиқариш муносабатлари унумсизлигини яна бир бор кўрсатиб берган эди. Ҳатто, XX аср 30 – 40 йилларида ССРВ қишлоқ ҳўжалиги асосий кўрсаткичлар (ялпи ҳосил, ҳосилдорлик, иш унумдорлиги, чорва сони ва бошқалар) бўйича Россия империясининг биринчи жаҳон урушигача бўлган даражасигача етмаган. Колхозлар қанча маҳсулот бера олишидан қатъий назар, давлат улардан ўзи учун керак нарсанинг ҳаммасини тортиб оларди. Фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудларда колхоз ва совхозларнинг сақлаб қолинганинг сабаби ҳам улар босиб олинган ҳудудлар қишлоқ ҳўжалигини талашда колхоз ва совхоздан мақбулроқ тизимни ўйлаб тополмаганлари билан боғлиқдир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қишлоқ ҳўжалигига иккинчи даражали соҳа сифатида қаралди. Республика қишлоқ ҳўжалигидаги мураккаб вазиятни қандайдир яхшилаш мақсадида 1944 йили Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигига 13 700 000 рубл узоқ муддатли ишлаб чиқариш қарзлари ажратилди. Ушбу миқдордан 4 500 000 рубл чорвачиликка, 300 000 рубл экин майдонларини қайта тиклашга, 1 000 000 рубл минерал ўғитлар сотиб олишга, 700 000 рубл томорқа ҳўжаликларига ҳамда шулардан ортган маблағ ижтимоий мақсадларга йўналтирилди²³.

Бу маблағ Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигидаги жуда оғир вазиятни тўғрилаш учун етарли бўлмади. Қишлоқ ҳўжалигидан ресурсларнинг ҳаддан ташқари тортиб олиниши ва уларни қайта тиклашга эътиборнинг сустлиги 1944 йил охири ва 1945 йил бошларида республика қишлоқ ҳўжалигини чуқур инқироз ҳолатига тушириб қўйди.

Ўз қишлоқ ҳўжалигидаги техника ва мутахассислар етишмовчилиги шароитида ҳам Ўзбекистон озод этилган ҳудудларга ёрдам берди. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётнинг асосий бўғини сифатида иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Қишлоқ ҳўжалиги фронтни озиқ-овқат, ҳарбий саноатни эса хом ашё билан таъминлашга мослаштирилди. Қишлоқ ҳўжалигининг техник ва моддий таъминоти ёмонлашди. Натижада, қишлоқ ҳўжалигига инқирозли вазиятлар пайдо бўлди. Қишлоқ ҳўжалик экинларининг майдонлари қисқариб, ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик пасайиб кетди.

Республика қишлоқ ҳўжалигига юзага келган мураккаб вазиятга қарамай, Ўзбекистон барча имкониятларини фронт, саноат ва аҳоли таъми-

²² Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғмажилд, 169-варап.

²³ Ўзбекистон Миллий архиви. Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғмажилд, 326-варап.



нотига йўналтириди. Уруш йиллари мобайнида республика дехқонлари давлатга 4 148 000 тонна пахта, 82 000 000 пуд ғалла, 54 067 тонна пилла, 195 000 тонна шоли, 57 444 тонна мева, 36 000 тонна құритилган мева, 159 300 тонна гўшт, 22 300 тонна жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бердилар²⁴.

Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалаба фақат қурол-яроқ орқали эмас, озиқ-овқат, кийим-бош, дори-дармон сингари ҳар бир жангчи учун заруриги тенгсиз маҳсулот, ашёлар эвазига ҳам юз бергани борасида иккиланиш йўқ. Юқорида келтирилган ҳужжатли далиллар ва уларнинг илмий таҳлили эса, ғалабани таъминлашда ўзбек халқи, жумладан, дехқонларининг фидокорона меҳнатлари улкан амалий аҳамият касб этганини кўрсатади.

Х. Бабаджанов

Сельское хозяйство Узбекистана в годы второй мировой войны

В статье на основе архивных документов и научной литературы анализируется состояние и проблемы сельского хозяйства, раскрываются вопросы обеспечения фронта и населения Узбекистана продуктами питания и продовольственными товарами, а также строительство ирригационных сооружений в годы второй мировой войны, вклад узбекских дехканов в победу во второй мировой войне.

Ключевые слова: сельское хозяйство, продовольственное обеспечение, ирригация, строительство, сельскохозяйственная продукция, Узбекистан.

H. Babadjanov

Agriculture of Uzbekistan during World War Two

The article discloses the condition of agriculture in Uzbekistan during World War Two and the issues of providing the population and the front with food supply and industrial products based on archival documents and literature. Besides, there is analyzed the construction of irrigation facilities and deficiencies in this field.

Keywords: agriculture, food supply, irrigation construction, sugar beet, fruits, Uzbek farmers, Uzbekistan.

²⁴Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 450-бет.



Қаҳрамон Ражабов

Тарих институти етакчи илмий ходими, заме
тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбек миллий қўшинлари иккинчи жаҳон уруши майдонларида

Иккинchi жаҳон уруши бошланган биринчи кунларданоқ – 1941 йил июн ойи охирларида Ўзбекистонда ҳалқ лашкарлари тузила бошлади. Улар кейинчалик умумий ҳарбий таълим бўлинмаларига қўшилган ва шу тариқа миллий ҳарбий қисмлар ва жанговар заҳираларни тайёрлаш иши бошланиб кетган. Мазкур жараёнга фашистлар босиб олган ҳудудлардан юртимизга вақтинча кўчириб келинган бир қанча ҳарбий академия ва ўнлаб ҳарбий билим юртлари ҳам тортилиб, улар ҳарбий қўмандонлар тайёрлаш билан шуғулланганлар.

Давлат мудофаа қўмитасининг 1941 йил 17 сентябрдаги “СССР фуқаролари ҳарбий ишни ёппасига мажбурий ўргатиш тўғрисида”ги қарорида ёзилишича, “Совет Иттифоқининг қурол кўтаришга қодир бўлган ҳар бир фуқароси қўлига қурол олиб ўз Ватанини ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриши лозим” эди. Унда 1941 йил 1 октябрдан бошлаб 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча эркак фуқароларга мажбурий ҳарбий таълим бериш жорий қилиниши кўзда тутилганди. Ҳарбий таълим армия сафига чақирилмасдан ва ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилиши лозим эди¹.

1941 йил 1 ноябрдаги маълумотларга кўра, Тошкентда ҳаммаси бўлиб 35 та ҳарбий таълим бўлими ташкил қилинган бўлиб, уларда ўнлаб умумий ҳарбий таълим баталонлари шуғулланганлар. Умуман олганда эса, уруш йилларида Ўзбекистонда 500 000 га яқин киши умумий ҳарбий таълим тизимида билим олган.

1941 йил 13 ноябряда Давлат мудофаа қўмитасининг мутлақо махфий 894-қарори билан қуролли кучлар сафида миллий ҳарбий қўшилмалар ту-

¹Ўзбекистон ССР тарихи. IV том. Тошкент. 1971. 134 – 135-бетлар.

зишга рухсат берилади. Хусусан, иттифоқдош ва автоном республикалар компартиялари марказий қўмиталари ва халқ комиссарлари советларига жами 20 та отлиқ дивизияси ва 15 та алоҳида ўқчи бригадаси тузишга рухсат берилган. Шунга кўра, Ўзбекистонда 5 та отлиқ дивизияси ва 9 та алоҳида ўқчи бригадаси, яъни республикалар ўртасида энг кўп миллий ҳарбий қўшилмалар ташкил қилинади. Уларга миллий аҳолининг 40 ёшдан ошмаган вакиллари сафарбар этилган. Қўшилмаларга қўмондононлик қилиш асосан маҳаллий аҳоли вакиллари зиммасига, улар етарли бўлмаса, русларга юклатилган. Бу қўшилмалар тегишли миқдорда кийим-кечак, қурол-яроғ, озиқ-овқат ва ем-ҳашак билан таъминланиши, энг аввало, қўшинни одамлар ва отлар билан тўлдириш тегишли иттифоқдош ва автоном республикалар ҳисобидан бўлиши қатъий белгилаб қўйилган².

Ўзбекистонда 389, 12, 162 ва 69-ўқчи дивизиялари, 21 ва 44-отлиқ дивизиялари, 90 ва 94-алоҳида ўқчи бригадалари, 128-гвардиячи Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси ва бошқа ҳарбий қисмлар тузилган. Ҳарбий ҳаракатлар даврида бу қисмларнинг деярли ҳаммаси жанговар орденлар билан мукофотланди, гвардиячи қисмлар бўлиб қолди, улар ўзлари фашистлардан озод қилган шаҳарларнинг номлари билан аталадиган қисмларга айланди³.

Ўзбекистонда умумқўшин тузилмаларидан ташқари 14 та миллий қўшилма ва қисмлар ташкил этилган эди. Республикада тузилган кўплаб жанговар бўлинмалар иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи ҳарбий амалиётларида фаол иштирок этгандар. Улар Москвадан Берлингача бўлган узоқ ва мashaқатли, бироқ қаҳрамонона йўлни жанг билан босиб ўтдилар. Ўзбекистонлик жангчилар фашист босқинчиларини тор-мор қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиб⁴, урушининг дастлабки давридаги мағлубиятларнинг аччиқ таъмини татиб кўрдилар ҳамда урушининг буюк ғалаба билан якунланган дамларига гувоҳ бўлдилар.

Аслини олганда, ўзбек дивизияларининг ташкил топиши иккинчи жаҳон урушидан анча аввал бошланган эди. Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондонининг 1927 йил 1 октябрдаги буйруғи асосида алоҳида Бирлаштирилган ўзбек отлиқ бригадаси шакллантирилган бўлиб, 1932 йил 1 октябрда Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондонининг буйруғига кўра 6-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясига айлантирилган⁵. 1932 – 1935 йилларда ушбу дивизиянинг қўмондони ва комиссари Миркомил Миршаропов⁶ бўлган. Ўзбек отлиқ дивизиясига бағишлаб Мақсад Шайхзода томонидан 1933 йил февралда

² Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги марказий архиви. 644-фонд, 2-рўйхат, 25-иш, 103-варақ.

³ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккинчи китоб. Тошкент. 2019. 38-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. Тошкент. 2000. 466-бет.

⁵ Россия давлат ҳарбий архиви (РДХА). 34912-фонд, 2-рўйхат, 283-иш, 4-варақ.

⁶ Миркомил Миршаропов (1900 – 1938) – ҳарбий арбоб; Авлёёта (ҳозирги Тараз) шахрида туғилган; 1921 йилдан Хоразм шўро сўсиёлист жўм徇ирияти ҳарбий нозири, 1924 йилдан нозир ўринбосари; 1925 – 1929 йилларда Москвадаги ҳарбий академияда ўқиган; 1932 – 1935 йилларда 19-тоғли алоҳида отлиқ ўзбек дивизияси қўмондони ва комиссари.



“Ўзбек дивизияси марши” номли шеър ёзилган эди⁷. “Миршаропов дивизияси, олға бос!” сатрлари билан бошланувчи ушбу шеър дивизия аскарларининг ҳарбий қўшиқларидан бири бўлган.

Кейинчалик дивизия таркибида ўзбеклардан ташқари бошқа миллатга мансуб ҳарбий мутахассислар ҳам хизмат қилганлар.

1936 йил 21 майдан бошлаб дивизия 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси номи билан юритила бошланади⁸.

Жанговар ҳаракатларда ва “совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишида” кўрсатган жанговар намуналари ҳамда 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг ташкил этилганлигига 15 йил тўлганлиги муносабати билан ССР МИҚнинг 1936 йил 27 апрелдаги қарорига кўра, дивизия Ленин ордени билан тақдирланган⁹.

ССР Мудофаа ҳалқ комиссарлигининг 1936 йил 21 майдаги бўйруғига асосан 1-ўзбек отлиқ полки 41-отлиқ полки, 2-ўзбек отлиқ полки 42-отлиқ полки, Қозоқ ҳудудий отлиқ полки 48-отлиқ полки тарзида, отлиқ артиллерия дивизияси, механизация дивизияси, сапёрлик ва алоқа эскадрони, кимё взводлари ягона 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси йўсунинда қайта номланади¹⁰.

“Катта қирғин” даврида 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси ҳамда бошқа дивизияларда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган таникли ўзбек ҳарбийларининг қатағон қилингани ҳам маълум. 1940 йил 1 ноябрда 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг шахсий таркиби 4 049 кишидан иборат бўлиб, улардан 382 киши – қўмондон, 603 киши – кичик қўмондон, 3 064 киши эса оддий аскар бўлган¹¹.

1941 йил июл-август ойларидағи дастлабки жангларида ўзбек дивизияси катта талафот кўради. Бу мағлубиятларга тиш-тирноғигача қуролланган душманга қарши курашаётган ўзбек дивизияси жангчилари ихтиёрида замонавий қуроллар йўқлиги, ўқ-дори ва қурол-яроғнинг етишмаслиги, аскарларнинг ҳарбий тайёргарлиги керакли даражада юқори эмаслиги ҳамда жанговар ҳарбий тажрибанинг етишмаслиги каби омиллар ҳам сабаб бўлди. Фашистлар қўшинлари эса Европа мамлакатларини босиб олишда бўлган жангларда қатнашган, етарлича ҳарбий ва жанговар тажрибага эга бўлган дивизиялардан ташкил топган эди. Бироқ кейинчалик ўзбек дивизиялари ҳарбий ҳаракатларда жуда кўп талафот кўргани баҳонаси билан тарқатиб юборилади¹².

1941 йил ёзида Самарқандда 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси қайта тувилиб, унинг асосида 221-моторлаштирилган дивизия ташкил қилинди. Дивизияда бу пайтда катта тажрибага эга ўзбек офицерлари, полковник

⁷ Максад Шайхзода. Ўзбек дивизияси марши // “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1933 йил, 23 февраль.

⁸ РДҲА. 34912-фонд, 1-рўйхат, 295-иш, 7-варақ.

⁹ Э. Раджапов. Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси тарихидан // ЎзМУ хабарлари. № ½. 2015. 35-бет.

¹⁰ РДҲА. 34912-фонд, 2-рўйхат, 423-иш, 7-варақ.

¹¹ РДҲА. 34912-фонд, 2-рўйхат, 330-иш, 13-варақ.

¹² РДҲА. 34912-фонд, 2-рўйхат, 330-иш, 15-варақ; Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси тарихидан // ЎзМУ хабарлари. № ½. 36-бет.

И. Бекжонов, майор С. Раҳимов, капитан Х.Шукуров ва бошқалар бор эди. Дивизия таркибидаги 27-механизациялаштирилган корпусга генерал-майор И. Петров қўмондонлик қилган.

Дивизия жангчилари 17-механизациялашган корпус сафларида Елна яқинида душманга қарши жангларда илк марта қатнашдилар. 1941 йил июл-август ойларида дивизия шахсий таркиби катта талафотга учрагач, у дастлаб 106-моторлаштирилган дивизия, сўнгра 106-ўқчи дивизия атрофида қайта ташкил қилинди ҳамда жангчилар 1941 йил сентябр-декабр ойларида Москва ёнидаги жангларда қатнашдилар¹³.

Москва атрофидаги жангларда Ўрта Осиё ҳарбий округига қарашли Тошкент ҳарбий билим юрти курсантларидан тузилган 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40-алоҳида курсантлар бригадаси фаоллик кўрсатганлар. Ушбу жангларда қатнашганлар орасида кичик лейтенант Шароф Рашидов ҳам бўлган¹⁴.

Хуллас, Ўзбекистонда 1941 йил ноябр – 1942 йил март оралиғида 14 та миллий ҳарбий қўшилма ташкил қилинган¹⁵. Чунончи, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97-алоҳида ўқчи бригадалари ҳамда 99, 100, 101, 102, 103-отлик дивизиялари. Уларни тузиш бўйича барча масъулият республика вилоятлари орасида тақсимлаб чиқилади. Масалан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти 89-ўқчи бригада ва 99-отлик дивизияси, Бухоро вилояти 91-бригада ва 101-отлик дивизияси, Фарғона вилояти 94-бригада, Самарқанд вилояти 90-ўқчи бригадаси ва 100-отлик дивизияси, Андижон вилояти 92-бригада ва 103-отлик дивизияси, Қорақалпогистон 97-бригадани ташкил қилиш бўйича жавобгар эди. Миллий ҳарбий қисмларни тузиш бўйича барча ҳаражатлар маҳаллий имконият ва аҳоли ҳисобидан қопланганини¹⁶ ҳам алоҳида урғулаш лозим.

1941 йил охирида Тошкент ҳарбий пиёдалар билим юрти миллий ҳарбий қисмлар учун мўлжалланган дастлабки офицерларни чиқарди. 1942 йил январда билим юртида маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат махсус ўқув курсантлари баталони ташкил қилиниб, унда миллий ҳарбий қисмларнинг қўмондонлик, муҳандис ва сиёсий таркиби қайта тайёрланди¹⁷.

Сталинград ёнида фашистлар билан тўқнашувларда юз берган қарши ҳужумларда 90 ва 94-алоҳида ўқчи бригадалари жангчилари фаол қатнашганлар¹⁸. 94- алоҳида ўқчи бригадаси Фарғона шаҳрида 1941 йил охири ва 1942 йил бошларида тузилган эди. Улар дастлаб Москва мудофаасида, сўнгра Сталинград жангига иштирок этдилар. 1942 йил январда бу бригадада капитан С. Охунжонов ҳам хизмат қилган.

Тошкентда 1943 йил 31 январда бўлган, фашизмга қарши оммавий

¹³ Г.Жуков. Воспоминания и размышления. Т. 2. Москва. 1990. С. 202 – 219.

¹⁴ Краснознаменный Туркестанский. Москва. 1988. С. 165; Ю.Алескеров. Годы, равные векам. Ташкент. 1973. С. 248.

¹⁵ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент. 1974. С. 420.

¹⁶ Ф.Нарходжаев. 50 лет на боевом посту. Ташкент. 1980. С. 90; Краснознаменный Туркестанский. С. 166 – 167.

¹⁷ Краснознаменный Туркестанский. С. 171.

¹⁸ Н.Кирсанов. Национальные формирования Красной Армии в Великой Отечественной войне 1941 – 1945 гг. // Отечественная история. № 4. 1995. С.122.



йиғинда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон вакиллари томонидан фронтда жанг қилаётган Туркистон халқларининг миллий ҳарбий қўшилмалари жангчиларига мурожаатнома қабул қилинди¹⁹. Самарқанд ёшлари 1943 йилда кўнгиллилардан иборат автоматчилик баталонини тузиб, фронтга жўнаб кетдилар.

Миллий ҳарбий қисмларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда рус тилидан ташқари бу қисмларда жанг қилаётган турли халқлар тилларида газеталар ҳам чиқарилган. Уруш йилларида 14 та фронт ва 2 та бригада газеталари ўзбек тилида чоп этилган²⁰.

“Душманга қарши олға” (Калинин; 1-Болтиқбўйи фронти), “Душманни тор-мор этишга” [сўнгра “Суворовчи”] (Брянск; 2-Болтиқбўйи фронти), “Сталин байроби” (Жанубий; Сталинград; 4-Украина фронти), “Қизил армия” (Дон; Сталинград; Марказий; 1-Белоруссия фронти; Германиядаги совет қўшинлари гурӯхи), “Қизил аскар ҳақиқати” (Фарбий; 3-Белоруссия фронти), “Ватан шарафи учун!” (Воронеж; 1-Украина фронти), “Совет жангчиси” (Жануби-Фарбий фронт; 3-Украина фронти), “Ватан учун!” (Шимоли-Фарбий фронт), “Бонг” (Узоқ Шарқ фронти) газеталари 1941 – 1947 йилларда ўзбек тилида (албатта, рус тилида ҳам) нашр қилинган.

Айнан ўзбек миллий ҳарбий қисмларида кейинчалик таниқли ҳарбий саркарда ва қўмондонлар бўлиб этишган маҳаллий миллат вакиллари – генерал-майор Собир Умарович Раҳимов (1902 – 1945), генерал-лейтенант Шоҳмурод Олимов (1910 – 1985), Файзулла Хўжаевич Норхўжаев (1911 – 1983), Собир Собирович Охунжонов (1919 – 2012), Аҳмаджон Мұҳаммаджонович Ҳожибоев (1923 – 2001), Якуб Жангирович Чанишев (1892 – 1988), Шокир Нигматулинович Гениатуллин (1895 – 1946), Муллажон Каримович Узоқов (1907 – 1960), Йўлдош Бобоҷонович Бобоҷонов (1906 – 1972), Ибрагим Паскаевич Бикжонов (1895 – 1988) ва бошқалар (бу ҳарбий қўмондонлар кейинчалик генерал бўлиб этишдилар) ўз жанговар фаолиятларини бошлаганлар ёки давом эттирганлар.

Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш юз бергач, 1943 йилдан бошлаб ўзбек дивизиялари аста-секин бошқа ҳарбий қисмлар таркибиغا қўшиб юборилди ёки тутатилди. Масалан, 19-отлик дивизияси Жануби-Фарбий фронтда тарқатиб юборилган. 99, 100, 101, 102, 103-отлик дивизиялари 1942 йил июн-июл ойларида тарқатиб юборилади. 90 ва 94-алоҳида ўқчи бригадалари ҳам 1943 йили 3-армия таркибида тарқатиб юборилган²¹. Урушнинг кейинги даврларида бу қисмларнинг ҳарбий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар манбаларда учрамайди.

Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, урушнинг дастлабки босқичларида, хусусан, 1941 – 1942 йилларда миллий ҳарбий қисмларда, жумладан, ўзбек дивизиялари ёки бригадаларида қурол-яроғ ва ўқ-дори миқдори мутлақо этишмаган. Замонавий қуроллар билан қу-

¹⁹ История Узбекской ССР в основных датах (1924 – 1965 гг.). Ташкент. 1966. С. 99.

²⁰ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент. 1974. С. 435.

²¹ В.Градосельский. Национальные воинские формирования в Великой Отечественной войне // Военно-исторический журнал. № 1. 2002. С. 17.

ролланган душманга қарши жангга кирган ўзбек аскарларининг ҳаммасида ҳам урушнинг дастлабки ойларида ҳатто оддий мильтик ҳам бўлмаган. Бу ҳолат большевиклар ва совет режимининг ҳатто уруш даврида ҳам маҳаллий халқларга, хусусан, туркий халқлар ва мусулмонларга нисбатан бўлган ишончсизлиги ҳамда шовинистик сиёсатининг яна бир даҳшатли кўринишиидир. Шунинг учун ҳам миллый ҳарбий қисмларда жангларда кўрилган талафот миқдори анча юқори, ғалабалардан кўра мағлубиятлар кўп бўлган.

Қурол-яроф ва ўқ-дорисиз ҳамда озиқ-овқатсиз душман қуршовида қолган юз минглаб ва миллионлаб оддий аскарлар, жумладан, ўзбеклар ҳам жанг майдонларида ҳалок бўлиш ёки душманга асир тушишга аввалдан маҳкум қилинган эдилар. Бироқ, нима бўлганда ҳам, ўзбек халқи фашизм балосини қайтариш, тор-мор этишда ўзининг тенгсиз улушкини қўшиди.

К. Раджабов

Узбекские национальные войска на полях второй мировой войны

В статье освещается деятельность узбекских дивизий, сражавшиеся против фашистских войск Германии в 1941 – 1942 гг. На основе анализа архивных документов и исторической литературы раскрыто формирование узбекских военных дивизий и бригад, описывается участие наряду с другими национальными воинскими объединениями в боевых операциях, победы и поражения, а также причины их расформирования.

Ключевые слова: вторая мировая война, узбекские дивизии, национальные военные бригады, Государственный комитет обороны, Среднеазиатский военный округ, Ташкент.

K.Rajabov

National Uzbek Forces in the fields of World War Two

This article illustrates the activities of Uzbek divisions that fought against fascists of Germany in Soviet-German front between 1941 and 1942. Based on the analysis of archival documents and historical literature, there have been shown the establishment of Uzbek divisions and brigades along with other national military associations, their participation in the military actions of the front, victories and defeats, and finally the elimination of these divisions.

Keywords: World War Two, national military divisions, Uzbek divisions, national brigades, State Committee of Defense, Central Asian Military Region, Tashkent.



Эркин Ражабов

Инновацион ривожланиш вазирлиги етакчи мутахассиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

“Темир генерал”

Қайси тарихий давр бўлмасин, ҳарбийлар ҳар қандай давлатнинг ўзак таянчларидан бири саналганлар. Россия империясида ҳокимият бошвиклар қўлига ўтгандан кейин юзага келган воқеилида Ўзбекистонда Миркомил Миршаропов¹, Юнус Наримонов², Бурҳон Ҳамроқулов³, Комилжон Толипов⁴, Собиржон Охунов⁵ каби миллий ҳарбий етакчилар етишиб чиққани яхши маълум. Аммо Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишида ғайрат кўрсатиб, бутун ҳаёти ва фаолиятини социализм, коммунизм ғояларига бағишлаган бўлишларига қарамай, уларнинг кўпчилиги 1937–1938 йиллардаги “катта қирғини”дан қочиб қутулолмаган. Оёққа туриб олиши, мустаҳкамланишида ўzlари жонбозлик кўрсатган режим уларни аяб ўтиргаган. Қатағондан омон чиқиб, фожия билан тугаш эҳтимоли катта бўлган қисматини шонли тақдир эгасига айлантира олган ўзбек ҳарбийларидан бир генерал Собир Раҳимов ҳисобланади.

Собир Раҳимов шахси ва фаолияти бугунги кунгача М.Маленковская⁶,

¹ 29-бетдаги тушунтиришга қаранг.

² Юнус Наримонов (1898 – 1938) – ҳарбий арбоб; 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий бўлими раҳбари; 1938 йил 13 октябрда совет ҳокимияти томонидан отувга ҳукм қилинган.

³ Бурҳон Ҳамроқулов (1902 – 1938) – ҳарбий арбоб; 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси партия комиссиясининг бош котиби; 1938 йил 10 октябрда совет ҳокимияти томонидан отувга ҳукм қилинган.

⁴ Комилжон Толипов (1900 – 1938) – ҳарбий арбоб; 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42-отлиқ полк қўмандонининг ёрдамчиси; 1938 йил 10 октябрда совет ҳокимияти томонидан отувга ҳукм қилинган.

⁵ Собиржон Охунов (1919 – 2012) – ҳарбий арбоб, генерал-лейтенант; иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси; 1971 – 1986 йилларда Ўзбекистон ССР Фуқаролик мудофааси штаби бошлиғи.

⁶ М. Маленковская. С.Рахимов — первый узбекский генерал // журнал “Звезда Востока”. №1 – 2. Ташкент. 1946.

И.Федюнинский⁷, Л.И.Батов⁸, Б.Джабаров⁹, Л.У.Юсупов¹⁰, Х.Содиков¹¹ томонидан илмий ўрганилган. Совет даврида яратилган барча адабиётлар ҳамда тадқиқотларда Собир Раҳимов ўзбек экани таъкидланган бўлса-да, аммо сўнгги йилларда МДХ, хусусан, қозоқ тарихчилари тадқиқотлари, айниқса, Қозоғистон электрон ахборот маконида қўмондоннинг қозоқ миллатига мансублиги ҳақида илмий асосланмаган, нотўғри маълумотлар берилмоқда.

Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг Подольск шаҳрида жойлашган Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги марказий архиви, Москва шаҳрида жойлашган Россия Давлат ҳарбий архиви ҳамда Россия ижтиёмий-сиёсий тарих архивида сақланаётган ҳужжатли маълумотлар Собир Раҳимовнинг шахси ва ҳарбий фаолияти тўғрисида аниқ тасаввур яратишга хизмат қиласди.

Собир Раҳимовнинг Россия Давлат ҳарбий архивида сақланаётган ҳарбий хизмат гувоҳномаси ва унинг анкета маълумотларига кўра, у 1902 йил 1 январда (баъзи адабиётлар ва электрон нашрларда 12, 25 январ деб берилади) Тошкент шаҳар, Киров тумани, Водопадная кўчаси – Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Тахтапул маҳалласида тегирмон ишчиси оиласида туғилган¹². 1910 – 1915 йилларда Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги мактабда ўқиган Собир 15 ёшида отасидан етим қолади ва оиласига ёрдам бериш мақсадида ишга киради. У 1920 йилдан 1922 йилгача Тошкент тўқимачилик устахонасида ишчи бўлиб ишлади. Келаси иили Ўзбек маориф институтининг тайёрлов курсига тингловчи сифатида кирган¹³. Шу орада унинг қарашларида кескин ўзгариш бўлган кўринади. Чунки 1922 йил августда Собир Раҳимов Боку ҳарбий мактабида¹⁴ ўқишини бошлаганини биламиз¹⁵. Ҳарбий таълим жараёнидаги ютуқлари, чавандозлик маҳорати

⁷ И.И. Федюнинский. Славный сын узбекского народа // газета "Правда Востока". 18 июня 1961 г.

⁸ П.И. Батов. Достойный сын узбекского народа // журнал "Звезда Востока". №9. Ташкент. 1946; П. И.Батов. Достойный сын узбекского народа (О генерале Сабире Раҳимове). Ташкент. 1947.

⁹ Б. Джабаров. Генерал Сабир Раҳимов // Материалы по истории Узбекистана. Ташкент. 1963.

¹⁰ Л. У. Юсупов. И снова в бой (Документальная повесть о генерал-майоре С.У.Рахимове). Ташкент. 1971; Л.У. Юсупов. Из боя в бой (Документальная повесть о Герое Советского Союза генерал-майоре С.У.Рахимове). Москва. 1975.; Л.У. Юсупов. Сабир Раҳимов (Документальная повесть). Ташкент. 1983.

¹¹ Х.Содиков. Собир Раҳимов // "Ленин учқуни" газетаси. 5-сон. 1985 йил.

¹² Россия Давлат Ҳарбий архиви (РДҲА), Собир Раҳимовнинг 28709411-рақамли партиявиий хизмат анкетаси.

¹³ Генерал Сабир Раҳимов // Материалы по истории Узбекистана. С. 44.

¹⁴ Боку ҳарбий мактаби – совет давридаги ҳарбий муассаса; 1917 йили Боку қўмондонлар курси номида очилиб, 1921 йили 1-Озарбайжон ҳарбий мактабига ўзгарилилган; кейинги йилларда бир неча марта қайта тузилган ва 1992 йилдан Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон олий ҳарбий мактаби.

¹⁵ Ўзбекистон Миллий архиви. 34-ийғажилд, 1-рўйхат, 2522-иш, 11, 14-варажлар.



учун М.В.Фрунзе¹⁶ қўлидан эсдалик совға – бронзадан қўйилган от ҳайкал-часини олишга муваффақ бўлади¹⁷.

Бокудаги ҳарбий мактабни 1925 йил 7 августда тамомлаган Собир Раҳимов Самарқанддаги 19-ўзбек төғ-отлиқ дивизиясига қабул қилинади. 1925 – 1927 йилларда у алоҳида ўзбек отлиқ дивизионида взвод қўмондо-ни, 1927 – 1930 йилларда эса, б-ўзбек отлиқ бригадаси 1-ўзбек отлиқ полки взвод қўмондони вазифасини бажаради¹⁸.

Собир Раҳимов совет ҳокимияти йилларида етишиб чиққан кўплаб ўзбек ҳарбий мутахассислари каби касби ҳамда вазият тақозоси билан Туркистанда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатни бостиришда қатнашишга мажбур бўлган. Взвод қўмондони сифатида Жунаидхон¹⁹, Иброҳимбек²⁰ каби қўрбоши гуруҳларини тугатишга қаратилган ҳарбий амалиётларда қатнашгани маълум.

Собир Раҳимов ҳарбий билим ва кўниумасини янада ошириш мақсадида 1930 йили Москва шаҳридаги К.Е.Ворошилов номидаги ҳарбий академияда²¹ қўмондонлик таркиби малакасини ошириш курсини тамом-лайди. Юртига қайтгач, 1930 йилдан 1933 йилгacha 19-ўзбек төғ-отлиқ дивизияси 41-төғ-отлиқ полки ўқчи эскадронининг қўмондони, 1933 – 1934 йилларда 41-төғ-отлиқ полки штаби бошлиғи ёрдамчиси, 1934 – 1937 йилларда эса 41-төғ-отлиқ полки мактаби раҳбари вазифаларида фаолият юритади²².

Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисмларидағи фаолияти давомида қўмондонлик малакасини оширган Собир Раҳимовга Ўзбекистон ССРдаги энг катта ва машҳур ҳарбий тузилма ҳисобланган 19-ўзбек төғ-отлиқ дивизиясида ўзбек миллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш жараёнида жуда кўл келган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўз даврида Собир Раҳимов взводи жанговар тайёргарлик ҳамда ҳарбий интизом бўйича 19-ўзбек төғ-отлиқ дивизияси 42-төғ-отлиқ полкнинг энг яхши ҳарбий бўлинмаларидан бири саналган. У ҳамиша қўл остидаги ҳар бир аскар билан якка тартибда сухбатлашиб турғани, ўзи ва жангчиларга нисбатан талабчан бўлгани ҳужжатларда ўз аксини топган. Тескари ҳолда, XX асрнинг 30-йилларида Собир Раҳимов каби бир қатор ўзбек миллий ҳарбий мутахассисларининг устози ҳисобланган Миркомил Миршаропов унга “... Иродали, пишиқ қўмондон, полк мактабларидан бирининг бошлиғи. Дивизияда унинг макта-

¹⁶ Михаил Васильевич Фрунзе (1885 – 1925) — совет ҳарбий арбоби; 1919 йил 15 августдан 1920 йил 10 сентябргача Туркистон фронти қўмондони сифатида Бухоро амирлигини қуролли куч билан босиб олиш бўйича 1920 йил 29 август – 1 сентябр кунлари юз берган ҳарбий ҳаракатлар ташаббускори ҳамда Бухоро шаҳрига аэропландан зарба бериш ташкилотчиси.

¹⁷ У ким. Бу нима (Энциклопедия). 2-жилд. Тошкент. 1987. 266-бет.

¹⁸ РДҲА. Собир Раҳимовнинг 28709411-рақамли партиявий хизмат анкетаси.

¹⁹ Жунаидхон (1857 – 1938) – истиқолчилик ҳаракати намояндаларидан; асли исми Қурбон Мамед (Муҳаммад) сардор бўлиб, туркмандарнинг ёвмут уруғидан эди; Россия империясига қарши ҳам чоризм, ҳам совет ҳокимияти даврида курашган; 1918 йил 30 сентябрдан Хива хонлигини бошқарган.

²⁰ Иброҳимбек (1889 – 1932) – истиқолчилик ҳаракати намояндаларидан; Шарқий Бухорода совет босқинчиларига қарши қуролли ҳаракат бош қўмондони;

²¹ К.Е.Ворошилов номидаги ҳарбий академия – 1832 йили император ҳарбий академияси номи билан ташкил этилган, турли йилларда бир неча номлар билан қайта аталган; 1992 йилдан Россия Федерацияси Қуролли кучлари Ҳарбий академияси.

²² РДҲА. Собир Раҳимовнинг 1943 йил 8 июнда ўзи тўлдириган хизмат анкетаси.

би биринчи ўринда туради”²³, дея бежизга тавсиф бермаган эди.

Собир Раҳимовнинг иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жанговар қаҳрамонликлари тўғрисида бугунги кунга қадар кўплаб тарихий, бадиий асарлар²⁴, кинофильмлар²⁵ яратилди, тадқиқотлар амалга оширилди. Аммо Собир Раҳимовнинг 1937 – 1938 йиллардаги қатафонда 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида фаолият кўрсатган қуролдош дўйстлари билан маълум муддат Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан қамоққа олиниб, сўроқ остида бўлгани тадқиқотларда ёритилмаган.

1937 йили бошланган “кatta қирғин” 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси ва унинг тузилмаларида фаолият кўрсатган ўзбек миллий ҳарбий мутахассисларини ҳам четлаб ўтмаган. 1937 йил 28 октябрда дивизия қўмондони Миркомил Миршаропов Ички ишлар халқ комиссарлигининг Азов-Қора дengiz ўлкаси бошқармаси томонидан қамоққа олиниб, Тошкентга юборилади²⁶. Ушбу воқеадан сўнг комиссарлик томонидан ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида “сиёсий тозалаш” жараёни бошланиб, дивизиянинг офицерлик таркибидаги кўплаб ҳарбий мутахассислар қамоққа олинади.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Собир Раҳимов билан биргалиқда 32 ҳарбий мутахассис 1937 йили (оий кўрсатилмаган – Р.Э) қамоққа олинади ҳамда Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 57-2, 63, 64 ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилади ва ишчи-дехқон қизил кўшини сафидан четлатилиди. Тергов жараёни 1938 йилнинг бошида тугатилиб, 1938 йилнинг май ойида Урта Осиё ҳарбий округи Ҳарбий трибунали томонидан айблор ҳукми эълон қилинади²⁷. Қамоққа олинган 33 ўзбек ҳарбийси қуидаги “жиноят”ларни содир этганликда айбланадилар:

артиллерия қисмларини йўқ қилиш;

сиёсий бузғунчилик;

ҳарбий аслаҳалар, отларни атайин яроқсиз ҳолга келтириш;

жанговар машиналарни қасдан ишдан чиқариш;

артиллерия омбори ва снарядларни портлатишга тайёргарлик кўриш;

полк отларига қасдан шикаст етказиш ва йўқ қилиш²⁸.

Аслида ҳам шундай бўлғанми? 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида хизмат қилган Дадажон Жумаевнинг²⁹ кўрсатмаларига кўра, Собир Раҳимов ўқув машқи жараёнида бошқарувни йўқотиб дарахтга бориб урилади. Аммо хизмат машинасига ҳам, машина бошқарувида бўлган Дадажон

²³ Mirsarapov M. Millij divizija // Toғ-otliq divizijasiga ôn beş jil (1921 – 1936). – Samarqand: Toғ-otliq divizijasi sijosij şöbasi, 1936. 64-bet.

²⁴ И снова в бой (Документальная повесть о генерале-майоре С.У.Рахимове); Из боя в бой (Документальная повесть о Герое Советского союза генерал-майоре С.У.Рахимове); Сабир Раҳимов (Документальная повесть).

²⁵ Генерал-майор Собир Раҳимов ҳақида 1967 йили Зоҳид Собитов томонидан “Генерал Раҳимов” кино асари суратга олинган бўлиб, Собир Раҳимов сиймосини Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов (1921 – 2012) гавдалантирган.

²⁶ Тарихнинг номаълум саҳифалари (Илмий ахборот ва мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар). Олтинчи китоб. Тошкент. 2017. 104 – 119-бетлар.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатафон қурбонлари хотираси давлат музеи жорий архиви.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатафон қурбонлари хотираси давлат музеи жорий архиви.

²⁹ Дадажон Жумаев – 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси ҳарбий хизматчиси.



Жумаевга ҳам ҳеч қандай зарар етмайди. Аммо кейинчалик мазкур воқеа Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ички ишлар халқ комиссарлиги маҳсус бўлими раҳбари А.И. Мишковский³⁰, унинг кўл остидаги А.Я. Карпачевский, А.С. Василев³¹ каби ходимлар томонидан сохталаштирилгани, Собир Раҳимов ва унинг 32 ҳамкасби ноҳақ қамоққа олинганни маълум бўлади³². Аслида Собир Раҳимов ва унинг ҳамкасларига Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси нинг 57-2, 63, 64 ва 67-моддалари бўйича ноҳақ қўйилган айбловлар 1937 – 1938 йиллар учун жуда жиддий айблов санаалар, мазкур модда билан айбланган шахс олий жазога ҳукм этилар ёки узоқ муддат меҳнат тузатиш лагерига сургун қилинар эди.

Иккинчи жаҳон урушининг бўлғуси қаҳрамонини қатағон тегирмонидан омон чиқиб кетишининг асосий сабабларидан бири қамоққа олинган 33 ҳарбий мутахассисдан биттаси Собир Раҳимов бош бўлган 42-отлик полкidan бўлиб, бу бошқа ҳарбий қисмларга нисбатан жуда кичик кўрсаткич эди. Иккинчидан, мазкур жараёнда асосий эътибор 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг артиллерия дивизиони ҳамда дивизиянинг етакчи раҳбарларига қаратилганилиги сабабли Собир Раҳимов ва бошқа ҳарбийлар 1938 йил озод этилганлар³³.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Собир Раҳимовнинг совет армиясига қайта тикланиши ва кўплаб ўзбек жангчилари каби ҳарбий мутахассис сифатида ўзини кўрсатиши учун катта имконият туғдиради. Собир Раҳимов полк қўмондони ўринбосари вазифасидан дивизия қўмондони даражасигача бўлган мاشаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтган. У Фарбий маҳсус округга юборилиб, 104-танк дивизияси 104-моторлашган полк қўмондони ўринбосари лавозимига тайинланади³⁴. Қўмондон ўринбосари сифатида илик жангни Елня³⁵ атрофида ўтказади. У 1941 йилдан бошлаб ўқчи полкига қўмондони сифатида мустақил ҳаракатлана бошлайди³⁶. 1941 йили Железнодорск шаҳрида³⁷ бўлган жанглардан бирида яраланиб, кўчма ҳарбий касалхонага юборилади.

Тузалиб чиққач Собир Раҳимов 1941 йил 20 октябрдан Жанубий фронтдаги 353-ўқчи дивизияси 1149-ўқчи полкнинг қўмондони, 1942 йил 1 майдан эса 353-ўқчи дивизияси қўмондонининг ўринбосари вазифаларида ишлайди³⁸. Ҳарбий ҳаракатлардаги жангварлиги учун 1942 йил 1 ав-

³⁰ Александр Мишковский – 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси маҳсус бўлими бошлиғи; унинг даврида 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясида хизмат қилган кўплаб ҳарбийларга нисбатан ноқонуний жинойи ишлар қўзғатилган.

³¹ Афанасий Василев – 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси маҳсус бўлими бошлиғи А.И. Мишковскийнинг ёрдамчиси.

³² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

³³ Собир Раҳимов билан биргалиқда қамоққа олинган 33 мутахассиснинг 26 таси 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг артиллерия дивизионида хизмат қилган (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви).

³⁴ РДҲА. Собир Раҳимовнинг 1943 йил 8 июняда ўзи тўлдирган хизмат анкетаси.

³⁵ Елня – Россия Федерацияси Смоленск вилоятидаги шаҳар.

³⁶ Генерал Сабир Раҳимов // Материалы по истории Узбекистана. С. 46.

³⁷ Железнодорск – Россия Федерацияси Ставропол ўлкасидаги шаҳар.

³⁸ РДҲА. Собир Раҳимовнинг 1943 йил 8 июняда ўзи тўлдирган хизмат анкетаси.



густидан Шимолий Кавказ фронти 395-Шахтёр дивизияси қўмондони этиб тайинланади. Шимолий Кавказ фронтидаги уч ойлик жанговар ҳаракатлар давомида Собир Раҳимов қўмондонлиги остидаги дивизия душманинг 8 000 га яқин офицер, аскарлари ҳамда ҳарбий техникасини йўқ қилган³⁹. Жанговар жасорати учун 1942 йил 10 февралда Собир Раҳимовга подполковник, бойдан сўнг эса 37-ўқчи дивизияси полковниги унвони берилади. Собир Раҳимов Кубан⁴⁰, унинг маркази Краснодарни⁴¹ озод этишда қатнашиб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатади. Шу сабабли 1943 йили II даражали Суворов ордени ҳамда генерал-майор унвони билан тақдирланади⁴².

1943 йил ёзида Собир Раҳимов ҳарбий билим ва малакасини ошириш мақсадида Москва⁴³ шаҳридаги Ҳарбий академияга юборилади. 1943 йил 1 октябрда у турмуш ўртоғи Мунира Раҳимовага “Ўн кундан бери имтиҳонлар кетаётгани сабабли хат ёзишнинг имкони бўлмади. Мени табриклисангиз бўлади. Барча фанларни ижобий топширдим. Тўғрисини айтсам, биринчи кунларда, эплай оламанми, дея кўрқсан эдим. Ўзимни қўлга олиб, кечаю кундузига икки соатгина ухлаб, туну кун ўз устимда узлуксиз ишлайпман”⁴⁴, деб хат ёзади. Демак, Собир Раҳимов қисқа муддатли маляка ошириш давомида ҳарбий назария ва қўмондонлик сирларини қунт билан ўрганишга қаттиқ киришган.

Ўқиш тамом бўлгандан сўнг у ўз дивизиясига қайтади ҳамда 1-ва 2-Белорус фронтида Бараповичидан⁴⁵ Белостоккача⁴⁶ жанговар ҳаракатларда иштирок этади. Иккинчи жаҳон уруши давомида фашистлар Полшанинг Грудзёндз⁴⁷ шаҳрини эгаллаб, уни мустаҳкам ҳимоя қўрғонига айлантирган эдилар. Уни озод этмай туриб, олдинга ҳаракатланишининг имкони йўқ эди. Қисқаси, ҳал қилувчи жангта Собир Раҳимов қўмондонлик қилган 37-ўқчи дивизия киради. Шаҳарнинг ҳар бир қаричи учун кечган қирқ кунлик шиддатли жанглардан сўнг Ҳитлернинг ишонган генерали Людвиг Фрикке⁴⁸ ўзининг 4 000 дан ортиқ офицер ҳамда аскари билан биргаликда асир

³⁹ Генерал Сабир Раҳимов // Материалы по истории Узбекистана. С. 46.

⁴⁰ Кубан – Россия Федерацияси Кубан дарёси ҳавзасида жойлашган тарихий-географик ўлка.

⁴¹ Краснодар – Россия Федерацияси Кубан дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган шаҳар; 1942 йил 9 августа фашистлари томонидан эгалланган, 1943 йил 12 февралда озод этилган.

⁴² Генерал Сабир Раҳимов // Материалы по истории Узбекистана. С. 46.

⁴³ Москва – Россия Федерацииси пойтахти.

⁴⁴ Генерал Сабир Раҳимов // Материалы по истории Узбекистана. С. 47.

⁴⁵ Бараповичи – Белоруссиядаги Брест вилоятининг Бараповичи туманининг маъмурӣ маркази; 1941 йил 27 июня фашистлар Бараповичи шаҳрини босиб олганларидан сўнг 30 000 яхудий учун маҳсус гетто ташкил этиб, 1942 йили у ердаги барча яхудийлар йўқ қилинган; шаҳар 1944 йил 8 июля озод қилинган.

⁴⁶ Белосток – Полша шимолий-шарқида, Бяла дарёсида жойлашган шаҳар; 1939 йил сен-тябрда фашистлар томонидан босиб олинган, аммо 1939 йил 23 августа СССР ва Германия ўртасида тузилган Молотов-Риббентроп шартномасига мувофиқ, шаҳар СССРга топширилган. 1941 йил 27 июня шаҳар яна немислар томонидан босиб олинади ва у ерда яхудийлар учун маҳсус гетто ташкил этилган ҳамда 56 000 дан ортиқ яхудий йўқ қилинган; Белосток 1944 йили озод қилинган.

⁴⁷ Грудзёнд (Грауденс) – Полша шимолидаги шаҳар; иккинчи жаҳон уруши йилларида шаҳарнинг 60 фоизи вайрон қилинган.

⁴⁸ Людвиг Фрикке (Fricke, Ludwig) – Ҳитлер қўшинининг генерал-майори; Грудзёнд округи коменданти; Грудзёнд 1945 йил 6 марта куни Собир Раҳимов томонидан қамал қилинган вақтда асир олинган.



олинган. Ушбу ғалаба муносабати билан Москвадан Олий бosh қўмондоннинг буйруғи ўқиб эшилтирилиб, Собир Раҳимов дивизияси шарафига 20 марта тўпдан ўқ узиб, ҳарбий қутлов берилади⁴⁹.

Собир Раҳимовнинг сўнгги жангги Дансих⁵⁰ остоналарида бўлиб ўтган. Генерал-полковник Павел Батов⁵¹ Собир Раҳимовнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлиши ҳақида “Раҳимовнинг илғор қисми Дансих шаҳри томон ҳаракатланаётган эди. Шаҳарга 3 км қолганда Собир Раҳимов радио орқали артиллерия кузатуви ерига – ўрмон чеккасига чиққани ҳамда шаҳарни бугун эгалланиши тўғрисида хабар берди. Аммо Собир Раҳимовга Дансих шаҳрини эгаллаш насиб этмади. 26 март куни у душман тўпидан отилган ўқдан яраланди”⁵², дея хотирлаган эди. Олдинига Гродно⁵³ шаҳрида кўмилган Собир Раҳимов хоки урушдан кейин Тошкентга олиб келинади ва Кафаново хиёбонига⁵⁴ дафн этилади.

Собир Раҳимов самимий, меҳрибон инсон бўлганини кўрсатувчи далиллар ҳам бор. 1942 йили Собир Раҳимов қўмондонлиги остидаги бўлинма Дебалцево⁵⁵ шаҳрида отаси фашистлар томонидан осиб ўлдирилган 12 ёшли Геннадий Суворов билан учрашади. Уни оталарча қулоқлаб, отига ўтказиб ўзи билан олиб кетади. Ушбу воқеадан кейин Геннадий Суворов Собир Раҳимовнинг доимий ёрдамчисига айланади⁵⁶.

Собир Раҳимовнинг хотирасига муносабат урушдан кейинги – бугунгача ўзбек жамиятида кечган мураккабликлар, ўзгаришларни кўрсатиб берувчи ўзига хос кўрсаткичга айланганини ҳам айтиш лозим. Чунончи, 1949 йилдаёқ Комил Яшин “Генерал Раҳимов” писесасини битган. “Темир генерал” қабри устида ва яна Тошкент, Самарқанднинг бир неча ерларида, шунингдек Чимкентда ҳам ҳайкаллар ўрнатилиб, пойтахт туманларидан ҳамда метро бекатларидан бири унинг номи билан аталади⁵⁷, “Генерал Раҳимов” кино асари яратилди. Гданск шаҳри генерал Гелгуда кўчасидаги қабристонда⁵⁸ генерал-майор Собир Раҳимов шарафига маҳсус ёдгорлик лавҳаси ўрнатилганини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

⁴⁹ У ким. Бу нима (Энциклопедия). 2-жилд. 266-бет.

⁵⁰ Дансих – Полшанинг шимолида, Болтиқ денгизи бўйида жойлашган ҳозирги Гданск шаҳри.

⁵¹ П.И. Батов (1897 – 1985) – совет ҳарбий арбоби, армия генерали.

⁵² П.И. Батов. Достойный сын узбекского народа // журнал “Звезда Востока”. №9. 1946. Ташкент.

⁵³ Гродно – Белоруссиянинг чекка ғарбидаги шаҳар.

⁵⁴ Кафанова хиёбони – Тошкентнинг Амир Темур хиёбонида жойлашган тарихий макон; дастлаб Александр боғи деб номланиб, у ерда 1919 йили Осипов исёни қурбонлари бўлган 14 комиссар дафн этилган ҳамда “Коммунарлар хиёбони” деб қайта номланган; 1923 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси, депутат Кафанов дафн қилингач Кафанов хиёбони деб аталган.

⁵⁵ Дебалцево – Украина нинг Донецк вилоятидаги шаҳар.

⁵⁶ Генерал Собир Раҳимов // Материалы по истории Узбекистана. С. 47.

⁵⁷ Герой Советского союза Раҳимов Сабир Умарович // http://www.warheroes.ru/hero/hero.asp?Hero_id=7790.

⁵⁸ Расмий маълумотларга кўра, қабристонга иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 3092 совет аскари дафн этилган, улардан 1166 таси таникли шахслар, жумладан, 25 таси ҳарбий асир бўлган; хотира мажмуаси 1982 – 1984 йилларда барпо этилган // Военное советское кладбище // <https://www.prussia39.ru/sight/index.php?sid=1914>.

Бироқ 2010 – 2011 йилларда Ўзбекистонда Собир Раҳимовнинг хотирасини ўчириб ташлашга қаратилган қарорлар қабул қилинганини ҳам айтиш лозим. Хусусан, туман ва метро бекати номланишларидан Собир Раҳимов исми олиб ташланди, ҳайкали ҳам бошقا ерга кўчирилди. Бир сўз билан айтганда, Собир Раҳимов тарихий хотирасини ўчириб ташлаш сиёсати юритила бошланди.

2016 йил кузидаги Ўзбекистон тарихида бошланган янги босқичга хос равишда юз берган кескин ўзгаришлар умуман ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушидаги ўрни, хусусан, Собир Раҳимов шахси билан боғлиқ қарашларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий эди. 2018 йил 2 майда Наманганга сафари чоғида Президент Шавкат Мирзиёев Собир Раҳимов ҳайкали ўз ўрнига қайтарилиши ҳақида эълон қиласди. 2019 йил 23 октябрда эса, унинг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносаби нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, 2020 йил 9 май куни Тошкентда Ғалаба боғи, “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” ёдгорлик ҳайкалларини ўз ичига олган мажмуанинг тантанали очилиши бўлиб ўтади. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан қисқа вақтда қуриб битказилган мазкур мажмуя ҳудудида уруш давридаги жанггоҳларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов улуғвор ҳайкалининг савлат тўқиб туришини тарихий адолатнинг тикланиши сифатида баҳолаш тўғри бўлади, албатта.

Э.Раджапов

“Железный генерал”

В статье на основе архивных документов Государственного музея памяти жертв репрессий при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Российского государственного военного архива проанализирована жизнь и военная деятельность узбекского генерала Собира Рахимова. Также освещена репрессивная политика советской власти против узбекских военных кадров и влияние данной политики на судьбу Сабира Рахимова.

Ключевые слова: советская власть, Сабир Раҳимов, военная академия, красная армия, движение сопротивления, военный округ, дивизия, фашизм.

E. Radjapov

“Iron general”

The article analyzes military activity and personality of Uzbek military personnel Sabir Rahimov based on the documents of the State Museum of the Memory of Victims of the Repression under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan and the Russian State Military Archive. Besides, there has been revealed repression policy of Soviet regime over Uzbek military personnel and the influence of this policy on Sabir Rahimov in the article.

Keywords: soviet government, Sabir Rahimov, military academy, Red army, resistance movement, military region, division, fascism.



Муҳайдё Исоқова

Тарих институти етакчи илмий ходими,
тарих фанлари доктори



Мадина Мұхаммаджонова

Ўзбекистон Миллий университети
магистранти

Ўзбек аўллари иккинчи жаҳон уруши майдонларида

Фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашда ўзбек халқининг уруш ва меҳнат майдонларидағи фидойлиги тарих зарварақларига тамғаланиб қолгани сир эмас. Шу билан бирга, иккинчи жаҳон уруши йиллари эркаклар билан бир сафда хизмат қилған аўларнинг жасорати ва фронт ортидаги ҳәети, оғир меҳнати мавзуси илмий жиҳатдан етарли даражада тадқиқ этилган, деб бўлмайди. Сўз кетаётган замон ўзбек аўлияниң туриштурмуши бир қатор тадқиқотларда¹ қисқача ёритилган бўлса-да, бироқ айтилган йўналишда маҳсус изланишлар олиб борилмаганини алоҳида

¹ А. Боходиров. Самарқанд Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Самарқанд. 2015; Рустамбек Шамсутдинов. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 1-китоб. Тошкент. 2017. 599-бет.; 2-китоб. 729-бет; 3-китоб. 441-бет; Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). 2-китоб. Тошкент. 2019; Эшелони идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в год Великой Отечественной войны. Сборник материалов Международной научной конференции, посвящённой 75-летию Великой Победы (г. Ташкент, 27 сентября 2019 года). Серия: "Евразийский перекресток". Вып. 12. Оренбург. 2019.

қайд этиш лозим. Бу энг аввало, жангчи аёлларнинг уруш йилларидағи қаҳрамонликларини акс эттирувчи манбаларнинг тарқоқлиги ва камлиги билан изоҳланса, бошқа жиҳатдан ўзбек халқининг фронт ортида ғалабага қўшган ҳиссаси умумлаштирилган тарзда бутун республика аҳолисининг хизмати сифатида ёритилгани билан ифодаланади.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, иккинчи жаҳон урушида қатнашган давлатлар ичида фақат СССР тарафидан бевосита жанговар ҳаракатларда аёллар ҳам қатнашганлар. Давлат мудофаа қўмитаси урушнинг илк кунларидан бошлаб аёлларни ҳам урушга юбориш борасида бир қатор қарорлар қабул қиласан. Гарчи олдинига, фронтга бориш кўнгилли бўлган бўлса-да, 1942 йил баҳоридан бошлаб ҳаракатдаги қўшин сафига аёлларни оммавий равишида сафарбар этиш бўйича бир тўхтамга келингани маълум.

Урушнинг турли босқичларида 800 000 дан 1 000 000 гача аёл жанг қиласан, улардан 80 000 аёл офицер унвонига эга бўлган. Ўзбекистондан 4 555 аёл урушда қатнашган², уларнинг орасида алоқачи, учувчи, мерган, зениччи, тиббий ходим ва разведкачилар бор эди. Ўзбекистонлик Зебо Фаниева, Олга Санфирова, Елена Стемпковскаялар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Давлат мудофаа қўмитасининг 1941 йил 17 сентябрдаги “СССР фуқароларига ҳарбий ишни ёппасига мажбурий ўргатиш тўғрисида”ги қарорига кўра, қурол кўтаришга қодир бўлган, 16 ёшдан 50 ёшгача барча эркаклар урушга сафарбар этилган³. Аёллардан эса ҳарбий хизматта бориши учун 18 ёшдан ошган, 5 синфдан кам бўлмаган маълумотга эга бўлиши, жисмоний соғломлиги ва фарзандлари бўлмаслиги талаб этилган⁴. СССР Олий кенгаши ҳайъати раиси М.И. Калининнинг армия сафига аёлларни сафарбар этилиши борасидаги фикрига кўра, урушда қатнашган ёш қизлар ўртамиёна эркаклардан устун бўлган, чунки улар миллионлар орасидан танлаб олинган, энг сара аёллар эди⁵.

Уруш аёлларининг катта қисмини тиббиёт ходимлари ташкил этган. Жумладан, совет қўшинларидағи 700 000 та олий маълумотли шифокорнинг 42 фоизи ва 2 000 000 дан ортиқ ўрта ва кичик тиббий ходимларнинг 80 фоизи аёллар эдилар⁶. Масалан, 1943 йилнинг октябрида Ўзбекистондан Белоруссия, Украина ва Россиянинг душмандан тозаланган ҳудудла-

² Р.Р. Хисамутдинова. Вклад Узбекистана в великую победу над фашистской Германией // Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в год Великой Отечественной войны. Сборник материалов Международной научной конференции, посвящённой 75-летию Великой Победы (г. Ташкент, 27 сентября 2019 года). Серия: “Евразийский перекресток”. Вып. 12. С. 19.

³ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). 2-китоб. Тошкент. 2019. 38-бет.

⁴ Женские судьбы в вихре Второй мировой. // https://zn.ua/history/zhenskie-sudby-v-vihre-vtoroy-mirovoy_.html.

⁵ Н.К. Петрова. Советские женщины в годы Великой Отечественной войны // Великая Отечественная — известная и неизвестная: историческая память и современность. Материалы международной научной конференции (Москва — Коломна, 6 – 8 мая 2015 г.). Москва. 2015. С. 4 – 5.

⁶ Цифры и факты // <https://topwar.ru/3602-rol-zhenschin-v-velikoj-otechestvennoj-vojne-cifry-i-fakty.html>.



рига 800 шифокор сафарбар қилинганды⁷.

1924 йили Тошкентта туғилған Азизахон Қаландарова тиббиёт билим юртіні тамомлагач, урушға кетиш учун ариза ёзди. Бироқ ёши етмаганы сабабли тәжриба орттириш учун Тошкент ҳарбий касалхонасига ҳамшира бўлиб ишга киради. 1941 йил сентябрیدан зенит-артиллерија мактаби қошидаги зенитчилар тайёрлаш курсида ўқишини бошлайди. 18 ёшли Азиза урушға боргач, 430-артиллерија дивизияси таркибида 2-Украина фронтида Волгадан Одергача бўлган ҳудудларда жангларда мўлжалчи бўлиб қатнашади. 1943 йил 8 июня Орёл яқинидаги жангда моҳир зенитчилар душманнинг 8 та самолётини уриб туширадилар. Улардан бириңчисини Азизахон Қаландарова мўлжалга олиб урган эди. Ўша куннинг ўзида ҳарбий кўмандонлик томонидан уни “Красная Звезда” ордени билан мукофотлаш учун тақдимнома берилади.

Бундан ташқари, Азизахон Қаландарова Украина ва Руминияни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ўқчи-зенитчи, батарея йўлбошчиси, артиллерија разведкачиси сифатида хизмат қилиб, офицер унвонига сазовор бўлади. Кўрсатган қаҳрамонликлари учун “За отвагу”, “За боевые заслуги”, “За взятие Будапешта” ва “За взятие Берлина” медаллари билан тақдирланган⁸.

Жангларда иккى марта ярадор ва үчинчи марта контузия⁹ бўлган офицер Азизахон Қаландарова урушдан сўнг Тошкентта қайтиб келиб, Уруш фахрийлари – аёллари республика ташкилий кенгаши раиси сифатида фаолият олиб боради¹⁰.

1942 йил баҳорида 20 ёшида Тошкент тиббиёт институтини тамомланган уч дугона-курсдошлар Нури Шокирова, Пўлатой Қодирова ва Собира Мажидовалар урушға отланадилар. Собира Мажидова жанговар фаолиятини Брянскдаги маҳсус мұхандис-сапёrlик баталони шифокори сифатида бошлайди. Унинг асосий вазифаси тинимсиз отилаётган ўқлар ва бомба портлаши хавфи остида юриб, йўлларни миналардан тозаловчи, кўприклиарни таъмирловчи, кечувлар қуришда иштирок этатётган аскарлар билан бир сафда бориш ва зарурий вақтда ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган. У 68-дивизия таркибида Днепрдан Дунайгача бўлган жанговар йўлни босиб ўтган. Днепр дарёси бўйида олиб борилган жангларда кўрсатган мардлиги учун “За боевые заслуги” медали билан тақдирланади. Жасур қиз ғалабани Австрияда кутиб олган¹¹. Урушдан кейин Ўзбекистонга қайтгач, Собира Мажидова шифокорлик фаолиятини давом

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-4495-сон қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Тошкент шаҳрида барпо этиладиган Фалаба боғининг Концепцияси”.

⁸ Ўзбекистон Milliy arxiv. P-2791-fond, 1-rўyhat, 64-йиғмажилд, 6-вараг.

⁹ Бош қобиғидан олинган зарба натижасида бўлиб ўтган воқеаларни эслай олмаслик, маълум вақт эшитиш қобилиятини йўқотиш.

¹⁰ Ўзбекистон Milliy arxiv. P-2791-fond, 1-rўyhat, 63-йиғмажилд, 2 – 4-вараклар.

¹¹ Капитан Тўлаган Соатий. Ҳаётбахш қиз // “Кизил Ўзбекистон” газетаси. 1944 йил 5 март.



эттиради, соғлиқни сақлаш аълочиси даражасига эришади¹².

Ўзининг жасурлиги билан кўпчиликни ҳайратда қолдирган яна бир ўзбек қизи Солиҳа Давроновадир. У хизмат қилган баталон қўмондони навбатдаги жанглардан бирида ҳужумга киришаётган вақтда душман ўқидан ҳалок бўлади. Шу даҳшатли лаҳзада Солиҳа Давронова ғазаб билан душман томон ташланади. Жангчи аёлнинг ҳаракатлари бошқа аскарларга ўрнак бўлиб, баталон ҳужумни давом эттиради ва ғалабани қўлга киритади. Солиҳа Давронова Чехословакия, Руминия ва Австрия ерларини фашизмдан озод қилиш учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча қатнашган, “Красная Звезда”, “Отечественная война II степени” орденлари билан мукофотланган¹³.

Муқаддам Ашрапова Тошкент тиббиёт институтини тамомлаб 786-йўқчи полкнинг санитария қисмида шифокорлик фаолиятини бошлаган. 1943 йил 13 февралда ҳаракатдаги армияга келиб қўшилганда у эндиғина 24 ёшда эди. Брянск, Шимолий-Фарбий, 1-Украина фронтининг жангчилари билан бирга Москвадан Карпат тоғларига қадар бўлган оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Курск, Орёл, Белград ва бошқа шаҳарларни озод этишда қатнашган юзлаб жангчилар ҳаётини сақлаб қолган.

Ўзбек шифокор қизи Полша, Чехословакия ва Германиягача бўлган жанговор йўлни босиб ўтиб, урушни ғолибона якунлаган. Ниҳоят у ўз Ватани – Ўзбекистонга қайтиб келгач, урушда кўрсатган хизматлари учун “Красная Звезда” ордени ва бир қанча медаллар билан тақдирланади. Ғалабадан кейин тинчлик йиллари даврида тиббиёт фанлари бўйича илмий изланишлар олиб бориб, тиббиёт фанлари доктори, профессор илмий унвонига сазовор бўлиб, узоқ йиллар Тошкент давлат тиббиёт институтининг 2-жарроҳлик касалхонасига раҳбарлик қиласди¹⁴.

1925 йил Хоразм вилоятида туғилган Наргиза Иброҳимовани сафдошлари “Роза” деб атар эдилар. У 1942 йили Тошкент тиббиёт билим юртини қисқа фурсатда тамомлаб, урушга кетади. Аввалига – 1943 йили алоқачилар тайёрлаш қисқа курсида ўқишини давом эттиради. Шунингдек, тез фурсатда немис тилини мукаммал эгаллаш билан бирга парашютдан сакраш, ҳаттоқи танк бошқаришни ҳам ўрганишга муваффақ бўлади. 3-Белоруссия фронти таркибида эркак жангчилар билан бирга радиоразведкачи вазифасини бажаради. 1944 йил баҳорида жасур ўзбек аёли дастлаб Москва яқинидаги алоҳида дивизияда, сўнг 4-танкчилар гуруҳида ҳарбий хизматни бошлайди. Жанговар топшириқларнинг бирида Наргиза Иброҳимова бир неча разведкачилар билан бирга ёвнинг қурол-яроқ ва ёқилғи сақланувчи омборхоналари чизмасини тузишга боради. Белгиланган мақсад бажарилиб қайтилаётганда улар душман пистирмасига дуч келадилар ва жанг қилиб, ўрмон ичидаги яширингандан танкка етиб борадилар. Шу пайт танкка снаряд келиб тушиб, уни аланга олади. Танк ичидаги қолиб кетган

¹² Р. Мадраимова. Эл бошига иш тушганда // “Фан ва турмуш” журнали. №5. 1985. 13-бет.

¹³ Адҳам Раҳмат. Жангчи аёллар // “Ўзбекистон маданияти” газетаси. 1965 йил 6 март.

¹⁴ Р. Шомансурова. Уч аёл қиссаси // “Саодат” журнали. №5. 1975. 16-бет.



қўмондон ва мұхим ҳужжатларни олиб чиқиш вазифаси Наргиза Иброҳимовага юклатилади, тирик қолган уч нафар разведкачи эса душманни چалғитиб турадилар.

Қўмондонни олиб, буталар орасига яширинишга уринаётган вақтда навбатдаги снаряд келиб портлайди. Натижада Наргиза Иброҳимова ярадор бўлиб, ҳушидан кетади. Тиббий санитария баталонида ўзига келганида, қўмондон ҳаётини сақлаб қолганига “За боевые заслуги” медали билан мукофотланганини билади. Даволаниб чиққач, разведкачи қиз партизанлар отрядида “Катта ер” орасида мунтазам алоқа ўрнатиш билан шуғулланади.

Наргизанинг жанговар йўли Смоленск шаҳридан бошланиб, Орша, Минск, Витебск, Литва, Латвия, Полша, Шарқий Пруссиягача давом этади. Полшани озод этиш вақтида алоқачи Наргиза Иброҳимова янги топшириқ олади. Унга кўра, разведкачилар гуруҳи душман эгаллаб турган аҳоли яшаш ерларидан бирида қолиб, ҳужум қилиб келаётган совет қисмларига қўшилиши лозим эди. Вайрон бўлган черков ичидаги ўрнашиб, тез орада Наргиза Иброҳимова ўзлари жойлашган манзил координатини рация орқали маълум қилади. Тонг пайтида фашист аскарларининг ўзаро сұхбатидан совет қўшинлари яқинлашиб келаётганини англаған гуруҳ қўмондони артиллерияга ўтиш ҳақида буйруқ беради. Бу хабарни Наргиза Иброҳимова рация орқали жангчилар қисмига етказади. Етиб келган совет қўшинлари вайроналар ичидаги қолган разведкачиларга чиқишиларига ёрдам беради. Ўзбек қизи одамларнинг юзини кўрар, лекин ҳеч нарсани эшитмас эди, чунки у контузияга учраган эди. 1945 йил мартауда ҳарбий касалхонадан чиққан Наргиза Иброҳимова ўз ҳарбий қисмига келиб қўшилади ва Берлин учун олиб борилган жангларда мардонавор қатнашади¹⁵.

Наргиза Иброҳимова кўрсатган жасорати учун “Красная Звезда” ордени, “За взятие Кёнигсберга” ва “За победу над Германией” медаллари билан тақдирланган, урушдан кейин эса, ўз Ватанига қайтиб келиб, туғруқхоналарнинг бирида доялик фаолиятини олиб боради¹⁶.

1944 йил май ойида фронтга кетган аёллар ичидаги ҳамшира Мавжуда Саматова ҳам бўлган. Севастопол яқинидаги жанг олиб бораётган армия сафига келиб қўшилган қиз, илк кундан Сапун тоғи учун олиб борилган даҳшатли жанглардан бирига гувоҳ бўлади. Тоғ тепасига қулай ўрнашиб олган ғаним аскарлари кафтдек текис пастда қолган совет жангчиларини тинмай ўққа тутар эди. Мавжуда Саматова ўз хизмат вазифасини бажариш мақсадида жанг майдонида ярадор бўлган аскарларни ҳандакларга олиб тушар ва уларга тиббий ёрдам кўрсатар эди. Нихоят, узоқ давом этган тўқнашувдан сўнг Сапул тоғи ишғол этилади.

Жангда жароҳат олган ва жисмоний зўриқкан Мавжуда Саматованинг кўричак касали сабаб кесилган териси ўрни сўқилиб кетади. Даволаниб чиққач, жанг майдонига қайтиш истагини билдирган Мавжуда рад

¹⁵ Т. Кулевас. Без права на слабость // Комсомолец Узбекистана. 27 ноября 1973. С. 2.

¹⁶ Уч аёл қиссаси // “Саодат” журнали. №5. 16-бет.



жавобини олади. Ҳарбий касалхона бошлигининг буйруғига асосан, икки офицерни Симферополгача, капитан Аҳмад Мұхаммаджоновни эса Тошкенттагача кузатиб келиб, ўз Ватанига қайтади. Урушдан кейин узоқ йиллар Тошкентдаги 115-мактабда рустили ўқитувчиси бўлиб фаолият юритади¹⁷.

Раҳима Алимова 230-ўқчи дивизияси ўқчи полки тиббий хизматида фаолият юритган. Шимолий Донецк дарёси бўйида 1943 йилнинг 18 маийдан 28 майгacha Шимолий Донецк дарёси бўйида олиб борилган жангларда санитар-инструктор сифатида Раҳима Алимова пулемёт ва миномёт ўқлари остида қолган 97 ярадор жангчи ва офицерга ёрдам кўрсатган. Жангчиларнинг аксариятини шахсан ўзи жанг майдонидан хавфсиз жойга олиб чиқиб, ҳаётларини сақлаб қолган. Оғир ва самарали меҳнати учун жангчи қиз “За отвагу” медали билан тақдирланган¹⁸.

Бундан ташқари, 1943 йил 1 сентябрдан 23 сентябргача Донбасс учун олиб борилган шафқатсиз жангларда Раҳима Алимова оғир жароҳатланган 30 аскар ва офицерни ўз елкасида уруш майдонидан олиб чиқиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатган. Оғир дамларда бир ўзи ҳам фелдшер, ҳам йўриқчи, ҳам санитар вазифаларини бажарган. Ўз жасорати ва мардлиги билан жангчиларни руҳлантириб, уларга ўрнак бўлган.

Бошқа бир куни разведкачилар гурӯҳи билан душманга тўқнаш келиб, ўндан ортиқ немисни автомат билан отиб ўлдирган. Жасорат ва матонати учун Раҳима Алимова “Красная Знамя” ордени билан тақдирланган. Жанглардан бирида оёғидан ярадор бўлишига қарамасдан, аскар-қиз даволаниб чиқиб ўз хизматига қайтган.

Бошқа бир жангчи қиз Мунира Фиёсова ўш бўлгани сабабли ишни ҳарбий касалхонада санитарликдан бошлаган. Шунингдек, ярадорлар учун қон ҳам топшириб турган. 1942 йили алоқачилар курсига ўқишга кириб, олти ойдан сўнг 4-Украина фронтининг ҳарбий қисмига чақирилган. Украина, Полша, Чехословакия, Германия жангларида қатнашиб, ғалабани Полша шаҳарларидан бири Белсқда кутиб олган. Унинг урушда кўрган энг аянчли ва даҳшатли кунлари Освенцим концлагери маҳбусларини озод қилиш вақтида дуч келган воқеалар бўлган. Кейинчалик, уруш хотиралирида тез-тез ўша лагер даҳшатларини эслаб, асиirlарни қошиқ билан овқатлантиргани, улар учун қон топширганини гапириб берар эди¹⁹.

Мунира Фиёсова соғ-саломат ўз киндик қони тўкилган муқаддас юрти – Ўзбекистонга қайтиб келиб, 28 йилдан ортиқ Тошкент консерва заводида кимёгар-технолог бўлиб ишлаган.

1924 йили Тошкентда туғилган Шарофат Эшонхўжаеванинг отаси Усмонхон Эшонхўжаев 1937 йил 15 марта “халқ душмани” айби билан отиб ташланган эди. 13 ёшида отасидан ажralиб қолган Шарофат Эшонхўжаева Москвадаги яқинларининг ўйида яшаган. Уруш бошланганда у, айти-

¹⁷ Уч аёл қиссаси // “Саодат” журнали. №5, 16-бет.

¹⁸ Ўзбекистон Миллӣ архиви. Р-1735-фонд, 1-рўйхат, 2-ийғмажилд, 13 – 15-вараклар.

¹⁹ Е. Евгенева. По узбекски Мунира, а по русски – Мила // Газета “Ташкентская правда” от 9 мая 1975 года.



дан турмуш тақозоси үлароқ, урушга кетишга ёзилган. Тошкентда яшаган вактларида отлиқлар мактабини битирған зди. Айнан ушбу шаҳодатномаси үнга жанг майдонига йўл очиб берган. У Волхов фронтидаги 54-армия, 225-дивизия, 299-полкда оддий аскар бўлиб хизмат қилган. Новгород, Болтиқбўйи, Гинденбург, Сосновец, Домбровка Гура, Мисловице, Одер, Олау, Бриг шаҳарларини озод этишда қатнашган²⁰. Жангларда алоҳида ўрнак кўрсатган жасоратли қиз “Красная Звезда” ордени ва бир нечта медаллар билан тақдирланган²¹.

Урушдан кейин Шарофат Эшонхўжаева Тошкентдаги кўп қаватли үйлардан бирида узоқ йиллар уй бошқарувчиси бўлиб ишлаган.

Ҳанифа Қобилова 1924 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1933 – 1940 йилларда Тошкент шаҳрининг 76-ўрта мактабини тугатиб, ҳамширалар таъёрлаш курсига ўқишига кирган. Урушга кетиш чоғларини қўйидагича хотирлайди: “Ўшанда ўн саккиз ёшда эдим. Ҳозирги ўн саккиз ёшли қизлардек нозик, кўзларим доим чақнаб турар, дадам эса эркалаб “онагинам”, тилла қизим” дердилар. Ўша куни ишдан келсан дадам пахса деворнинг бузилган жойларини тузатаётган эканлар. Қўлларининг лойини нари-бери артиб ҳайрон бўлгач, кўзларимга тикилдилар.

-Урушгами?

-Ҳа, дадажон, урушга, ҳамшира бўлиб кетяпман.

-Болам, жуда ҳам нозиксан-ку!

Дадам гўё нозиклигимга ишонмаётгандай елкаларимдан ушлаб силкитдилар.

- Ишонинг, дадажон, бақувватман, чайирман. Мен мушакларимни қотириб жавоб бердим.

Дадам қатъиятимни кўриб, жимгина рози бўлдилар.

- Бахтингни берсин, онагинам.

Дадам шу куни онамдан ёдгор бўлиб қолган тикув машинасини сотиб келиб, пулига майда-чўйдалар олиб, халтага жойладилар. Вокзалга чиқдик, қий-чув, йиғи-сиғи. Эсимда, фронтга жўнаётганимизда отам вагонга чиқиб, ундан сира тушгиси келмаганди. Фақат дугонам Солиҳа Ҳусанова доимо бирга бўлиш, улар ўрнини билдирамасликка ваъда берганидагина юраётган поезддан сакраб тушиб қолганди.

Кейин Украина, Полша, Чехословакия ерларидағи қирғин-барот уруш, жанг майдонларидан ярадорларни опичлаб ташиганларимиз, кўчма ҳарбий касалхоналар, ўн кунлаб кипприк қоқмаган кунларимиз....

Мен тиббиёт ҳамшираси сифатида 4-Украина фронтининг 18-армияси ихтиёрида жанг қилдим. Венгрия, Чехословакия, Полшани озод этишда қатнашдим. Ғалабадан сўнг икки ой ўтгач, Ватанимга қайтиб келганимда отам мени Тошкент вокзалида кутиб турган экан. Мени таниёлмади, овозимдан чўчиб тушди. Чунки, узун сочли, хипчагина қизасини кузатгандида. Унинг олидида эса соchlari калта қилиб қирғилган, ҳарбий кийими

²⁰ Л. Левина. Не отрекаются любя // Газета “Народное слово” от 6 октября 1993 г.

²¹ Р. Мадраимова. Эл бошига иш тушганда // “Фан ва турмуш” журнали. №5. 1985. 12-бет.



қоматига ярашган, кўқраклари орден ва медалларга тўла “бегона” қиз турарди”²².

Ҳанифа Қобилова “За отвагу”, “За победу над Германией в Великой Отечественной войне 1941 – 1945 гг.” медаллари, “Орден Отечественной войны II степени” ордени билан тақдирланган²³.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек аёллари жанг майдонларида жон бериб-жон олиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ва тенгсиз ҳисса қўшганлар. Биз тадқиқотчилардан эса, уруш даври аёлларининг матонати ва ҳаёт сабоқларини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бўгунги ва келгуси авлодларга етказиб боришимиз талаб этилади.

М. Исакова, М. Мухамеджанова

Женщины Узбекистана на полях второй мировой войны

В статье на основе различных архивных документов, материалов периодической печати и воспоминаний женщин-участниц второй мировой войны освещена судьба, фронтовая жизнь, личные переживания, мировоззрение, героические подвиги девушек-солдат из Узбекистана, стойко сражавшихся против врага в строевом ряду с мужчинами, а также их послевоенная деятельность.

Ключевые слова: Узбекистан, вторая мировая война, фашизм, женщина-боец, медицинский работник, связист, награда, выносливость, доблесть, храбрость, героизм.

M. Isakova, M. Mukhmedjanova

Uzbek Women in the fields of World War Two

This article illustrates the fate, lives in the war, personal feelings, worldviews and heroic activities of Uzbek women fighters during World War Two on the basis of various archival documents, material of periodical press and reminiscences, their courageous fight against the enemy in the same lines with men, as well as, their post-war activities.

Keywords: Uzbekistan, World War Two, fascism, woman fighter, medical employee, signaler, award, endurance, bravery, valiancy, heroism.

²²Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2791-фонд, 1-рўйхат, 61-йигмажилд, 1 – 2, 4-варақлар.

²³Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2791-фонд, 1-рўйхат, 59-йигмажилд, 15-варақ.



Машхура Дармонова

Тарих институти катта илмий ходими

Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбекнинг меҳнаткашлиги

Уруш ичиди қолган саноат корхоналарининг Ўзбекистонга қўчирилиши бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Биринчидан, ўзбеклар юрти фронт чегараларидан анча олисда бўлган, иккинчидан, саноат корхоналарини сақлаб қолиб, уларни янгидан ишга тушириш ва уруш эҳтиёжларини қондиришдек ўта муҳим вазифа кўндаланг турган. Учинчидан, Тошкент шаҳри бошқа республикалар билан боғланган темир йўллар тизимига эга эди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг қулай табиий шароити, ўзбекларнинг меҳнаткашлиги ҳам четда қолмаган, албатта.

1942 йили кўчириб келтирилган корхоналар ва умумий ётоқхоналарни жойларга тақсимлаш рўйхатида қайд этилишича, янги манзилга келтирилган саноат корхонларининг сони 100 тани ташкил этган бўлиб¹, уларнинг қарийб 53 таси ишга туширилган. Масалан, Тошкент "Компрессор" корхонаси РСФСР ва УССР дан кўчириб келтирилган Запороже "Светофор" ЦУМЗ НКПС, Днепропетровск ЦУМЗ НКПС, Москва "Красный путь" корхонаси, Тула ЦУМЗ НКПС корхонасининг 2-цехи², Тошкент Абразив корхонаси Москва Абразив корхонаси³, ССРБ енгил саноат халқ комиссарлигининг парашют-десант мулклари давлат унитар 2-сонли автоном корхонаси

¹ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Ўзбекистон 1939 – 1991 йилларда. Иккинчи китоб. Тошкент. 2019. 15-бет.

² Тошкент шаҳар марказий давлат архиви (ТШМДА). С-285-фонд, 1-рўйхат, 298-йиғмажилд, 9-варак; 6-йиғмажилд, 7-варак; 11-йиғмажилд, 10-варак; 64-йиғмажилд, 31-варак; 285-йиғмажилд, 1-варак.

³ ТШМДА. С-161-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд 43 – 44 вараклар; 5-йиғмажилд, 3 – 4 вараклар.

Андреев номидаги 2-сонли Москва тўқимачилик корхонаси⁴, Тошкент Карборунд корхонаси Днепропетровск Карборунд корхонаси⁵, Тошкент “Подъёмник” корхонаси Москва “Подъёмник” корхонаси⁶, Тошкент Кабел корхонаси Колчугинск “Электрокабель” корхонаси⁷, Тошкент каноп йиги-рув-тикув корхонаси Харков каноп корхонаси⁸, Тошкент “Юлдуз” тўқимачилик корхонаси Москва вилояти Тушино шаҳар 1-сонли Парашют комбинати⁹, Тошкент юқори частотали ток корхонаси Москва юқори частотали ток корхонаси¹⁰, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги корхонаси Ростов Доннинг “Ростсельмаш” корхонаси¹¹ негизида ташкил этилган.

Манбаларда қайд этилишича, ушбу корхоналарда 16 ёшдан 55 ёшга-ча бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар кунига 11 соатдан бор кучи билан меҳнат қилганлар, фронтга ҳарбий техника, ўқ-дори ва қурол-яроқ етказиб беришда ўз ҳиссаларини қўшганлар.

1941 йил иккинчи ярмида Ўзбекистон саноат корхоналари 30 000 ишчи ва муҳандис-техникка жуда муҳтож бўлиб, улар мудофаа саноатида янги касбларни ўзлаштиришлари керак бўлган. Шунинг учун, Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотлари ҳарбий саноат корхоналарига ишчилар тайёрлаб бериш учун алоҳида гуруҳлар ва қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этганлар.

Ўқув курслари амалиёт билан бирга 2 босқичда олиб борилган. Бошлиғи тайёргарликда ишчи зарурий билимларни олган. Малака оширишда иш бўйича кейинги машғулотлар ўтказилган. Алоҳида гуруҳ машғулотлари кенг қўлланилган. 1941 йил декабр ойида 50 мингга яқин киши ўқитилган, улардан 24 000 киши саноат, 26 000 киши қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича, шунингдек, тез фурсатда 17 000 механик, токар, слесар, трактор ва комбайн ҳайдовчиси тайёрланган¹².

Бундан ташқари, 1941 йили Тошкент шаҳридаги 42 та саноат корхонасида 11 500 га яқин ишчи ўқитилган, уларнинг 65 фоизи аёллар бўлган. Жўмладан, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхонасида 2 600 дан ортиқ кишининг 53 фоизи аёллар, “Красная заря” корхонасида эса 270 кишининг 90 фоизини аёллар ташкил этган. Ўзбек хотин-қизлари мураккаб мутахассисликларни эгаллаб, янги касблар бўйича мудофаа корхоналарининг оғир ишларида меҳнат қилганлар.

⁴ ТШМДА. С-120-фонд, 1-рўйхат, 3-ийғмажилд, 85-варақ; 2-рўйхат, 22-ийғмажилд, 67-варақ; 13-ийғмажилд, 161-варақ.

⁵ ТШМДА. С-115-фонд, 1-рўйхат, 3-ийғмажилд, 10-варақ; 434-ийғмажилд, 1 – 2 вараклар.

⁶ ТШМДА. С-121-фонд, 1-рўйхат, 329-ийғмажилд, 4-варақ; 4-ийғмажилд, 8-варақ; 18-ийғмажилд, 1-варақ.

⁷ ТШМДА. С-84-фонд, 1-рўйхат, 60-ийғмажилд, 104-варақ.

⁸ ТШМДА. С-76-фонд, 1-рўйхат, 1-ийғмажилд, 1 – 25-вараклар; 98-ийғмажилд, 35-варақ; 106-ийғмажилд, 87-варақ.

⁹ ТШМДА. С-120-фонд, 4-рўйхат, 1-ийғмажилд, 15, 26, 46-вараклар, 24-ийғмажилд, 1, 5-вараклар, 135-ийғмажилд, .259-варақ, 188-ийғмажилд, 17-варақ, 286-ийғмажилд, 7-варақ.

¹⁰ ТШМДА. С-140-фонд, Тарихий маълумотнома. 3 – 6-вараклар.

¹¹ ТШМДА. С-135-фонд, Тарихий маълумотнома. 1 – 2-вараклар.

¹² ТШМДА. С-10-фонд, 18-рўйхат, 36 б-ийғмажилд, 35 – 42-вараклар.



1941 – 1942 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарида 52 000 дан зиёд киши алоҳида гурӯҳларда ва қисқа курсларда ўқитиш ўсули асосида янги касблар бўйича ўқитилган. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатида 1941 йилда 1 386 ишчи, 1942 йилда эса 2 709 киши янги касб эгалари бўлганлар. 1942 – 1943 йилларда 103 000 ишчи, асосан маҳаллий миллат вакилларидан янги касбларни ўзлаштирганлар. Хусусан, 1942 йилнинг бир неча ойи давомида “Ўзбекқишлоқмаш” корхонасида 900 га яқин ишчи ўқитилган. Барча корхоналарда, айниқса, ҳарбий ишга йўналтирилган корхоналарда ишчилар сафи кенгайтирилган.

Саноат корхоналарида ўзбеклар билан бир қаторда рус, украин, тажик, белорус, қирғиз, латиш, туркман, эстон, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари ҳам ишлаганлар¹³.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат корхоналари фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, хусусан, Тошкент тўқимачилик корхонаси фронтдаги аскарларга палто ва шим тикиш учун қалин ҳамда бардошли матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ишчилар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, фронтга 4 000 кишини юборган. Ёнилғи ва хом ашё етишмаса-да, қисқа вақт ичидаги тўқимачилик корхонаси ўрушнинг дастлабки тўрт ойида зарур бўлган матоларнинг мутлақо янги турларини яратиб, 410 000 000 метр юқори зичликдаги мато ва 5 636 та иссиқ кийимни фронтга топширган. Тўқимачилик корхонасида меҳнат үнумдорлиги 20 фоизга, ишлаб чиқариш эса 43 фоизга ўсган.

Тикувчилик ва пойабзал корхоналари фронтдагиларга кийим-кечак ҳамда оёқ кийим, тери тайёрлаб берадиган корхоналар эса қаттиқ чарм буюмлар ишлаб чиқарган. “Тошқишлоқмаш” корхонаси фронтни ҳарбий техникалар билан таъминлаб, 1941 йили мудофаа маҳсулоти тайёрлаб беришнинг йиллик топшириғини 240 фоизга бажарган.

Корхона ва корхоналар ишини ҳарбий йўл билан қайта қуриш натижасида техник бўлим олдин 45 кунда бажариладиган қисмларни таъмилашни 2 – 3 кунда, ҳафта ва ойлар давомида бажариладиган ишларни эса бир неча соат ичидаги амалга оширган.

1941 йил август ойи охирида Тошкент шаҳридаги корхона устахоналарида биринчи снаряд, 1941 йил 13 октябрда 7-цеҳда РГД-34 қўй гранаталари ишлаб чиқарилган. Шунингдек, корхоналарда юз килограммли ФАВ-100 ҳаво бомбасини оммавий ишлаб чиқариш бошланган. 9-цеҳда биринчи миномёт ўзиғиши бошланиб, 1941 йил декабр ойида миномёт баталонининг биринчи улуши фронтга жўнатилган¹⁴.

Ҳужжатларда қайд этилишича, ишчи кучи етишмагани сабабли, саноат корхоналари меҳнатига 12 ёшли болалар ҳам жалб этилган. Жумладан, 708-миномёт қороли корхонасига шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан 400 кишини ишга жалб этганлар, улар қаторида Тошкент шаҳар ўрта мактабларидаги юқори синф ўқувчилари ҳам ёзги таътил вақтида корхона ишлари-

¹³ ТШМДА. С-10-фонд, 18-рўйхат, 31-ийғожилл, 43-варак.

¹⁴ ТШМДА. С-10-фонд, 18-рўйхат, 37 а-ийғожилл, 1 – 29-вараклар.

да меҳнат қилғанлар¹⁵.

Республиканинг озиқ-овқат саноати фронт эҳтиёжларига атаб асосан консерва, гүшт-ёф ва макарон ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Нон маҳсулотлари озиқ-овқат саноати корхоналаридағина эмас, балки пиво корхоналарида ҳам (қотган нон) тайёрланган. Жумладан, Тошкентдаги 2 та пиво корхонаси ҳар куни 20 тонна маккаждархори ишлаб чиқарадиган қурилмалар билан жиҳозланган ва фронтта нон маҳсулотларини етказиб бериб турган¹⁶.

Архив ҳужжатларининг кўрсатишича, Ўзбекистон деҳқонлари ҳам ишчилардан қолишмаганлар. Улар пахта, ғалла, гуруч, мева, сабзавот, гүшт ва бошқа зарур маҳсулотларни кўплаб етишириб, фронт ва халқни озиқ-овқат билан, корхоналарни ҳом ашё билан таъминлаб турганлар.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари акс этган ҳужжатлар таҳлилига кўра, электр қуввати, ёқилғи ва ҳом ашё базаларини ривожлантириш масалаларида ҳам катта эътибор берилган. 1942 йил ноябргача Чирчиқ, Тошкент энергетика тизимларининг қишики қувватини 160 000 – 170 000 киловаттга етказиши, 4 – 5 ой ичида Тошкент ёнида 60 000 – 70 000 киловатт электр энергия бера оладиган иссиқлик электростанцияси қуриш, бу станцияларни маҳаллий кўмир асосида ишлатиш тадбирлари илгари сурилган.

Чирчиқ электр-кимё комбинатининг директори Воҳид Қодиров үруш йилларидағи корхонанинг иш жараёнини шундай изоҳлаган: “Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун” деган шиор остида жуда қаттиқ меҳнат қилинди. Душман самолётлари двигателларининг товуши бизни кўрқита олмас эди. Бизлар орқада эдик, лекин ҳар биримиз олдимиизда ғалаба турганини билардик. Кадрларнинг кўпчилиги армия сафига кирган, уларнинг ўринларида ёш ўғил-қизлар ҳар куни тинмасдан меҳнат қиласардилар. Кун сайин ишлаш тобора қийинлашиб борар эди. Кадрлар бир неча кун давомида, айниқса, тажрибали ишчилар, бригадирлар ва малақали усталар иш жойини тарқ этмасдан ишлардилар¹⁷.

Республикада метал, кўмир ва нефт қазиб чиқариши кўпайтириш тадбирлари белгиланган. Бу эҳтиёжлар учун бир миллиард рубл ажратилган. Ушбу дастурни амалий бажаришга доир бир қанча тадбирлар белгиланиб, Салор, 1-Қўйи Бўзсув (биринчи навбатини), 2-Оққовоқ (иккинчи навбатини) ва Фарҳод ГЭСини қуриш юзасидан амалий чоралар кўрилган¹⁸.

1943 йил 12 февралда Фарҳод ГЭСи қурилиши учун жиҳозлар йиғилиши бўйича келтирилган маълумотларга кўра, ушбу иншоот қурилишига республиканинг ўзида 8 000 кубометр кўприк учун ёғоч ва бошқа бинокорлик ашёлари, 800 тонна металл, 110 000 дан оптиқ ҳар хил асбоб-ускуна,

¹⁵ ТШМДА. С-10-фонд, 18-рўйхат, 37 а-йиғмажилд, 2 – 17-вараклар.

¹⁶ ТШМДА. С-10-фонд, 18-рўйхат, 1000-йиғмажилд, 35 – 41-вараклар.

¹⁷ ТШМДА. С-10-фонд, 18-рўйхат, 37 г-йиғмажилд, 2 – 5-вараклар.

¹⁸ Рустамбек Шамсутдинов, Шоди Каримов. Ўзбекистон тарихидан материаллар (таянч ўқув методик қўлланма). Андижон. 2004. 466-бет.



транспорт воситалари ишга солинган. Бундан ташқари, республика меҳнаткашлари бу умумхалқ қурилишига 300 вагондан кўпроқ ҳар хил қурилиш ашёлари юборгандар¹⁹.

Уруш йиллари Товоқсой, Оқтепа, Оққовоқ, Қибрай, Салор каби гидроэлектростанцияларининг қурилиб, ишга туширилиши натижасида, электр қуввати ҳосил қилиш 1940 йилда 482 000 000 кв. соатни ташкил этган бўлса, 1942 – 1943 йилларда электр қуввати ишлаб чиқариш 4 баробарга кўпайиб, 1945 йили бу кўрсаткич 1 187 000 кв. соатга етган.

Архив манбаларида қайд этилишича, уруш йиллари Ўзбекистон харитасида янги саноат марказлари – Чирчик, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл ва бошқа саноат шаҳарлари вужудга келган. Тошкент шаҳри йирик саноат марказларидан бирига айланган. Тошкентдаги саноат корхоналарининг катта қисми ҳарбий қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш ва ҳарбий техникани таъмирлаш ишларини амалга оширган.

Уруш йилларида мудофаа фондига республика аҳолиси томонидан 650 000 000 рублдан ортиқ пул ва давлат заёми облигациялари, 22 000 000 рублдан ортиқ қимматбаҳо буюмлар, 55 килограмм қимматбаҳо заргарлик маҳсулотлари тақдим этилган. Ушбу маблағларга “Ўзбекистон”, “Красновосточник” бронепоездлари, авиаэскадрилия, самолёт, авиамотор, авиабомба, танк карронлари, миллионлаб мина, снаряд, граната ва бошқа қурол-аслаҳа ҳамда ўқ-дорилар ишлаб чиқарилиб, фронтга етказиб берилган²⁰.

Шунингдек, кўплаб тиббий, ижтимоий ва маърифий муассасалар урушда жароҳатланган аскарларга ёрдам кўрсатиш, уларни даволаш, кўчириб келинган аҳолига бошпанга бериш, урушда қатнашаётган аскарларга кийим-кечак ва озиқ-овқат захираларини тайёрлаш ва етказиша фаол қатнашган.

Биргина 1942 йил натижаларига кўра, республика ялпи ички маҳсулотининг 75 фоизи саноат улушига тўғри келган ва Ўзбекистон саноати ҳарбий саноат базасининг муҳим таркибий қисмига айланган.

Республика саноати қисқа вақт ичida умуман фронт эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилган. Саноат корхоналаридаги ишчилар тез фурсатда фронт учун зарур бўлган мураккаб маҳсулотларни тайёрлаш йўлларини ўзлаштириб, ғайритабиий меҳнат жасоратини намоён этганлар. Ўзбек халқининг йиллар ичра тўқилган меҳнат териси, бегараз сарфланган сон-саноқсиз моддий бойлиги, сабру матонати иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабани яқинлаштиришда тенгсиз омил бўлиб тарихда қолади.

¹⁹ ТШМДА. С-10-фонд, 18-рўйхат, 1000-йиғмажилд.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-4495-сон “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини мұносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори.



М. Дармонова

Вторая мировая война и трудолюбие узбекского народа

В Центральном государственном архиве города Ташкента хранится значительное число архивных документов, раскрывающие городскую жизнь во время второй мировой войны.

Статья посвящена описанию процесса эвакуации промышленных предприятий в город Ташкент, этапов военизации промышленности Узбекистана, производства вооруженной продукции, подготовки специалистов по сложным и новым профессиям из числа женщин и рабочих, усердно работавших в оборонной промышленности.

Ключевые слова: вторая мировая война, эвакуация, промышленность, фронт, оборона, индивидуальная группа, военная техника, краткосрочные курсы, военные предприятия, архивные источники.

M. Darmonova

World War Two and hard work of Uzbek People

There are stored a large number of documents giving information about the life of the city during World War Two at the Central State Archive of Tashkent. The article illustrates the evacuation of industrial enterprises in Tashkent, the adaptation of Uzbekistan's industry to military sphere, the production of wartime products, the women who had hard work in complex and new professions at military factories.

Keywords: World War Two, evacuation, industry, front, defense oriented enterprises, individual group, military equipment, short-term training courses, factories, plants, archival sources.



Нодира Мустафоева

Фанлар академияси ҳайъати
Ижтимоий-гуманитар фанлар
бўлими раҳбари,
тарих фанлари доктори

Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбек инсонсеварлиги

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбек халқи тарихидаги энг оғир ва синовли давр сифатида тарихга муҳрланган. Жанг майдонларидан узоқда бўлса-да, урушнинг барча қийинчилкларини бошидан ўтказган халқимизнинг юксак маънавий-аҳлоқий фазилатлари айнан шу босқичда янада ёрқин намоён бўлган. Инсонлар ҳаётини тубдан ўзgartириб юборган уруш кўплаб талафотлар ва айрилиқларни олиб келди, миллионлаб одамларни бошпанасиз қолдирди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ ССРРнинг ғарбий ҳудудларидан уй-жойларини ташлаб, ўзга ўлкаларга кўшиб боришга мажбур бўлган аҳолининг бир қисми учун Ўзбекистон иккинчи ватанга айланди. Табиийки, бу йилларда юртимизда одамлар турмуш даражаси ёмонлашди, уй-жой муаммоси жуда кескинлашди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 11 ноябрда қабул қилган "Уруш даврида ЎзССР шаҳарларида яшаш майдонлари ҳажмини белгилаш тўғрисида"¹ ва "Кўчириб келинган аҳолини уй-жой билан таъминлаш тўғрисида" ги² қарорларига кўра, уруш даврида яшаш майдонининг ҳажми киши бошиган 4 кв.метр, алоҳида мансаб эгалари рўйхатига киритилганлар учун 6 кв. метргача этиб белгиланган. Айтиш керакки, урушгача бу миқдор киши бошига ўртacha 9,1 кв. метрни ташкил этганди.

Шунингдек, Республика давлат режаси қўмитасига турар-жой учун баракларнинг³ намунавий лойиҳалари тақдим этилган ҳамда ғишт, тахта, мих ва бошқа қурилиш ашёларини етказиб бериш шарти юклатилган.

¹ Собрание постановлений и распоряжений УзССР. №11. 1941. Ташкент. С.130.

² Собрание постановлений и распоряжений УзССР. 1941. №11. С.55.

³ Барак – вақтингчалик, тез қуриладиган ёғоч ўйлар.

Қурилиш ишларига маҳаллий ҳалқ ва кўчириб келинган аҳолининг бир қисми ҳам жалб қилиниши, яшаш учун белгиланмаган ерлар уй-жойларга айлантирилиши ҳам белгилаб қўйилган.

1942 йили Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва вилоят марказларида 10 000 кишига мўлжалланган 300 – 350 та ана шундай уй тезкорлик билан қурилади. Ишчи ва хизматчиларга уй-жой қуришлари учун маблағ ҳам ажратилгани маълум⁴. Бундан ташқари, уй-жойларни таъмирлашга ҳам катта маблағ йўналтирилади. Натижада, урушнинг ilk даврида кўчириб келинганларни жойлаштириш учун 135 500 кв.метр яшаш майдони тақсимлаб берилади⁵.

Кўчирилганларнинг асосий қисмига маҳаллий аҳолининг уйларидан жой ажратилган эди. Ушбу ишнинг кўламини кўз олдига келтириш учун Константин Симоновнинг⁶ “Тириклар ва ўликлар” романидаги мана бу ҳужжатли парчага диққатни қаратишнинг ўзи етарлидир: “...кечаларнинг бирида бу майдонда⁷ минглаб кишилар ерда юмалаб ётардилар. Очик осмон тагида ётган бу минглаб кишилардан бирортаси эрталабга қадар майдонда қолмади: улар, яхшими, ёмонми, барчани ўз уйларига киритдилар”⁸.

Кўчириб келинган аҳоли билан ишлаш учун катта куч-файрат сарфлаш лозим эди. Республикада, жойларда кўчириш кенгашлари тузилади. Улар кўчириб келинган аҳолининг жойлаштириш, овқатланишини ташкиллаштириш, тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари билан шуғулланганлар. Архив маълумотларида келтирилишича, 1941 йилнинг ноябр ойигача биргина Украинадан Ўзбекистонга 54 029 киши кўчириб келтирилган, жумладан, Одессадан 9 508, Киевдан 7 525, Днепропетровскдан 4 238, Харковдан 3 490, Винницкдан 2 810, Житомирдан 2 082 киши⁹. Ўзбекистонга энг кўп кўчириб келинганлар Россия, Белоруссия, Молдавия ва Болтиқбўйи вакиллари эди.

1941 йил 24 ноябрдан 1 декабргача бўлган ҳолатга кўра, республикага кўчириб келинганлар қўйидагича жойлаштирилган: Тошкент шаҳри – 45 167, Тошкент вилояти – 43 209, Самарқанд вилояти – 54 741, Андикон вилояти – 101 226, Фарғона вилояти – 76 931, Наманган вилояти – 78 170, Бухоро вилояти – 114 414, Хоразм вилояти – 2 330, Сурхондарё вилояти – 12 569, Қорақалпоғистон – 51 662¹⁰. 1942 йил баҳорига келиб Ўзбекистонга

⁴ Газета “Правда Востока” от 21 июля 1942 года.

⁵ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-314-фонд, 1-рўйхат, 107-ийғажилд, 4 – 15-вараклар.

⁶ К.М. Симонов (1915 – 1979) – рус шоири, ёзувчиси, жамоат арбоби; машҳур асарларидан “Тириклар ва ўликлар” романи 1958 – 1960 йилларда оиласи билан Тошкентда яшаган пайтида ёзилган.

⁷ Тошкент вокзали майдони кўзда тутилган.

⁸ К. Симонов. Живые и мертвые. Роман в трех книгах. Книга вторая. Солдатами не рождаются. Москва. 1989. С. 407.

⁹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-314-фонд, 2-рўйхат, 49-ийғажилд, 81 – 82-вараклар.

¹⁰ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-314-фонд, 1-рўйхат, 38-ийғажилд, 19-варак.



716 000 киши жойлаштирилган эди¹¹. Бу гўё оддий рақамлардек туюлади. Аммо улар ортида минглаб инсонлар тақдири ётибди. Масалан, 653 000 аҳолиси бўлган биргина Андижон вилоятига 100 000 дан ортиқ киши, жумладан, 10 000 бола жойлаштирилган. Бу рақам Андижонда беш кишилик ҳар бир оила биттадан одамни қабул қилганини англатади¹². Бошқача айтганда, бутун Ўзбекистон аҳли кўчириб келинган халқларга ўз меҳр-муруватини аямади.

Фронтта кетгандарнинг ўрнини тўлдириш, кўчириб келинган корхоналарни тиклашда уй бекалари, хизматчилар ва колхозчилар, талаба ва ўқувчи ёшлар ҳам кўп меҳнат қилгандар. Минглаб йигит-қизлар саноат корхоналари, транспорт ва бошқа соҳаларга келиб, ўз оталари ва акаларининг ўрнини босдилар. Уруш йилларида республикадаги корхона, совхоз ишчилари ва колхозчиларнинг қарийб 70 фоизини ёшлар ташкил этарди. Ҳарбий корхоналарда 13 – 14 ёшли ўғил ва қизлар ҳам 12 соатлаб оғир ишларда ишлашга мажбур эдилар.

Кўчириб келинганларни қабул қилиш, уй-жой ва иш билан таъминлаш фоятда мураккаб жараён эди. Бу маҳаллий ҳукумат раҳбарларидан катта ташкилотчилик маҳоратини талаб этар эди. Албатта кўчириб келинганларни асосан катта ва кичик шаҳарларга жойлаштиришга ҳаракат қилинган. Қишлоқларга кўчириб келинганлар эса, дала ишларига ҳам жалб этилган. Лекин Ўзбекистон қишлоқларидаги маҳаллий аҳолининг ўзида иқтисодий ҳолат оғир бўлган, хусусан, озиқ-овқат етишмас, тиббий ёрдамнинг ўзи йўқ эди. Масалан, Намангандаги Учқўрғон туманидаги “Қизил кӯч” колхозига кўчириб келинганлар 90 та бўлиб, шароит яратилмагани ва озиқ-овқат танқислиги туфайли 1942 йил охирида улардан 7 тасигина бу ерда қолган¹³. Демак, айрим иқтисодий заиф ҳудудлар кўчириб келинганлар учун ёрдам кўрсатишга қодир эмас эди.

Ўзбекистонга келган аҳолининг кўпчилиги ногиронлардан иборат бўлган. Моддий манбалар билан таъминлаш мақсадида уларнинг соғлифи ва ҳолатига кўра бир қатор ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳсус кооператив артеллар ташкил этилган. 1942 йили Тошкентда 50 кишилик, Қўқонда 150 кишилик, Бухорода 100 кишилик мана шундай ташкилотлар ўз фаолиятини бошлаган эди¹⁴. Уларнинг таъминоти учун сарф-харажатлар шаҳар бюджетидан олинган.

Кўчириб келинган аҳолига ёрдам нафақат давлат, балки кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилган. Маҳаллий аҳоли улар учун ки-

¹¹ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941 – 1945). Том 1. Ташкент. 1981. С. 296.

¹² Д.М. Ли. Укрепление сплоченности народа Узбекистана в период войны с германским фашизмом (1941 – 1945 гг.): Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент. 1997. С. 101.

¹³ Х. Ибрагимов. Социально-экономическая жизнь Узбекистана в годы Великой отечественной войны (1941 – 1945 гг.): Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент. 1993. С. 90.

¹⁴ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-90-фонд, 8-рўйхат. 5575-йиғмажилд, 38-варақ.

йим-кечак, пойабзал, зарур буюмлар тўплаган. Кўчириб келинганларнинг эҳтиёжларини қондириш учун якшанба кунлари корхоналарда режадан ташқари маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Кўчириб келинган корхоналар учун эса, Ўзбекистоннинг турли ерларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юборилиб турилган. Бу тўғрисидаги минглаб маълумотлар архив ҳужжатларида сақланиб қолган. Корней Чуковский¹⁵ ўзбек халқининг бундай саҳйилигидан ҳайратда қолиб, “шаҳар ва қишлоқнинг бирдамлиги”¹⁶, деб баҳолаган эди.

Уруш йиллари Ўзбекистонда озиқ-овқат танқислиги кучаяди, аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш оғир аҳволга тушади. Айниқса, қиш кунлари ёқилғи етишмаслиги оқибатида совуқ ва очлик кўплаб ўлимларга сабаб бўлган. Гарчи маҳаллий аҳоли ниҳоятда оғир шароитларда бўлсада, ўзга халқларга беғараз ёрдамини беришда давом этган.

Озиқ-овқат билан боғлиқ қийинчиликлар ва бозордаги нарх-навонинг ошиб кетиши аҳолининг етарли даражада овқатланмаслигига сабаб бўлганини ҳам ургулаш лозим. Қолаверса, озиқ-овқатнинг етишмаслиги оқибатида үларни чекловлар билан тақсимлаш йўлга қўйилади. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида озиқ-овқат карточкалари бўйича бюро ташкил этилиб, унинг фаолияти карточкалар тақсимотини назорат қилиш, бу борада ташкилот ва корхоналарда мунтазам текширувлар ўтказишига қаратилган эди¹⁷. Бундай карточкалар нон, шакар, гўшт, балиқ, ёғ, макарон ва қандолат маҳсулотларига нисбатан қўлланган. Тез орада фақат нон ular орасидаги ягона маҳсулотга айланади. Омад келиб қолганда, ёғ маҳсулотини қўлга киритиш мумкин эди. Аҳоли нон дўконлари эшигига узундан-узоқ навбатларда тонг саҳарлаб туришга мажбур эди.

Озиқ-овқат миқдорлари таъминоти тўпт тоифага бўлинган: 1) ишчилар 2) хизматчилар 3) биронвнинг қарамоғида бўлганлар 4) 12 ёшгача бўлган болалар¹⁸. Биринчи тоифа таъминотининг миқдори кўпроқ бўлиб, унга корхона ишчилари, партия ва совет ташкилотлари ходимлари киргандар. Иккинчи тоифага олий, ўрта маҳсус ва халқ таълими муассасалари раҳбарлари, профессор ва ўқитувчилари, илмий тадқиқот муассасалари ходимлари, шифокорлар, рассомлар киритилган.

Маълумки, уруш йилларида Ўзбекистонга кўплаб илмий ва маданий муассасалар кўчириб келинган ва жойлаштирилган эди. 1942 йил 30 марта да Ўзбекистон ССР Савдо халқ комиссарлигининг “Фан, санъат ва адабиёт ходимлари учун савдо хизматлари кўрсатиш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинади¹⁹. Унга кўра, барча турдаги академияларнинг академиклари,

¹⁵ К. Чуковский (1882 – 1969) — рус болалар ёзувчиси, адабиётшунос ва журналчи; уруш йилларида Тошкентга кўчириб келинган.

¹⁶ К. Чуковский. Фундамент победы (16 апрель. 1943г.) // От советского информбюро. 1941 – 1945. Публицистика и очерки военных лет. В 2-х томах. Том 2. Москва. 1984. С. 49 – 51

¹⁷ К.Т. Халмуминов. Совет Народных Комиссаров Узбекской ССР в годы Великой Отечественной войны. Ташкент. 1984. С. 34.

¹⁸ Советская повседневность и массовое сознание. 1939 – 1945 гг. Москва. 2003. С. 42.

¹⁹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-91-фонд, 8-рўйхат, 301-йиғмажилд, 150 – 151-варақлар.



фаҳрий аъзолари, фан, техника ва санъат арбоблари, ҳалқ ва хизмат кўрсатган артистларга бир ойда киши бошига 2200 грамм гўшт ёки балиқ, 600 грамм ёғ, 1500 грамм донли маҳсулотлар ва макаронлар, 300 грамм шоколад, 500 грамм какао ёки кофе белгиланган. Профессорлар, фан докторлари, доцентлари, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг директорлари, кафедра мудирлари, барча академияларнинг катта илмий ходимлари, докторантлари, стипендиантлар, хизмат кўрсатган артистлар, цирк ва балет артистлари, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар ва бастакорлар уюшмалари аъзоларига бир ойда киши бошига 1800 грамм гўшт ёки балиқ, 400 грамм ёғ, 1000 грамм дон маҳсулотлари ва макарон белгиланган.

Бундан ташқари, илм фан ва маданият ходимларининг овқатланишига маҳаллий озиқ-овқат захираларидан иложи борича кўп даражада фойдаланиш чоралари кўрилган²⁰. Аммо, афсуски, ушбу маҳсулотлар рўйхатга мувофиқ, баъзида эса умуман берилмаган. Мисол тариқасида, Тошкент шаҳридаги 6-гастрономга бириктирилган Ленинград консерваторияси профессори В.А.Струвенинг озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ҳақидаги архив ҳужжатини келтириш мумкин: “Республика Савдо ҳалқ комиссари Султоновнинг 1943 йил июл охирида бетоб бўлган профессор Струвега ойлик улушини бериш тўғрисидаги фармойиши берилган. Августда маҳсулотлар олинган. 4 сентябрда Савдо ҳалқ комиссарлиги гастрономга сентябр ойи учун улуш бериш ҳақида фармойиш юборди. Гастроном директори ўртоқ Бродский Струвега улушини беришдан бош тортди. У Струвени 2 тоифадаги имтиёзли озиқ-овқат олишини билдириди. Имтиёзли улушга кўра, ёғ ўрнига бринза ва шакар ўрнига мева қиёми берилган”. Ушбу ҳужжатга жавобан, республика Савдо ҳалқ комиссарлиги ҳузуридаги озиқ-овқат савдо-си бўлими бошлиғи ўринбосарининг фармойиши тақдим этилади: “ЎзССР Савдо ҳалқ комиссари ўртоқ Султоновнинг фармойиши асосида Ленинград консерваторияси профессори Б.А.Струвенинг касаллигини инобатга олиб, ЎзССР ХКС озиқ-овқат захираларидан қўйидаги маҳсулотлар берилсин: ҳайвон ёғи – 2 кг, шакар – 2 кг, тухум – 100 дона, ҳўл мева – 10 кг”. Бироқ гастроном директори томонидан қатъий равишда рад жавоби берилади: “Профессор Струве СССР Савдо ҳалқ комиссарлигининг 308-қарорига асосан “б” тоифасида №6 “Гастроном” дўконига бириктирилган, шу сабабли маҳсулотларни қўшимча равишда бериш қатъиян таъқиқланади. Имзо. Бродский. 7.9.1943 й.”²¹.

Ушбу мисоллар уруш йилларида озиқ-овқат танқислиги, маҳаллий ва кўчириб келинган аҳоли етарли маҳсулотлар билан таъминланмаганлигини кўрсатади. Шунга қарамай, Ўзбекистонга кўчириб келинганларнинг аксарияти ўз хотираларида бу ерда очлик ҳиссини у қадар сезмаганликларини билдирадилар. Бу энг аввало иссиқ, иқлим билан боғлиқ табиат инъомларининг кўплиги ва, энг асосийси, ўзбек ҳалқининг бағрикенг феъ-

²⁰ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-91-фонд, 8-рўйхат, 301-ийғажилд, 43 – 44-вараклар.

²¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4122, 92а-93 вараклар.



ли, меҳр-оқибати билан боғлиқ эди. Кўчириб келингандарнинг кўпчилиги уруш тугагандан кейин ҳам Ўзбекистон халқининг бу ғамхўрлигини узоқ йиллар хотирасидан чиқармади. “Биз дугонам билан бир ўзбек оиласида яшардик, деб эслаган эди Елена Ефимова²², биз ўн олти ёшли қизчаларни бу оиласа яхши кўришарди. Қанчалик қийин бўлмасин, биз билан бир парча ёпган нон, ош ёки маставани бўлишиб ейишлари уй эгаси ва бекасининг меҳрибон қалбларидан далолат эди”²³.

Уруш йилларида СССРнинг ғарбий ҳудудлари фашистлар босқинидан қаттиқ заарларни. Улкан моддий талафотлар натижасида улар иқтисодиёти деярли ишдан чиқсан эди. Босиб олинган ерларда фашистлар 1 710 та шаҳар ва посёлка, 70 000 дан ортиқ катта ва кичик қишлоқ, 6 000 000 дан ортиқ бинони вайрон қилган, ёқиб юборгандар. Бузилган саноат объектларининг сони 32 000 дан ортиқ бўлиб, 65 000 км темир йўл издан чиқсан эди²⁴. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам катта талафотга учраб, бир неча миллионлаб уй ҳайвонлари Германияга олиб кетилганди. Вайрон этилиб, харабага айлантирилган ҳудудлар ва аҳоли ўта жиддий ёрдамга муҳтоҷ эди. Бу ерлардаги корхоналар, маданий, тиббий муассасаларни қайта тикилаш, миллионлаб гектар ерларни тозалаш ва экин майдонларини тайёрлаш ишларига улкан молия ва ишчи кучи талаб этиларди.

Замонавий тадқиқотчилар урушдан зарар кўрган теграларда халқ хўжалигини тикилаш уч босқичда амалга оширилди, деб ҳисоблайдилар.

1-босқич 1941 йил охиридан 1943 йил августигача, 2-босқич 1943 йилнинг кузидан уруш охиригача, 3-босқич 1946 йилдан 1950 йилгacha бўлган даврларни ўз ичига олган²⁵.

1942 йил 13 апрелда БКП(б) МҚ ва СССР ХКСнинг “Немис босқинчиларидан заарланган туманларга аҳоли ва колхозлардан келадиган бүғдор ва чорва молларини қабул қилиш тартиблари тўғрисида”ги қарори қабул қилинади²⁶. Давлат банкларига бу тадбир учун аҳоли ва ташкилотлардан келиб тушадиган пул маблағларини қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Шундан сўнг Ўзбекистонда ҳам озод этилган ҳудудларга ёрдам кўрсатиш чоратадбирлари кенг қулоч отган. Республикада рус, белорус, украин шаҳар ва қишлоқларига ёрдам кўрсатиш учун маблағ тўплаш кенг ва оммавий тус олади.

Республиканинг барча корхона ва ташкилотларида бўлиб ўтган йиғинларда урушдан чиқсан шаҳар саноат корхоналари, муассасалари, ҳарбий қўшилмаларни оталиқقا олиш мажбурияти юклатилади. Натижада, 1942

²² Чкалов номидаги самолётсозлик корхонаси ишчиси бўлган.

²³ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 1. С. 117.

²⁴ История второй мировой войны (1939 – 1945). В 12-ти томах. Т. 12. Итоги второй мировой войны. Москва. 1982. С.148.

²⁵ Х.И. Азимов. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон ҳарбийлари иштироки ва мавқеи (1941 – 1945 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2004. 58-бет.

²⁶ Братское сотрудничество союзных республик в развитии народного хозяйства СССР (1917 – 1971). Москва. 1973. С. 290 – 291.



йил 1 июлдаёқ ўзбекистонликлар Ленинград учун ёрдам сифатида 120 000 сўм тўплаган эдилар²⁷. Курск ва Воронеж фашист босқинчиларидан озод қилиниши билан Ўзбекистон ССР ХҚСнинг “Курск ва Воронеж вилоятларини зарар кўрган туманларига ёрдам кўрсатиш ҳақида” маҳсус қарори қабул қилинади²⁸. Дастребу бу ҳудудларга 31 та вагон саноат моллари, металл буюмлар, кийим бош ва озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилади²⁹.

1943 йилнинг баҳорида Украина ва Ставрапол ўлкасига Ўзбекистондан 1 595 та тракторчи, 225 та трактор, 50 та комбайнчи, 41 та механик, 30 та агроном, 11 та бухгалтер юборилган. Шунингдек, 1943 йил 15 августда озод этилган туманларга республикадан 1 552 та трактор, 25 та комбайн, 1 138 та омоч, 379 та уруғепгич ва бошқа кўплаб техникалар жўнатилади³⁰. Юборилган барча техникалар ишга шай, ёнилғи ва мойловчи ашёлар билан етарли миқдорда таъминланган эди. Бундай тадбирлар ҳукуматнинг 1943 йил 23 январда қабул қиласан “Немис босқинчиларидан озод этилган туманларда машина трактор станциялари ва колхозларни тиклаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига³¹ мувофиқ амалга оширилади.

Урушдан зарар кўрган туманларда халқ хўжалигини тиклаш жараёнининг иккинчи бевосита ССРХ Ҳалқ Комиссарлари Советининг 1943 йил 21 августда қабул қилинган “Немис босқинчиларидан озод қилинган туманлар хўжалигини тиклаш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” қароридан сўнг бошланган. Бу жараён учун масъул ва маҳсус шуғулланувчи қўмита тузилади³².

Зараарланган ҳудудларнинг саноати ва қишлоқ хўжалиги, мактаблар ва болалар боғаси, олий ўқув юртлари, фан ва маданият муассасаларини тиклаш ишларига катта миқдорда маблағ ажратилади. Темир йўл карвонларида тўхтовсиз ишчи кучи, асбоб-ускуналар, ашёлар, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги жиҳозлари, уруғлар юборилган. 1944 йили озод этилган туманларни тиклаш ишларига бутун ССРХ ҳалқ хўжалигининг 40 фоизидан ортиқ маблағи сарфланган³³.

Совет ҳукуматининг маъмурий буйруқбозлиқ үсуллари билан 12 та иттифоқдош ва автоном республикалар зиммасига озод қилинган ҳудудларни тиклаш ишларида “оталиқ” қа олиш вазифалари юклangan эди. Ўзбекистонда меҳнаткашларнинг айрим корхона ва қурилиш ташкилотла-

²⁷ Н. Обломуродов. Ўзбекистоннинг фашистлар оқкупациясидан зарар кўрган районларга ёрдами. Тошкент. 1985. 8-бет.

²⁸ Коммунистическая партия Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Летопись событий. Ташкент. Узбекистан. 1980. Ч.5. С. 64 – 65.

²⁹ Коммунистическая партия Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Летопись событий. Ч.5. С. 67.

³⁰ Ўзбекистон Миллий архиви. Р- 90-фонд, 7-рўйхат, 6117-йиғмажилд, 3-вараг.

³¹ Решение партии и правительства по хозяйственным вопросам. Том 3. Москва. 1963. С. 90 – 94.

³² Война и общество. 1941 – 1945. Книга 2. Москва. 2004. С. 69.

³³ Г.А. Куманев. Вклад советской военной экономики в победу // Россия в XX веке. Война 1941 – 1945 годов. Современные подходы. Москва. 2005. С. 147.



рини оталиққа олиш ҳаракатлари янада күчайтириб борилади. Чунончи, "Тошқишлоқмаш"³⁴ корхонаси ишчилари Ростов "Сельмаш" корхонаси-ни, республика энергетиклари Украина ва Белоруссияда электростанция қурилишини, Ангрен кончилари Донецк кончиларини, "Тўқимачимаш"³⁵ корхонаси жамоаси озод этилган ерлардаги тўқимачилик корхоналарини оталиққа оладилар³⁶. 1943 йил бошларида озод этилган Кавказ ва Кубан саноатини тиклаш учун Ўзбекистон алоқа ташкилотларидан таъмир-тиклаш ишларига мутахассис ишчи кучлари талаб этилади. Шу мақсадда 113 та мутахассис Кавказ ва Ставропол ўлкасига жўнатилган. Бундан ташқари, 85 кишидан иборат, тўлиқ техника билан таъминланган, тўла жиҳозланган 3 та қурилиш карвони тикланиш ишларига юборилади. 1943 йил ёзида ўзбекистонлик алоқачилар Днепропетровск вилоятини оталиққа оладилар. Бунинг учун 250 киши, шундан 15 муҳандис, 25 техник, 142 малакали ишчи, шунингдек, 18 та туман марказларини барча электр тармоқлари билан таъминлай оладиган 2 вагон техника асбоб-ускуналари ажратилган эди³⁷.

1943 йил 12 октябрда Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан Украина-нинг озод этилган ерларидаги аҳоли учун 450 вагондан иборат 3 000 центнер буғдой, 8300 бosh қорамол, 10 000 оёқ кийим, 200 000 саноат моллари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари, касалхона, мактаблар учун турли жиҳозлар юборилган³⁸.

Фашистлар вайрон қилган аксарият ҳудудлар оғир саноатга ихтисослашган эди. Биргина Донецк кўмири ҳавзасида олиб борилган ишларни мисол келтирилса, бу ерда урушгача 4 та кон иш олиб борган бўлиб, барчasi вайрон этилган. 1945 йил бошларига келиб 3 та кон фаолияти йўлга кўйилади³⁹.

Темир йўлларни тиклаш учун ўзбекистонликлар молиявий, техникавий ва озиқ-овқат ёрдамини жўнатганлар. Тошкент ва Қизилурда темир йўл ишчилари озод қилинган ерлардаги темир йўл хизматчиларига ёрдам кўрсатиш учун озиқ-овқат жамғармасини ташкил этадилар⁴⁰. Чунончи, 1944 йили Тошкент темир йўл ишчилари озод этилган туманлардаги темир йўлларни тиклаш учун битта ёғилги мойлаш қурилмаси, электростанциялар учун иккитадвигател, 6 та станок, 3 та айланиш доираси, паворозларни таъмирлаш учун турли хил мосламалар, асбоб-ускуналар ва

³⁴ Тошкент қишлоқ ҳўjalиги машинасозлик заводи.

³⁵ Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи.

³⁶ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент. 1974. С. 451.

³⁷ Б.Ж. Кальмбетов. Помощь трудящихся республики Узбекистан районам, освобожденным от фашизма в 1941 – 1945 годах. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент. 1995. С. 73 – 74.

³⁸ Из истории дружбы украинского и узбекского народов (1941 – 1945). Сборник документов и материалов. Киев. 1968. С. 89.

³⁹ Вклад советской военной экономики в победу // Россия в XX веке. Война 1941 – 1945 годов. Современные подходы. С.147.

⁴⁰ Ўзбекистоннинг фашистлар оккупациясидан зарар кўрган районларга ёрдами. 10-бет.



бошқа жиҳозлар юборганлар⁴¹. Тошкент паровоз-таъммир корхонаси 1943 йил охирида озод этилган Харковнинг ўз оталиғидаги паровоз-таъммир корхонасига дастгоҳлар, электр-асбоб ускуналари, турли ашёлардан иборат 22 та вагонли биринчи карвонни жўнатган. Шунингдек, уруш йиллари бу ташкилот ишчилари Сталинградга 93 та, Харковга 40 та, Донбассга 30 та паровоз, шунингдек, 40 000 га яқин юк вагони, 3 500 дан ортиқ йўловчи вагонларини таъмиirlab юборган эдилар⁴².

1943 – 1945 йиллар оралиғида Ўзбекистон меҳнат захиралари мактабларини битириб чиққан 15 000 дан ортиқ ёшлар Донбасс, Киев, Ленинград ва Уралдаги ишлаб чиқариш корхоналарига сафарбар қилингандар. Ўзбекистондан борганлар Еникеев металлургия корхонаси, Сталинград саноати, Донбасс конлари, Ростов электротармоқ симларининг тикланишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ўша даврда “Радянська Украина” газетаси шундай ёзган эди: “Ўзбекистон корхона таълим мактаблари, хунармандчилик ва темир йўл ўқув юртининг минглаб ўқувчилари Украина корхоналарини тиклаш учун келганлар. Бир гурӯҳ ўқувчилар Донбасс кўмир конларига жўнаб кетди. Ўқувчиларнинг бир гурӯҳи Донбасснинг энг йирик металлургия корхоналаридан бирини тиклашда ишламоқдалар”⁴³. Шунингдек, озод этилган туманларга 1943 – 1944 йиллар давомида Ўзбекистондан 13 000 дан ортиқ темирйўл мутахассислари жўнатилган⁴⁴.

Озод этилган ҳудудларга берилган ёрдам қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кенг кўламда олиб борилганини таъкидлаш жоиз. “Правда Востока” газетасида республика қишлоқ меҳнаткашларининг озод этилган ерларга жўнаётган ёрдам миқдорлари доимий равишда ёритиб борилди. Масалан, “Бухоро вилояти колхозчилари озод этилган туманлар аҳолиси учун 62 тонна ғалла, 78 тонна қуруқ мева, 24 тонна сабзавот, 375 кг эритилган ёғ, шунингдек, 22 центнер жун, 2 188 та ошланган қўй териси, 32 та калта пўстин, 130 жуфт пийма, кўп миқдорда уй-рўзғор буюмлари жўнатдилар”⁴⁵ ёки “Каттақўрғон туман қишлоқ хўжалиги ходимлар озод этилган туманлар аҳолиси учун 200 гектар ерга сабзавот экинлари экишга қарор қилдилар. Мазкур туманда кўплаб кўрпа-ёстиқ, рўзғор буюмлари, 12 та кутубхона, 80 кг ёғ, 50 центнер ғалла, 205 кг қуруқ мева тўпладилар. Колхозчилар 100 бош қўй, тўртта сигир ва еттита чўча жўнатдилар”⁴⁶.

Айниқса, зарарланган ҳудудлар чорвачилигини тиклаш бирламчи вазифага айланганди. Биргина Украинага 1944 йилнинг ўрталарига келиб Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон республикаларидан 12 700 бош йирик шохли мол ва 20 300 қўй юборилган эди⁴⁷. 1943 йил 13 ноябрда

⁴¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-609-фонд, 9-рўйхат, 234-иш, 19 – 20-вараклар.

⁴² Ўзбекистон ССР тарихи. 4-том. Тошкент. 1968. 114-бет.

⁴³ Ўзбекистоннинг фашистлар оккупациясидан зарар кўрган районларга ёрдами. 21 – 22-бетлар.

⁴⁴ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 3. Ташкент. 1985. С. 221.

⁴⁵ Газета “Правда Востока” от 14 ноября 1943 года.

⁴⁶ Газета “Правда Востока” от 27 марта 1943 года.

⁴⁷ Из истории дружбы украинского и узбекского народов (1941 – 1945). Сборник документов и материалов. С.108.



Ўзбекистон ҳукумати томонидан “Немис босқинчиларидан озод этилган туманлар учун чорва молларини сотиб олиш тўғрисида” қарор қабул қилинди ва бу борадаги ишлар жадаллаштирилди. Шундан сўнг ўзбекистонлик чорвадорлар озод этилган туманларга 620 000 бош қоракўл қўй, 585 000 бош турли зотдаги қўй, 395 000 бош эчки, 50 000 бош от, 40 000 бош ишчи моллари юборганлар⁴⁸. Озод этилган Кримдаги “Қоракўл”, “Қораденгиз қоракўлчилиги”, “Қизил Крим”, “Қулранг қоракўл” маҳсус совхозлар ҳам йўзбекистон ёрдамида ташкил этилган эди. Йўзбекистоннинг 12 та қоракўлчилик совхози бу ишлар учун 50 000 юқори сифатли қоракўл қўй, 2500 бош қўй, уларни ҳайдаб бориш учун 300 чўпон, зоотехник, ветеринар шифокорлар, тиббиёт ходимларини юборгандилар⁴⁹. Бундай беғараз иқтисодий ёрдамлар, мутахассислар, моддий-техника воситалари Россия, Белоруссия, Молдавия республикаларига ҳам берилган.

Ўзбекистон озод этилган ўлкалар маданий ҳаётини тиклаш ишларига ҳам ўзининг самарали ҳиссасини қўшганини алоҳида ургулаган бўлар эдик. Фашистлар босиб олган ҳудудларда 82 000 та мактабни бузиб ташланганлар, мактаб мулкларини талон-тарож қилганлар ва ёқиб юборганлар⁵⁰. Бу ҳудудлар озод этилгач, мактаб ишларини йўлга қўйишда катта қийинчиликлар туғилган. Жўмладан, ўқитувчилар ва моддий-техника воситалари, кийим-бош, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари, дарсликлар, ўқув қуроллари етишмас эди. Йўзбекистон меҳнаткашлари озод этилган туманларда мактаб ва мактабгача таълим муассасалар тармоғини тиклашда ҳамда мактаб ёшидаги болаларни ўқишига жалб этиш учун ўтказилган тадбирларда фаол қатнашганлар. Республикада Маориф тизими ўзи етарли равиша моддий-техника базасига эга бўлмай турган бир шароитда, озод этилган ерлардаги мактаблар учун физика, химия хоналари жиҳозлари, кўргазмали ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар юборилади. Йўзбекистондан Курск ва Воронеж вилоятларига 2 400 дона болалар кийим-боши, 7 000 дан ортиқ мактаб жиҳозлари, 47 та парта, техника хоналари учун асбоб-ускуналар жўнатилган⁵¹. Аммо шу вақтнинг ўзида йўзбекистоннинг маориф соҳасида аҳвол жуда оғир эди. Биргина Самарқанд шаҳридаги 45-мактаб 1942/43 ўқув йилида ўз биносига эга бўлмаган. Каттақўрғондаги 11 та мактаб биносидан 5 таси ҳарбий эҳтиёжларга ажратилган⁵², республика мактабларида ўқитувчилар етишмас эди.

1943 майда йўзбекистон маориф халқ комиссарлиги ҳузурида озод этилган ҳудудлардаги кутубхоналар учун марказлаштирилган жамғарма тузилиб, унга республика олий ва ўрта маҳсус ўқув муассасалари кутубхоналарининг жамғармасидаги 40 000 та китоб ажратилади. Шунингдек,

⁴⁸ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 3. С. 223.

⁴⁹ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 3. С. 223.

⁵⁰ Народное образование в СССР. 1917 – 1957. Москва. 1967. С.17.

⁵¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4493(2)- йиғмажилд, 85 – 88-варақлар.

⁵² Ўзбекистон Миллий архиви. Р-94-фонд, 5-рўйхат, 4647-йиғмажилд, 75-варақ.



партия ва жамоа ташкилотларига ахолидан турли хил адабиётлар йиғиш вазифаси юклатилади. Натижада, Ўзбекистоннинг минглаб китоб захирапари озод этилган ерларга бериб юборилган. Маориф халқ комиссарлиги жамоасининг ўзи Харков шаҳри учун бадиий адабиётлардан иборат 800 та китоби бўлган кутубхона тўплаш ва жўнатишни ўз зиммасига олади. Бу мақсадлар учун жамоанинг ҳар бир аъзоси 2 – 3 та китоб топшириши лозим эди⁵³.

1944 йил августга келиб марказлашган адабиётлар жамғармасининг Тошкент бўлими томонидан тўпланган 100 000 та китоб асосида Харков, Полтава, Ставропол ўлкасидағи 30 та туман ва шаҳар кутубхоналари ташкиллаштирилади. Фанларга оид қимматбаҳо ва нодир китоблар Мелитопол қишлоқ хўжалиги механизация институти, Ростов иқтисодий институти, Воронеж қишлоқ хўжалиги институти кутубхоналарига ажратиб берилади⁵⁴.

Емай-ичмай, ўзининг иқтисодий эҳтиёjlари учун зарур бўлган маҳсулотлар ва сўнгги молиявий маблағларини ўзгаларга бериб юборган халқимиз уруш йиллари озиқ-овқат муаммосига дуч келган эди. Бозорларда маҳсулотлар, айниқса, ноннинг нархи кескин ошиб кетган. СССР Давлат режаси қўмитасига Марказий статистика бошқармаси ҳисоботига кўра, 1943 йилдан 1945 йилгача Тошкент бозорларида 1 кг жавдар нонининг таннархи 186 фоизга ошиб кетган. Совет мамлакатининг йирик шаҳарлари билан таққосланганда, 1 кг жавдар нонига рубл ҳисобидаги нарх қўйида-гича эди⁵⁵:

Шаҳарлар	1943 йил июл	1943 йил декабр	1944 йил июн	1944 йил декабр	1945 йил июн
Тошкент	35	70	60	50	65
Москва	150	80	70	35	30
Ленинград	200	60	60	40	25
Горкий	80	90	90	30	30
Куйбишев	100	100	100	40	25
Свердловск	160	150	140	45	40
Новосибирск	140	100	90	50	40
Тбилиси	60	60	70	50	45
Киев	-	57	40	50	40
Харков	-	80	60	45	30

⁵³ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4098-йиғмажилд, 23-варак.

⁵⁴ Газета “Правда Востока” от 13 августа 1943 года.

⁵⁵ Жадвал муаллиф томонидан СССР Давлат режа қўмитаси Марказий статистика бошқармасининг 1943 – 1945 йилларда саноат маҳсулотларига бозор нархлари ҳақидаги материаллар асосида тайёрланди. Манба: Советская повседневность и массовое сознание. 1939 – 1945 гг. Москва. 2003. С. 236 – 239.



Архив манбалари ва даврий матбуют саҳифаларида сақланаётган сонсаноқсиз маълумотлар ўзбек халқининг уруш йиллари ва ундан кейин ҳам миллий анъаналарига содик ҳолда фашистлар босиб олган ҳудудлардаги аҳолига беғараз ёрдамини аямаганлиги, СССР иқтисодиётини тиклаш ва маданий қурилишини йўлга қўйишда оғишмай меҳнат қилганини тасдиқлайди. Вайрон бўлган ҳудудлар, хўжаликларни тиклашда ўзбекларга энг катта куч бағишлигарни “коммунистик партия раҳнамолиги” эмас, балки унинг ўзидағи азалий меҳр-шафқат ва одамийлик фазилатлари эди.

Н. Мустафаева

Вторая мировая война и человеколюбие узбекского народа

Вторая мировая война является периодом яркого проявления духовно-нравственного характера и гуманизма узбекского народа. В данной статье на основе архивных документов и научной литературы проанализированы все трудности войны, которые испытал Узбекистан, расположенный вдали от фронтовой полосы. Особое внимание уделяется вопросам помощи и поддержки эвакуированного в республику населения из освобожденных от фашизма территорий.

Ключевые слова: гуманизм, вторая мировая война, эвакуация, жилье, барак, эвакосовет, карточки, продовольствие, паек, территория, фашизм, экономика.

N. Mustafayeva

World War Two and Humanity Love of the Uzbek People

World War Two is a period of bright manifestation of spiritual and moral character and humanism of Uzbek people. The article analyzes all the difficulties of the war experienced by Uzbekistan that was located in distance from front on the basis of archival documents and scientific literature. The main attention is paid to the issues of support for the evacuated population in the republic and the aid to the liberated areas from fascism.

Keywords: Humanism, World War Two, evacuation, dwelling, barracks, evakosoviet, cards, food supply, rations, territories, fascism, economy.



Муҳаммадали Назирхўжаев

Тарих институти таянч докторантни

Япон ҳарбий асиirlари Ўзбекистонда

Иккинчи жаҳон урушининг якуний босқичи Квантун армияси ва денгиз флотининг мағлубияти билан тугагани ва унинг оқибатида 594 000 япон аскари ва зобитининг совет қўшинига таслим бўлгани маълум¹. Иккинчи жаҳон уруши кўплаб мамлакатлар қатори СССР шаҳар ва қишлоқларини ҳам вайронага айлантиргани шароитида уларни ҳамда улардаги турли ишлаб чиқариш обьектларини қайта тиклаш учун эса ишчи кучи керак эди. Шу маънода, япон ҳарбий асиirlарини мазкур ишларга жалб этиш табиий эди. Қисқаси, мамлакатнинг қатор ерларида япон ҳарбий асиirlари учун мўлжалланган ҳарбий лагерлар ташкил этила бошланган. Ўзбекистонга ҳам 25 000 га яқин япон ҳарбий асиirlари шу тариқа келиб қолганлар.

Юртимиз тарихида япон ҳарбий асиirlари масаласи янги йўналишлардан биридир. Бу ҳолат мустамлака даврида "ёпиқ" мавзулар қаторига киритилган бўлиб, 1945 йилги совет-япон урушига доир масалалар кўплаб китобларда бир ёқлама ёритилган. Совет тадқиқотчилари асосий эътиборни совет армиясининг Манчжуриядаги уруш ҳаракатларининг муваффақиятларигагина қаратгандар². Уруш ортидаги йўқотишлар, асиirlарнинг ҳолати ва кейинги тақдирлари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмасди.

¹ Российский Государственный архив кино-фото документов. Фонд 27343, лента №1.

² Вражеские военнопленные в СССР: 1939 – 1956. Москва. 2000. С. 61 – 62.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг иккинчи жаҳон уруши ҳарбий асиirlари ҳаёти ва фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш, олинган натижаларни оммалаштириш учун йўл очилди.

Тарихий манбалар таҳлилиниң кўрсатишича, иккинчи жаҳон уруши йилларида қўлга олинган ҳарбий асиirlарни сақлаш ва улардан фойдаланиш мақсадида СССРнинг турли ҳудудларида лагерлар тузила бошланган. Уларнинг сони 1945 йилнинг 8 июн ҳолатига кўра 206 та бўлса³, 1945 йил ичидаги жами 222 та лагер ва уларга қарашли 2713 та бўлинма ташкил этилган. 1946 йил 1 январ ойига келиб бу кўрсатгич 267 тага етиб, улардан 11 таси зобитлар, 199 таси ғарбий фронтларда қўлга олинган асиirlар, 49 таси япон ҳарбий асиirlari, 8 таси аралашган ҳолатдаги асиirlar учун, 6 таси эса махсус⁴ объектлардаги лагерлар эди⁵.

Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий асиirlar лагерлари бошқа ерлардагидан кўп жиҳатдан фарқ қиласа эди. Сабаби уларнинг кўпчилиги меҳнатга эмас, балки соғломлаштиришга мослаштирилган махсус лагерлар сирасига кирап эди. 26, 288, 360, 372, 386, 387, 208, 385, 438, 446, 1529, 3670-сонли жами 12 та ҳарбий асиirlar лагерларининг асосий қисми Фарғона водийсида жойлашган бўлиб⁶, 7 таси Фарғона вилоятида, 1 таси Андижон вилоятида эди. Улар орасида 26, 1529 ва 3670-лагерлар махсус ҳарбий асиirlar учун мўлжалланган, соғломлаштиришга мослаштирилган ҳарбий касалхоналар бўлган.

Қўқон шаҳридан 2000 метр шимолийда жойлашган 3670-махсус соғломлаштириш ҳарбий касалхонасига “терлама”, “сил” каби оғир касалликларга чалинган ҳарбий асиirlar олиб келиб даволанилган. Ушбу касалхонада нафақат япон, балки немис, италиялик, австриялик ҳарбий асиirlar ҳам даволангандар. 3670-касалхонага қарашли бўлган қабристонда⁷ турли миллат вакилларидан иборат 709 ҳарбий асиir кўмилган⁸.

Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи етакчи илмий ходими Яхёхон Дадабоевнинг⁹ таъкидлашича, Қўқон шаҳрига 1942 йил-

³ Н.О. Дулатбеков. Японские военнопленные в Карагандийской области. Караганда. 2011. С. 337.

⁴ Мазкур объектларда енгилган тараф тарафида хизмат қилган олим, иктирочи ва уларга ўхшаш алоҳида эътиборга лойик ҳарбий асиirlar сақланган бўлиши мумкин.

⁵ Военнопленные в СССР. 1939 – 1956 гг. // Документы и материалы. Москва. 2000. С. 34.

⁶ Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. 1941 – 1951: Волгоград. 2006. Том 5. Кн. 2. С. 435.

⁷ Мазкур “Биродарлик” қабристони ҳозирги кунда Қўқон шаҳрига Тошкент тарафдан кираверишда ўнг тарафда жойлашган.

⁸ Российский Государственный военный архив (РГВА). Фонд-1п, оп. 05е, д. 231, л. 40.

⁹ Яхёхон Дадабоев – Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи етакчи илмий ходими; сухбат 2019 йил 13 март куни бўлиб ўтган.



Қўқон шаҳри “Биродарлик” қабристонида дафн этилган япон, немис ва италиялик ҳарбий асиirlар қабрлари

ларда олиб келинган илк ҳарбий асиirlар немис армияси аскар ва зобитлари бўлган. Кейинроқ италиялик асиirlар ҳам келтирилган.

Асиirlар ўзлари жойлашган шаҳарларда турли хил қурилишлар, жумладан, Фарғона шаҳридаги Рус драма театри, Алишер Навоий кўчасидаги 30, 32, 34, 36, 38, 40-икки қаватли аҳоли турар жойларини барпо этганлар. Қўқон шаҳридаги суперфосфат, қанд корхоналари, ҳозирги Истиқлол кўчасидаги кўп қаватли биноларнинг қурилишида қатнашганлар.


Қўқон шаҳрида японлар томонидан қурилган биноларнинг баъзи бирлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Улар иштирокида қурилган бинолар ўзининг мустаҳкамлиги ва ўзгача усулдалиги билан бошқалардан ажralиб туради.



Фарғона шаҳри Алишер Навоий кўчасида (собиқ Гидролиз шаҳарчаси) японлар иштирокида бунёд этилган уйлар

Немис ва италиялик ҳарбий асиirlарнинг кўплари Ўзбекистонга келгунича ҳам Россиянинг совуқ иклимига бардош беролмай, турли хил касалликларга чалинганлар. Андижон вилояти Избоскан тумани Чувама қишлоғида истиқомат қилаётган Шарифахон Отахонованинг гувоҳлик беришича¹⁰, унинг қайнотаси Қамарид-

¹⁰ Шарифахон Отахонова (Увайсиддинова) эсдаликлари 2015 йил 16 август куни ёзиб олинган.



Қўқон шаҳар Истиклол кўчасида японлар томонидан қурилган аҳоли турар жой биноси. Ташиқ ва ички кўриниши

дин ҳожи Увайсиддинов бу қишлоқда жойлашган ҳарбий асиrlар лагери билан боғлиқ воқеаларни шундай хотирлар эди: “Биз ёш бола бўлганмиз, дастлаб бу ерга немис ва италиялик ҳарбий асиrlарни олиб келдилар, улар йўлдан толиқиб, аксарияти касалманд экани кўриниб турар эди”.

Уруш шароитида озиқ-овқат, дори-дармоннинг етишмаслиги, шароитнинг оғирлиги туфайли уларнинг кўплари бу ерларда оламдан ўтган. Шулардан 354 немис, 72 италиялик Қўқон шаҳри яқинидаги масиҳийлар қабристонига дафн этилганлар.

Ҳарбий асиrlар лагерларида япон асиrlари қаторида рус, украйин, поляқ, корейс, бурят миллатига тегишли асиrlар ҳам сақланган ва улар “оқ мухожирлар” деб юритилган. Уларнинг аксарияти 1945 йилгача Манчжуриядаги япон айғоқчилиги маъмурияти билан ҳамкорликда иш олиб борганингда айбланган шахслар эди.

Қувасой шаҳрида жойлаштирилган япон ҳарбий асиrlари цемент корхонаси қурилишида қатнашиб, кейинчалик шу корхонада ишлаганлар. Шуниндек, Қувасой шаҳри иссиқлик ГРЭСига қарашли маданият маркази биноси, “Қувасой шаҳар ГРЭСи” бюроси каби биноларнинг қурилишида ҳам иштирок этганлар. Қувасой шаҳрида меҳнат қилган япон ҳарбий асиrlаридан бештаси шу ерда вафот этган ва улар шаҳар четидаги масиҳийлар қабристонига дафн этилган¹¹.

Япон ҳарбий асиrlарининг аксарияти Ўзбекстонга келгунича касалликка чалинган бўлиб, кўплари ўпка сили, ошқозон-ичак ва тери-таносил касалликлари билан вафот этганлар. Қувасойдаги қабристонда немис ва италиялик ҳарбий асиrlар қаторида 240

¹¹ РГВА. Фонд-1п, оп. 05е, д. 231. л. 30 – 32.



*Японлар иштирокида бунёд этилган ва кейин ўзлари ишлаган
Қувасой цемент заводи ҳамда шу ерда вафот этган японларнинг қабрлари*

япон ҳарбий асири шу қабристонда ўзларига алоҳида ажратилган жойларга кўмилган. Бу миллат вакилларининг диний эътиқоди бошқа бўлгани сабабли ҳам уларнинг хилхонаси алоҳида бўлган.

Андижондаги 26 ва Фарғонадаги 387-лагерларга асосан қасалликка чалинган ва меҳнатдан толиқдан япон асиirlари олиб келинган. Андижон вилоятида ҳарбий асиirlар лагерлари Чувама қишлоғида (26-ҳарбий лагернинг бош бошқармаси) ва Жанубий Оламушук шаҳарчасида¹² (26-ҳарбий лагернинг бўлинмаси) ташкил этилган.

Андижон вилоятидаги 26-ҳарбий асиirlар лагери маҳсус лагерлар қаторига кириб, у ерда асосан Квантун армиясининг мансабдорлари, Хитой ва Мўғалистон ҳудудларида айғоқчилик ҳамда айғоқчиликка қарши ишларига раҳбарлик қилган юқори мартабали (лейтенант, майор, подполковник, полковник унвонларидаги) зобитлар сақланар эди. Лагернинг 1-бўлинмасида 700 атрофида япон ҳарбий асири бўлган¹³.

Япон асиirlари асосан Жанубий Оламушук шаҳарчасининг нефтчилар уйлари, шаҳарчага олиб борадиган катта автомобил йўли ва кўпиклар, қишки кинотеатр, клуб ҳамда касалхона қурилишида қатнашганлар. Ватанига қайта олмай вафот этган япон ҳарбий асиirlаридан 30 киши Чувамада дафн этилган¹⁴.

Чувама қишлоғида истиқомат қилиб келаётган Шарифахон Отахонованинг отаси шундай хотираларни қайд этган: “Бизнинг болалигимиз уруш даврига тўғри келди. Озиқ-овқат ва кийимкечак танқислиги 1945 йилдан кейин ҳам анча йиллар давом эт-

¹² Жанубий Оламушук — Андижон вилояти Жалолқудук туманидаги шаҳарча.

¹³ РГВА. Фонд-1п, оп. 15а, д. 66, л. 13.

¹⁴ 2015 йил 23 июлда Чувама қишлоғида ёзib олинган гувоҳликлардан.



*Япон асиrlари томонидан Жанубий Оламушук шаҳарчасида
қурилган уйлар ва кўпrik*

ган. Чунки уруш йилларида ҳамма нарса фронт учун жўнатилган. Дадам Увайсиддин қори Мадалиев урушга кетган. Мен ёш бола эдим, опам ҳам ёш қизча эди. Лагерлардаги асиrlарни милтиқ кўтарган ҳарбий аскарлар қўриқлаган ҳолда деҳқончилик ишларига олиб чиқар эдилар.... Эсимда, қишлоқда қабр қазиш учун яроқли эркак қолмагани сабабли қишлоғимиздаги лагердан асиrlарни олиб чиқиб, лаҳад қаздиргандар. Бу каби ҳолатларни кўриб, инсон қалбида уларга нисбатан ҳурмат туйғулари уйғонар эди”.

Шу қишлоқда истиқомат қилувчи 80 ёшли Эркинбой ҳожи Қодировнинг эсдаликларида шундай маълумотлар берилган: “Уруш даврини эсласам, болалигимдаги ачинарли ҳаёт вужудимни ларзага солади. Очлик, қашшоқлик, ноchorлик... Тентаксой бизга яқин бўлгани учун биз болалар сой бўйига бориб, урушда асиrlа тушган япон, италиялик, немис асиrlарининг елкасида тош ташиб, кўпrik қураётганларини қўрқа-писа томоша қилардик. Калободда (японлар жойлаштирилган жой номи) уларнинг манзили бор эди. У ердан бир километрча узоқликда “Мўрча” номли ҳаммоми бор эди. У жой кекса кишиларнинг тилида ҳозир ҳам шундай аталади. Асиrlарни маълум вақтда ҳаммомга олиб борар эдилар...”.

Юқоридан келган маҳсус буйруқقا кўра, японларга кўпроқ гуручли ва балиқли овқат берилар эди. Буни билган немис ва италиялик асиrlар ҳам баъзан ўзларини япон қилиб кўрсатиб, гуруч олмоқчи бўлиб келар эканлар.

Алишер Навоий театри биносининг қурилишида қатнашган японларнинг хотирлашича: “Бу ердаги шароит ўта совуқ иқлими Сибир лагерларида шароитдан анча яхши эди. Шу сабабли ҳам бу ерга келтирилган японлар Узоқ Шарқ ёки Сибирда қолган ватандошларига ачиниш ҳиссини туярдилар. Японлар жойлашган лагер Тошкентнинг марказида бўлиб, бу японларга кундалик эҳ-



тиёж учун керакли нарсаларни топишга қулай эди. Ҳарбий асирларға ҳам маълум миқдорда ойлик иш ҳақи бериб турилган. Бажариладиган асосий ишлари дараҳтларни кесиш, күмир конларида меҳнат қилиш, театр биноси қурилишида зарур бўлган ғиштларни қўйиш ва пишириш, қурилишда қатнашиш эди. Уларга маҳаллий ҳарбий қисм таркиби ёрдам берар эди. Японлар иншоот қурилишига жалб этилган маҳаллий усталар билан елкама-елка туриб меҳнат қилгандар, шу боис улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва жипслик юзага келганди. Бажаришимиз шарт бўлган меъёр, яъни маълум бир иш миқдори ва мавжуд молиявий имтиёзларимиз ҳам йўқ эмас эди. Шаҳарликлар орасида кўрининиши японларга ўхшаб кетадиган ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари кўп бўлгани учун биз ирқий камчиликни ҳис қилмас эдик. Немис фашистларидан фарқли равища японлар ҳеч қачон ўзбеклар билан урушмаган эди. Маҳаллий аҳолининг жуда кўп қисми буни яхши англар эди”¹⁵.

Ҳарбий асирлар учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг иирик саноатлашган шаҳарларида ҳамда Бухоро вилояти Когон шаҳрида ҳам лагерлар ва ҳарбий касалхоналар ташкил қилинган. Тошкент вилоятида ҳарбий асирлар лагерлари Ангрен, Бекобод ва Чирчиқ каби шаҳарларида жойлаштирилган.

Ўзбекистонга олиб келинган 25 000 атрофидаги япон ҳарбий асиридан 7 209 таси Ангрен шаҳрига юборилган. У ердаги лагерда турли касалликлар ёки фалокатлар туфайли вафот этган япон ҳарбий асирлари 133 тани ташкил этади. Улар ичida 1 та генерал ҳам бўлган.

Ангрен шаҳрида ташкил этилган 372-лагерда ушлаб турилган ҳарбий асирлар шаҳардаги қурилиш ишлари, кўмир ҳавзаси, цемент ва нон корхоналарида, шунингдек, анҳорлар, тўғонлар, турар жой, мактаб бинолари қурилишларида ҳамда тоғли ҳудудда жойлашган Янгиобод шаҳарчасининг бунёд этилишида қатнашганлар¹⁶.


Бекобод шаҳри яқинидаги 288-ҳарбий асирлар лагерида жами 6 000 га яқин немис ва япон ҳарбий асири сақланган¹⁷.

Мазкур лагерда асириларда сақланаётган япон ҳарбий асирилари меҳнатидан Фарҳод ГЭСи ва унга қарашли баъзи тўғон ва кўтармаларнинг қурилишида, сел туфайли вайрон бўлган Бекобод шаҳри атрофидаги баъзи қишлоқларни қайта тиклашда ҳам унум-

¹⁵ Шуҳрат Худойқулов. Японларга паноҳ бўлган юрт. Тошкент. 2012. 21 – 22-бетлар.

¹⁶ Ангрен шаҳар давлат архиви. З-ийғма жилд. 4-хўжжат. 18-варақ.


¹⁷ Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. С. 435.



Бекободдаги 288-ҳарбий асиirlар лагерининг ташқи ва ички кўриниши ли фойдаланилган.

Чирчиқ шаҳрида 360-ҳарбий асиirlар лагери¹⁸даги асиirlар, қишлоқ хўялиги техникаси ишлаб чиқарувчи “Чирчиққишлоқмаш”, шунингдек, “Фрунзе” номидаги машинасозлик ва асбобсозлик корхоналарда меҳнат қилишган. Мазкур заводлардаги ишчиларнинг 34 фоизини ҳарбий асиirlар ташкил этган. Ҳарбий асиirlар аҳоли туар жойларини бунёд этишда ҳам иштирок этгандар¹⁹.

Тошкент шаҳрида 1945 йили фаолият юритган 386-ҳарбий асиirlар лагери Ўзбекистондаги энг йирик лагерлар қаторига кирап ва Тошкент шаҳрининг турли бурчакларида жойлаштирилган ўн бешдан ортиқ бўлинмалари бор эди. Немис ва япон ҳарбий асиirlарининг ҳар бири учун 1,8 кв. метр жой ажратилган ушбу ла-



Япон ҳарбий асиirlари Фарҳод ГЭСи қурилиши учун дарёдан ўтиб кетмоқдалар

герда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолдаги озиқ-овқат омборхоналари, ошхона, ҳаммом ва кийимларни заарсизлантириш биноси, кийим-кечак устахоналари, сартарошхоналар мавжуд бўлган. Ҳарбий асиirlарнинг ишдан бўш вақтини унумли ўtkазишлари ва

¹⁸ Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. С. 440.

¹⁹ Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. С. 441.



зериқмасликлари үчүн алоҳида шийпончалар, волейбол, баскетбол ва бошқа майдончалар қурилған эди. Ҳарбий асиrlар лагері атрофи бир нечта баланд деворлар ва тиконли симёочлар билан ўралған. Күн ботганида эса, лагер ички қисми ва атрофи тикка чироқлар билан ёритилиб турилған²⁰.

Бухоро вилоятидаги Когон шаҳрида ҳам 1529-ҳарбий асиrlар лагерлари тутқынларга мұлжалланған ҳарбий касалхона бўлиб, ушбу тиббий муассасага СССРнинг турли совук ҳудудларидан ҳарбий асиrlар олиб келиниб, даволанған. Бу ерда 153 япон ҳарбий асири абадий қўним топған. Вафот этган асиrlарни дағн этиш үчун маҳаллий ҳокимият томонидан маҳсус жойларда атрофи девор билан ўралған қабристонлар ташкил этилган. Жасадлар тўртбурчак тартибида, бирин-кетинликда, марҳумнинг исми, фамилияси, туғилған ва вафот этган санаси ёзиб кўмилған.

Мустамлака даврида япон ҳарбий асиrlарни дағн этилған қабристонлар ташландиқ ҳолатга тушиб қолған эди²¹. Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлатимизнинг ғамхўрлиги ва жонкуяр ватандошларимизнинг уринишлари туфайли япон ҳарбий асиrlари қайси шаҳар ва туманда меҳнат қилған бўлмасинлар, уларнинг ҳурмати учун бирор ёдгорлик үрнатилиб, қабристонлари обод қилиниб келинмоқда. Ана шундай ишларга бош-қош бўлган Маҳсумҳожи ота Сироҗиддинов Жанубий Оламушук қишлоғида кўмилған япон ҳарбий асиrlарининг қабрлари аниқлаштириб, Андижон вилояти ҳокимлиги кўмагида уларнинг ҳар бирига қабр тошлари қўйдирди²².

Ҳозирги кунда ватандошлари қабрини зиёрат қилиш мақсадида Япония ва бошқа давлатлардан сайёхлар Ўзбекистонга, хусусан, Тошкент шаҳри ва вилоятига, Фарғона водийсининг бир қатор шаҳарларига келиб турадилар. Ўз юртларига қайта олмай, бу ерларда қолиб кетған япон ҳарбий асиrlари қабристонларида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бундай ишларнинг замирида халқимизнинг меҳр-оқибатлилиги, ўзга миллат ва элатларга нисбатан бағрикенглик каби хислатлар ётгани шубҳасизdir.

²⁰ РГВА, Фонд-1п, оп.15а, д. 295, л. 23 – 24.

²¹ РГВА, Фонд-1п, оп. 05е, д. 231, л. 44.

²² 2015 йил 27 марта Жанубий Оламушук шаҳарчасида ёзиб олинған гувоҳликлардан.



М. Назирхужаев

Вторая мировая война:**японские военнопленные в Узбекистане**

В статье освещается жизнь и деятельность японских военнопленных второй мировой войны, создание и порядок функционирования лагерей военнопленных в Узбекистане. Кроме того, приводятся аналитические сведения о санитарно-гигиенических условиях лагерей, трудовой деятельности пленных, описываются их воспоминания, гуманизм узбекского народа, а также состояния кладбищ военнопленных.

Ключевые слова: вторая мировая война, Квантунская армия, архивные материалы, японские военнопленные, военные лагеря, стража, воспоминание, спецгоспиталь, Узбекистан.

M. Nazirkhujaev

World War Two: Japanese Prisoners of War in Uzbekistan

Маълумки, ўзбек элшунослигининг ilk кўринишларини археология ёдгорликлари, ilk ёзма манбалар ва бошқа турли ашёларда пайқашимиз мумкин. Хусусан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби – “Авеста”⁴, қадимги туркий битиклар ва сұғдий ёзувлар, сўнгги минг йилдан ортиқ вақт мобайнида туркий, араб ва форс тилларида битилган кўпдан-кўп ёзма манбалар халқимиз тарихини энг қадимги паллалардан бошлаб ўрганиш имконини беради. Шу билан бирга, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошварий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг ўзбек элшунослиги ривожига кўшган буюк ҳиссасини эътироф этиш ўринли.

Ўзбек халқининг қадимий анъана ва маросимларини ўзида акс эттирган ўрта аср ёзма манбалари орасида Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” теран асари алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур тарихий-этнографик асарда туркийлар, сұғдийлар, хоразмликлар ва эронийларнинг исломгача бўлган диний эътиқодлари, байрам ва маросимлари, уларнинг ўзаро ўхшашлик ҳамда ўзига хосликлари ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган⁵. Асар қадимги диний қарашлар, ху-

³ Қаранг: А. Д. Гребенкин. Узбеки // Русский Туркестан. Москва. 1872. С. 4 – 6; В. Наливкин, М. Наливкина. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань. 1886; А. Миддендорф. Очерки Ферганской долины. Санкт-Петербург. 1882; А. Диваев. Предание о происхождении узбеков // Туркестанские ведомости. №97. 1900.

⁴ Мақолада мазкур манбанинг ўзбек тилидаги адабиётларда қабул қилинган “Авесто” шаклида эмас, балки дунё авесташунослари томонидан эътироф этилган “Авеста” тарзида беришни лозим, деб билдиқ. Чунки мазкур атама ўзаги “ста” бўлиб, “ўрнатилган, тайин этилган, мукаррар этилган”, демакдир, яъни кўчма маънода ҳаётга асос бўлмиш қонунлар мажмии, деб тушунилган. Қаранг: М. М Иҳсоқов. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби // “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавийтимизнинг илк ёзма манбаи мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент. 2000. 7-бет.

⁵ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. I том. Тошкент. 1968.



сусан, шомонлик, монийлик, маздакийлик ва собийликка оид гувоҳликлари билан ҳам дикқатга сазовордир⁶.

Умуман олганда, Абу Райхон Берунийнинг ушбу китобини халқлар маданияти, урф-одати ва эътиқодлари тарихи акс этган нодир манба, деб ба-ҳолашимиз мүмкун.

Ўрта асрлар элшунослиги тўғрисида сўз юритганда, Маҳмуд Кошғарийни тилга олмаслик мүмкун эмас. Буюк аждодимизнинг ўттиз йиллик меҳнати самараси ўлароқ 1072–1077 йиллар оралиғида ёзилган “Девону луғатит-турк” теран асарида туркий тиллар ўтмишигина эмас, шу билан бирга, мазкур халқларнинг келиб чиқиши, улар яшаган ўлкалар ва шаҳарлар тарихи, давлатчилик анъаналари, турмуш-тарзи, дунёқарashi, хўжалик анъаналари, моддий ва маънавий маданияти ҳақида ўта қимматли маълумотлар баён қилинган⁷. Шу боисдан ҳам, мазкур асар бугунги кунда ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда муҳим қомусий манба ҳисобланади.

“Девону луғатит-турк”да туркий халқлар элшунослиги борасида билдирилган мулоҳазаларни қўйидаги тартибда таснифлаш мүмкун:

этник тарих борасидаги маълумотлар (арғу, барсған, басмил, беженег, булғор, жумул, йабақу, йамак, йағма, кенжак, тат, татар, тухсу, турк, туркман, уйғур, халач, чигил, ўғиз, қарлуқ, қирғиз, қипчоқ сингари 80 га яқин туркий этнонимлар⁸) келтирилган бўлиб, ушбу далиллар ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди;

ўзбек халқи аждодларининг моддий маданияти, жумладан, анъанавий турар-жойлари, миллий кийимлари ва таомлари борасидаги маълумотлар, айниқса, биргина кийиниш маданияти билан боғлиқ 225 та атаманинг қайд қилингани ота-боболаримизнинг юксак маданиятга эга бўлганини тасдиқлайди;

оилавий ва тақвимий маросимлар;

халқ ўйинлари ва томошалари тавсифи;

диний тасаввурлар ва қарашлар билан боғлиқ расм-русумлар ҳамда урф-одатлар.

Бир сўз билан айтганда, ушбу асар туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқининг ўтмиши бўйича жуда муҳим тарихий манбадир.

XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларидағи этник жараёнларни ўрганишда Захиридин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ҳам катта ўрин эгаллайди. Асар тарихий воқеалардан ташқари, ўта қимматли элшунослик ҳужжатларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради⁹.

“Бобурнома”даги элшуносликка оид маълумотларни қўйидаги гуруҳларга бўлиш мүмкун:

- ўтроқ туркийлар ва кўчманчи туркий уруғлар ҳақидаги маълумотлар,

⁶ Кадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 233 – 252-бетлар.

⁷ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 3-жилд. Тошкент. 1963. 212-бет.

⁸ Девону луғатит турк. 1-жилд. 391 – 407-бетлар.

⁹ Қаранг: Захиридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. 2002; Захиридин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент. 2015.



жумладан, арлот, арғун, барлос, жалойир, минг, манғит, нукус, турк, қорлуқ ва бошқалар ҳамда улар билан боғлиқ этноантропонимлар;

- анъанавий моддий маданиятта (туарар-жойлар, кийим-кечаклар ва миллий таомлар) оид маълумотлар. Бу борада айниқса, "Бобурнома" қўллэзмаларида тури суратлар орқали биз ўша даврдаги аждодларимизнинг кийиниш маданияти, анъанавий туарар-жойлари ҳамда таомларини ўз кўзимиз билан кўришимиз мумкин;

- хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотлар, жумладан, Фарфона воийси, Зарафшон воҳаси ва Кобул ҳамда Ҳиндистонда яшаган тури халқларнинг хўжалик машғулотлари, касб-хунарлари ва миллий хусусиятлари ҳақидаги далиллар;

- туркий халқларнинг бошқа этнослар (ҳиндлар, пуштунлар, тоҷиклар, туркмандар) билан ўзаро этномаданий алоқалари тарихига оид гувоҳликлар.

Қисқа қилиб айтганда, "Бобурнома" ҳам тарихийлиги билан бирга қимматли элшунослик манбаси сифатида ўта қадрлидир.

Тўғри, кейинчалик ҳам элшунослик илмининг тури йўналишларига оид маълумотларни ўзида акс эттирган асарлар яратилиб келинган бўлса-да, айнан ушбу йўналишдаги илмий изланишлар Россия империяси мустамлакачилик сиёсатидан кейин анча-мунча ривожланган. Айнан мустамлака маъмурияти раҳбарлари маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишга интилгани айни ҳақиқатдир.

Хусусан, бу борада олиб борилган тадқиқотлар моҳиятини чуқурроқ англаш учун Россия империяси генерали бўлган М. Д. Скобелевнинг императорга йўллаган мактубидаги қўйидаги жумлаларга эътибор қаратиш лозим: "Маҳаллий халқ биз ўйлаганимиздан анча маданиятли бўлиб чиқди. Биз уларни ҳеч ҳам бўйсундира олмаяпмиз... Фақат қадимда яратилган эскилил обидаларини, масжид-мадрасаларни, диний китобларни ер юзидан супуриб ташлаб, уларнинг маънавиятини ўчирибгина биз уларни ўзимизга бўйсундира оламиз...". Ушбу сиёсий фикр сўз кетаётган даврда олиб борилган илмий ишлар асосан метрополия манбаатларига хизмат қилганини кўрсатади, албатта.

Бунинг тасдиғини машҳур шарқшунос В. В. Бартолднинг (1869 – 1930) қўйидаги иқрорида ҳам яққол кўриш мумкин: "Европа мактабининг олими Шарқ тарихи баёнига Европа илми зиёсини олиб киради... Шарқ халқлари бизнинг маданиятимиз устунлигига, қачонки биз уларни улар ўзларини билгандаридан кўра яхшироқ билишимизга тан берсаларгина, ишонадилар"¹⁰. Қизиғи, "(қарам) мамлакат тарихини билишлик маъмурлар ва дипломатларга тўғридан-тўғри амалий наф беради"¹¹ дейиш орқали олим туркистаншуносликнинг илмий ва сиёсий аҳамиятини ўйғунликда талқин қилишга чақириган.

¹⁰ В. В. Бартольд. Сочинения. Том 1. Москва. 1963. С. 607 – 608.

¹¹ Сочинения. Том 1. С. 607 – 608.



Ўзбек халқи этнографиясига оид ҳужжат ва ашёлар борасида жиддий илмий изланишлар худди шу даврда бажарилганини ҳам тан олишга тўғри келади. Хусусан, 1895 йили Тошкентда “Туркистон ҳаваскор археологлар тұғараги”нинг ташкил этилиши натижасида ўзбек халқининг элшунослиги га оид илмий маълумотлар йиғила бошланди.

ХХ асрнинг биринчи чорагида элшунослик тадқиқотларини олиб бошлида фан ва маориф ташкилотлари анча жонкуярлик кўрсатган эди. 1921 йили “Туркистон туб аҳолисининг майший турмушини ўрганиш илмий комиссияси” ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, мазкур комиссия томонидан Туркистонда миллий-худудий чегараланиш сиёсати ўтказилиш арафасида Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида яшовчи эл-улуслар этнографияси ва фолклорига бағишиланган материаллар тўплланган.

1943 йили Тарих ва археология институти таркибида “Этнография” бўлимининг ташкил этилиши элшунослик соҳасидаги илмий изланишларни янада жонлантириб юборади. Бу даврда асосан тарихий ва замонавий элшунослик ҳамда ўзбекларнинг этник муаммолари юзасидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилди.

1950–1953-йиллар мобайнида Фарғона водийсини ўрганиш бўйича ташкил этилган этнографик сафарда Наманган ва Фарғона вилоятларида яшаган қишлоқ аҳолиси турмушида совет даврида юз берган ўзгаришлар давр мағкураси нуқтаи назаридан ўрганилди¹².

1960–1970-йилларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, этник таркиби ҳамда минтақадаги қатор субэтнослар бўйича К. Ш. Шониёзов, М. Ваҳобов, Т. Файзиев, Б. Аҳмедов, И. Эрматов, Б. Х. Кармишева каби тадқиқотчиларнинг илмий асарлари нашр қилинди¹³.

ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг айрим минтақалари аҳолисининг вилоятлар бўйича этник таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берувчи элшунослик хариталари тайёрланди. Ишчилар синфи нинг ҳаёти ва турмушидаги ўзгаришлар ҳақида йўналиш пайдо бўлди. Бу даврда ўзбекларнинг ижтимоий ҳаёти ва анъанавий турмуш тарзига бағишиланган қатор асарлар яратилди¹⁴.

Ўтган юз йиллик 70–80-йилларда мустабид совет тузумининг мафкуравий тазиيқи туфайли ўзбек халқи элшунослигида сусайиш жараёни юз

¹² Сафар натикалари сифатида Фарғона водийси қишлокларига оид нашрлар эълон қилинган (қаранг: О.А.Сухарева, М.А. Бикжанова. Прошлое и настоящее селение Айкиран. Ташкент. 1955).

¹³ Қаранг: К. Шаниязов. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964; К. Шаниязов. К этнической истории узбекского народа. Ташкент. 1974; М. Ваҳобов. Ўзбек социалистик миллати. Ташкент. 1960; Т. Файзиев. Узбеки-курама: в прошлом и настоящем. Ташкент. 1963; Б. А. Аҳмедов. Государство кочевых узбеков. Москва. 1965; М. Эрматов. Этногенез и формирование узбекского народа. Ташкент. 1968; Б. Х. Кармишева. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. Москва. 1976.

¹⁴ Қаранг: Р. Курбангалева. Быт и культура рабочих узбеков шелковой промышленности города Маргилана. Автореферат диссертации кандидата исторических наук. Ташкент. 1966; Ф. А. Арипов. Из истории формирования кадров рабочих-узбеков. Ташкент. 1968; Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. Ташкент. 1972.



берди. Ягона “совет халқи”ни яратиш түғрисидаги ғоя устун бўлгани сабабли элшунос олимлар ҳам ўз тадқиқотларида дикқат-эътиборни кўпроқ совет даври одамларини ўрганишга қаратишга мажбур бўлдилар. Шу тариқа, сўз кетаётган замонда барча ижтимоий фанлар каби элшунослик фани ҳам коммунистик мафкура ва яширин империяпарастлик ғояларига хизмат қилди. Ушбу йўналишда бажарилган ҳар қандай тадқиқот мазкур талаб чиғириғидан ўтказилар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий фанларнинг ҳар бир йўналишида бўлгани сингари элшунослиқда ҳам жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Маълум қийинчиликлар билан бўлса-да, бир қатор илмий-назарий ва услубий тадқиқотлар амалга оширилди. Олиб борилган илмий изланишларнинг мазмун-моҳиятининг янгилини баробарида уларни бажаришдаги назарий ва услубий жиҳатдан ёндашувлар ҳам ўзгаргани яққол сезилмоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида эришилган энг муҳим натижалар тарзида тадқиқот мавзуларининг кенгайгани ва илмий маҳсулдорлик самараодорлигининг ошганини кўрсатиш мумкин. Бажарилган изланишларнинг натижаси ўлароқ, бир қатор теран илмий асарлар ва рисолалар эълон қилинди¹⁵.

Ўзбек миллий маданияти ва анъаналарини элшунос, фолклоршунос ҳамда санъатшунос олимлар ҳамкорлиқда олиб борилган ўрганишлар натижасида Бойсун маданий муҳити, шашмақом, катта ашула, Наврӯз, асқия, палов маданияти ва анъаналари ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритилди ҳамда Ўзбекистоннинг миллий номоддий маданий мерослари рўйхати шаклантирилди¹⁶.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосини ўрганиш борасидаги илмий ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур йўналишда академик К. Шониёзов турли тарихий давларда кечган этник жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқи шаклланиш жараёнига оид жиддий мулоҳазалар ва тарихий асосларга эга бош ғояни ишлаб чиқсан олимдир. Муаллиф ўзининг мураккаб этник жараёнлар борасидаги услубий фикрларини “Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари” ва “Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари” номли мақолаларида батафсил баён қилиб берган¹⁷. К. Шониёзов ўзининг капитал асари ҳисобланган “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”да ўзбек халқи этногенез ва этник тарихини ёритишга этнос назарияси асосида ижодий ёндашиб, элшунослик фанининг назарий ва илмий

¹⁵ Қаранг: Ҳ. Исмоилов. Ўзбек тўйлари. Тошкент. 1994; О. Бўриев, И. Шаймардонов. К. Насридинов Ўзбек оиласи тарихи. Тошкент. 1995; К. Насридинов. Ўзбек дағн ва таъзия маросимлари. Тошкент. 1996; Тошкент маҷаллалари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент. 2002; И.Жабборов. Ўзбеклар: анъанавий турмушки ва маданияти. Тошкент. 2004; Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. Тошкент. 2005.

¹⁶ Қаранг: Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси. Тошкент. 2017: Intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. Istanbul. 2017. 294 s.

¹⁷ А. Аширов, У. Абдуллаев Карим Шониёзовнинг “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” монографияси ҳақида // “O'zbekiston tarixi” журнали. №1. 2002. 79-бет.



услубий асосларига аниқликлар киритди.

Кейинчалик бошқа бир академик А. Асқаров ҳам этнос назариясига асосланган ҳолда ўзбек халқининг шаклланиш тарихини ёритишига ҳарарат қилди ва ушбу йўналишда бир қатор илмий ишларни эълон қилди¹⁸. Жумладан, муаллифнинг этногенез ва этник тарих муаммоси доирасида бажарган тадқиқотларида кўплаб диққатга сазовор фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими муаллифнинг “ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланади”, деган бош ғоядир¹⁹. Бундан ташқари, айнан охирги йилларда ушбу мавзуга оид илмий семинар ташкил этилгани ҳам мазкур йўналишнинг кейинги йилларда қанчалик катта аҳамият касб этаётганидан далолат беради²⁰.

Эътиборга сазовор томони шундаки, айнан мамлакатимиз элшуносларининг чет мамлакатлар, хусусан, Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти билан илмий ҳамкорлиги натижасида “Ўзбеки” номли монография Москвада нашр этилди²¹.

Умуман олганда, этногенез ва этник тарих муаммоси замонавий фандаги жиҳдий ва долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам, мазкур йўналишда ўз даврининг машҳур олимлари шуғулланганлар. Совет даврида ва мустақиллик йилларида бажарилган тадқиқотларнинг назарий асосларига эътибор қаратсан, этногенез ва этник тарихи масаласи асосида этнос назарияси ёки миллый автохтонизм қарашлари мужассамлашганинг гувоҳи бўламиз. Соҳа мутахассислари ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ва унинг ривожланиш босқичларини айнан мазкур назариялар асосида таҳлил қилганлар.

Тўғри, бу масала совет даврида кўтарилиган бўлиб, маълум маънода комунистик мафкура қарашлари асосида ягона “совет халқи”ни яратишга қаратилган эди. Жумладан, миллатларнинг келиб чиқиши назариясига оид қарашларга 1913 йили И. Сталиннинг миллатга берган таърифи асосида бўлган ва унга кўра, “миллат кишиларнинг тарихий таркиб топган гуруҳи бўлиб, у маданиятлар умумийлиги асосида намоён бўладиган умумий тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва руҳий бирлашув асосида пайдо бўлади”, деб хуроса қилинган²². Лекин, “миллат” назарияси номи билан машҳур бўлган қарашлар тизими эса, яхлит тарзда 1923 йили Шанхайда яшаган рус муҳожири С. М. Широкогоров²³ томонидан билдирилган. Айнан ушбу тадқиқотчи 1923

¹⁸ А. Асқаров. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари // “O’zbekiston tarixi” журнали. №4. 2002. 54 – 60-бетлар; А. Асқаров. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент. 2015.

¹⁹ Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари. 9-бет.

²⁰ Қаранг: “Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих” мавзусидаги республика илмий-назарий семинари материаллари. Тошкент. 2004.

²¹ Узбеки. Москва. 2011.

²² И. В. Сталин. Марксизм и национальный вопрос // И. В. Сталин. Соч. Т.2. Москва. 1946. С. 296.

²³ С. М Широкогоров (1887 – 1939) — машҳур этнограф олим, этнос назарияси асосчила-

йили фанга “этнос” тушунчасини олиб кирган: “этнос бу – бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан олувчи, урф-одатлар йиғиндиси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир”²⁴.

Кейинчалик И. Сталин ва С. Широкогоров ишларида этносга (миллатга) берилган таъриф П. Күшнер, С. Токарев, Н. Чебоксаров ва В. Козлов тадқиқотларида маълум маънода такомиллаштирилган²⁵ бўлса, Ю. Бромлей мазкур назарияни яхлит бир тизим даражасига кўтарган²⁶. Бироқ тилга олинган муаллифлар, умуман олганда, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар асосан марказда туриб олиб борилгани ва коммунистик мафкура foяларига маълум маънода хизмат қилгани билан акралиб туради. Қолаверса, мазкур назарияда бошқа фанлар доирасида, масалан, генетика, маданиятшунослик, сиёsatшунослик йўналишларидағи қарашлар эътироф этилмаган.

Бугун эса дунё фанида “миллат” назариясига турлича қарашлар ва ёндашувлар бор²⁷. Фарбнинг айрим мактаб вакиллари ушбу назарияни кескин танқид қилаётгандари ёки буткул рад этаётгандари ҳам айни ҳақиқатдир. Қолаверса, замонавий фанда этногенез ва этник тарих муаммосини тарихий манбашунослик, этноархеология, этногенетика, этноантропология, этнолингвистика, этнография каби йўналишларда ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳаққоний илм учун буни табиий, деб билиш керак. Биз учун муҳими, ўзбек элшунослигининг ҳозирги аҳволи, олдимизда турган мақсад ва вазифалар бўйича ўз қараш, ёндашув, янада кучлироқ қилиб айтсан, ўз миллий мактабимизни шакллантиришdir.

Замонавий Ўзбекистон элшунослигини ривожлантириш учун қўйида гилар амалга ошириш зарур деб санаймиз:

Биринчидан, ҳозирги кунга қадар олимларимиз минтақаларда яшовчи аҳоли элшунослигини асосан, тавсифий асосда тадқиқ қилиш билан маш-

ридан бири; совет тузуми ўрнатилгандан сўнг Хитойга кўчиб кетиб, умрини охиригача ўша ерда яшаган.

²⁴ С. М Широкогоров. Этнос: Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений // Известия восточного факультета Дальневосточного университета. Вып. XVIII. Том 1. Шанхай. 1923. С. 13.

²⁵ Қаранг: П.И.Күшнер. Национальное самосознание как этнический определитель // Краткие сообщения Института этнографии. Вып. 8. Москва. 1949; П.И.Күшнер. Этнические территории и этнические границы // Труды Института этнографии. Том 15. Москва. 1951; С. А. Токарев. Проблемы типологии этнических общностей (К методологическим проблемам этнографии) // Вопросы философии. №11. 1964; Н.Н. Чебоксаров. Проблемы типологизации этнических общностей в трудах советских ученых // Журнал "Советская этнография". №4.1967; В. И. Козлов. Динамика численности народов. Методология исследования и основные факторы. Москва. 1969.

²⁶ Ю. В. Бромлей. Очерки теории этноса. Москва. 1983.

²⁷ Қаранг: M. Laruelle. The Ethnic Atlas of Uzbekistan in the Context of the Contemporary Institutional Situation in Post-Soviet Uzbek Ethnology // Anthropology & Archeology of Eurasia. Vol. 44. № 4. 2006. P. 70–74.; A. Khalid. Making Uzbekistan: Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. Ithaca: Cornell University Press. 2015; A. Khalid. National Consolidation as Soviet Work: The Origins of Uzbekistan // Ab Imperio. Vol. 4. 2016. P. 185–205; P. Finke. Variations on Uzbek Identity: Strategic Choices, Cognitive Schemas and Political Constraints in Identification Processes. New York and Oxford. Berghahn. 2014; R. Zanca. Variations on Uzbek Identity: Strategic Choices, Cognitive Schemas and Political Constraints in Identification Process // Asian Anthropology. Vol. 15. №1. 2016. P. 91–93.



ғулдирилар. Бундан буён эса, тавсифлаш усулидан воз кечган ҳолда замонавий этномаданий жараёнларни таҳлилий асосда тадқиқ қилишга жиддий эътибор қаратишимиш керак.

Иккинчидан, бажарилаётган элшунослик тадқиқотларининг назарий асосларини кучайтириш ва ҳар бир изланиш маълум бир назарияга асослашиши керак. Айнан шундагина бажарилаётган тадқиқотларнинг аҳамияти янада ошган бўлар эди.

Учинчидан, хорижий тажрибада тадқиқотларнинг асосий қисми амалий аҳамиятга эга бўлади. Афсуски, мамлакатимизда бажарилаётган элшунослик илмий ишларининг кўпчилиги амалий аҳамиятта эга бўлмаган мавзуларга бағишлилангани боис кўп ҳолларда улар якуний натижада китоб жавонларини тўлдириш вазифасинигина бажармоқда. Демак, бажарилаётган илмий ишларнинг жамият ҳаётида қўлланилишига эътибор қаратиш керак.

Тўртинчидан, ўзбек ҳалқи генеологияси, этнодемографияси, этнопсихологияси, миллий үқуви ва умуман олганда, этнос муаммоси билан чамбарчас боғлиқ тадқиқотлар, шунингдек, этник жараёнларнинг назарий-услубий қарашлар тизимини шакллантириш, маданий антропология ва этноэкология каби йўналишларга жиддий эътибор қаратиш ҳамда этнология атамалари ҳамда уларга оид луғатларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ дир.

Бешинчидан, элшунослик тадқиқотларида фанлараро ёндашувга жиддий эътибор қаратиш даркор. Жаҳон фанида синовдан ўтган ёндашувга жиддий эътибор қаратиб, элшуносликка туташ бўлган археология, социология, тарих, археология, иқтисодиёт, фалсафа каби фан тармоқлари кесимида изланишларга жиддий эътибор қаратиш, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Олтинчидан, таълим тизимида элшунослик фанининг ўқитилишини такомиллаштириш керак. Афсуски, ҳозирда Миллий университетдан ташқари бошқа бирон-бир олий ўқув юртида элшунослик мутахассислар тайёрланмайди. Ривожланган мамлакатларда эса элшунослик йўналишида алоҳида факултет ва кафедралар мавжудлигини кўриш мумкин. Қолаверса, университетлар учун тегишли ўқув адабиётларини тайёрлаш сифатини ҳам такомиллаштириш зарур. Тўғри, элшуносликнинг турли йўналишларида дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрланиб, чоп этилган²⁸. Лекин улардаги илмий қараш ва ёндашувлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради, деёлмаймиз.

Элшунослик тадқиқотлари этнографик экспедициялар асосида ҳам бажарилишини инобатга олган ҳолда элшунослик сафарларига жиддий эътибор қаратиш керак. Бунда маълум бир ҳудуднинг маданий ўзига хос-

²⁸ Жаҳон этнологияси асослари; А. Дониёров, А. Аширов, О. Бўриев. Марказий Осиё ҳалқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Тошкент. 2011; А. Ashirov. Etnologiya. O'quv qo'llanma. Toshkent. 2014.; Nomoddiy madaniy meros va folklor ijro san'ati an'analarli. O'quv qo'llanma. Toshkent. 2017.



лигини тадқиқ қилиш мақсадида ҳар томонлама, яъни этно-археологик, этно-фолклористик ва этно-социологик сафарларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбек деган буюк миллат ва юксак маданиятли халқимизни қанча ўргансак ва билсак ҳам оз. Бунинг учун эса замонавий ва илфор илмий қарашлар ва ёндашувлар билан қуролланиб, ишга киришишимиз даркор.

А. Аширов

Узбекская этнология: достижения, проблемы и решения

В статье анализируются этапы развития этнологии в Узбекистане, основные исследовательские направления и научные проблемы, а также теоретико-методологические вопросы науки. Автор обосновывает историко-этнографическую ценность произведений Абу Райхана Беруни, Махмуда Кашгари и Захриддина Мухаммада Бабура, как важных источников в изучении истории узбекского народа. Помимо оценки отечественных исследований XX – начала XXI вв., в частности научных работ в области этногенеза и этнической истории узбекского народа, раскрыты проблемы современной науки и разработаны практические предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: этнос, этнология, этногенез, этническая история, узбеки, этнокультура, народ, нация, теория этноса, национальная идентичность, этнография, школа.

A. Ashirov

Uzbek Ethnology: Achievements, Problems and Solutions

The article analyzes the stages of the development of science to study the history of Uzbek nation in Uzbekistan, the main research areas and research problems, as well as theoretical and methodological areas of science. Studying the history of the Uzbek people, the author substantiates the value of the works of Abu Rayhan Beruni, Mahmud Kashghari and Zakhiriddin Muhammad Babur as historical and ethnographic sources. In addition to evaluating the studies in Uzbekistan in the 20th and early 21st centuries, in particular in the field of ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people, practical suggestions were made on important problems of modern science and their solutions.

Keywords: ethnos, ethnology, ethnogenesis, ethnic history, Uzbeks, ethnoculture, people, nation, ethnology theory, national identity, ethnography, school.



Файбулла Бобоёров

Миллий археология маркази

Фанлараро тадқиқотлар бўлими бошлиғи,
тариҳ фанлари доктори

Ўзбек давлатчилиги тарихи ва тангашунослик

Қадимги Турон, жумладан, ўзбек давлатчилиги тарихини ёритишда тангашунослик ўзига хос ўрин тутади. Айниқса, илк ўрта асрларда минтақада юз берган туб ўзгаришлар пул муносабатларида ҳам ўз аксини топган. Бу даврда кучли салтанатларга асос солган эфталийлар¹, ашиналийлар² билан бир вақтда Чоч, Ўт-пор, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон, Хоразм, Марв сингари воҳа ҳукмдорликлари – мулкликларнинг ҳар бири ўз тангаларини зарб қилгани яхши маълум. Асосан мис, қисман кумушдан ясалган тангаларда кўпинча уларнинг айнан қайси ҳоқимликка тегишли эканини билдирувчи жой номи, бошқарувчисининг исми ва унвони билан бирга ҳоқимият ва давлатчилик анъаналарини акс эттирувчи белгилар – тамға, ўқ-ёй, илоҳий тимсоллар, тахт тасвиirlари ўрин олганини кўриш мумкин.

Туронда танга бостириш анъанаси икки минг йилдан ортиқ ўтмишга эга. Турли қимматбаҳо металллар – мис, кумуш ва олтиндан танга ясаш ишлари илк бор милоддан олдинги III – II асрларда Бохтарда³, кейинчалик кушонийлар салтанати⁴ даврида йўлга қўйилган бўлиб, милод бошларидан Суғд ва Хоразмда, III – IV

¹ Эфталийлар – 420 – 565 йилларда Туронда ҳўкм сурниб, таянч ҳудуди Тўхористон (Бохтар) бўлган сулола; энг кучайган пайтларида Амударё – Сирдарё оралиги, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Хурсонни ўз ичига олган улкан ҳудудни бошқарганлар.

² Ашиналийлар – 552 – 744 йилларда Корея ярим оролидан Шарқий Европагача (Қора денизнинг шимоли, Шимолий Кавказ), Жанубий Сибир ва Мўғалистондан Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон ва Хурсонгача бўлган улкан кенглиқда ҳўкм сурган сулола; улар бошқарган сиёсий тузила иммий адабиётларда Турк ҳоқонлиги деб ҳам юритилиб, бошқарув маркази бир муддат Чоч (Тошкент) воҳасида бўлган.

³ Бохтар (эски юнончада Вактрыон) – Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тоҷикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларини ўз ичига олган тарихий-географик вилоят; илк ўрта асрларда Тўхористон деб атала бошлаган.

⁴ Кушонийлар – милоддан олдинги I – милодий III асрларда Амударё – Сирдарё оралиғи, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Хурсонни ўз ичига олган салтанатга асос солган сулола.

асрларда Чоч воҳасида ҳам бошланган⁵. Илк ўрта асрларда эса бирин-кетин Фарғона, Уструшона, Ўтрор ва Еттисувдаги сулолалар ўз тангаларини бостира бошлайдилар⁶. Бу давр тангаларининг мутлақ кўпчилигига сүғдий ёзув ўрин олган, қолган бир бўлгали эса, қадимги хоразм, бохтар, паҳлавий (ўрта форс) ва қадимги турк-рун ёзувидадир.

Тангаларни тарихий манба сифатида ўрганишнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, улар хитой, юнон, араб, форс ва бошқа тиллардаги ёзма манбаларда учраб, ушбу тилларга мослаштириб юборилган ва асли қандай бўлгани тушунарсиз бўлиб қолган туронлик ҳукмдорлар исм ва унвонларининг маҳаллий шаклини тикилаш имконини берса, иккинчидан, тангалардаги ёзув, тасвир ва турли белгилар орқали ўша давр маданияти бўйича муйайян тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Минтақамизнинг илк ўрта асрлар тангашунослиги анчадан бери қўйидаги тарихий-географик вилоятлар билан боғлиқлиқда ўрганилиб келмоқда: Суғд, Бухоро, Чоч, Хоразм, Тўхористон, Уструшона, Фарғона, Ўтрор, Еттисув. Ашиналийларнинг яқин йилларда аниқланган тангаларини ҳам шулар қаторига қўшсак, тегралар сони яна биттага ошади.

Туроннинг қадимги ва ўрта асрларга тегишли тангалари тарихшунослиги қарийб 150 йиллик ўтмишга эга. Айниқса, исломдан олдинги босқичлар илмий жиҳатдан ўрганила бошланган XIX аср учинчи чораги – XX аср аср бошларида тадқиқотчилар кўпроқ хитой, юнон, араб, форс тилларида ёзма манбаларга таяниб изланишлар олиб борган бўлсалар, ўтган асрнинг иккинчи чорагига келиб, минтақа тарихини археология ашёлари, жумладан, тангалар асосида ўрганиш ишлари йўлга қўйилади. Фарб олимлари ва россиялик бир қатор изланувчилар биринчилардан бўлиб, тангаларда ўрин олган от ва унвонларни ёзма манбаларда сақланиб қолган Самарқанд ҳукмдорлари билан тенглаштирган бўлсалар, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хоразм, Уструшона, Бухоро, Тўхористон, эфталий ҳукмдорларидан бир қанчасининг исмини топишга эришилди. Яқин йилларда олиб борган изланишларимиз сўнггида эса, ашиналийларнинг Чоч воҳасида бостирилган тангалари аниқланди⁷. Шу билан бирга, ашиналийлар билан боғлиқ Суғд, Фарғона, Тўхористон, Ўтрор тангаларидағи ёзувлар ўқиб чиқилиб, уларнинг тарихимиз манбаси сифатидаги ўрни таҳлил этилди⁸.

Юқорида тангаларни тарихий манба сифатида ўрганиш ишлари бир ярим аср бурун бошланганини айтиб ўтган эдик. Чунончи Фарб тадқиқотчиларидан А.У. Штикл (1971), В. Тизенгаузен (1880), Э. Друэн (1891) ва Аллот де Фю (1910) сүр-

⁵ Э. В. Ртвеладзе. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. 1. Ташкент. 2002. С. 8 – 19; Г. Бабаяров. Tamgas of early Medieval coins from Central Asian oases // Tamgas of Pre-Islamic Central Asia. Samarkand. 2019. Р. 333 – 335.

⁶ М. Е. Массон. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики // Труды САГУ. Ташкент. 1951. Вып. 23. С. 91–104; Л. С. Баратова. Некоторые аспекты товарно-денежных отношений Ферганы в древности и в раннем средневековье // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишиланган ҳалқаро илмий конференция материаллари. Тошкент – Марғилон. 2007. 43 – 50-бетлар.

⁷ Г. Бабаяров. Чач в эпоху Тюркского каганата (по нумизматическим данным) // Ўзбекистон тарихи маддий маданият ва ёзма манбаларда. Ташкент. 2005. С. 203 – 205.

⁸ Г. Бабаяров, А. Кубатин. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандского Согда // Тарих тафаккур. „Баркамол авлод“ йилига бағишиланган Республика тарихи олимларининг илмий ишлар тўплами. Бухоро. 2010. С. 2232; Г. Бабаяров, А. Кубатин. Монеты Оттара с изображением парного портрета // „Тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари“ мавзуидаги Республика VI илмий назарий конференциясининг материаллари. Тошкент. 2014. С. 70 – 75.



дий ёзувли тангаларни илм оламига танитган бўлсалар⁹, кейинчалик 1930-йиллардан бошлаб бу ишни россиялик олимлар давом эттиридилар. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар ўтган қарийб олтмиш-етмиш йил мобайнида Турон тангашунослиги бўйича кўпроқ рус ва рус тилли тадқиқотчилар шуғулланиб келганлар. Жумладан, Е.М. Массон, А.А. Фрейман, О.И. Смирнова, А.Н. Бернштам, В.А. Лившиц, С.К. Кабанов, Б.И. Вайнберг, Э.В. Зеймал, Р. Бурнашева, В.Н. Настич, А.И. Наймарк ва бошқалар сүфдий ёзувли тангалар бўйича дикқатга сазовор изланишлар олиб борганлар¹⁰. Улар орасида А.А. Фрейман Самарқанд, О.И. Смирнова ва В.А. Лившиц Суғд, Уструшона, Чоч ва Фарғона, С.К. Кабанов Нахшаб, А.Н. Бернштам ва В.Н. Настич Еттисув, Б.И. Вайнберг Хоразм ва Тўхористон, А.И. Наймарк Бухоро, Р. Бурнашева Тароз ва Ўтрор тангалари бўйича мутахассис сифатида танилдилар. Ушбу тадқиқотчиларнинг танга ёзувларини ёзма манбалар билан солиширишлари натижасида Амударё – Сирдарё оралифи ва унга туташ ўлкаларга тегишли тангаларда сүфдий ёзувда MLK' "ихшид", MR'Y "афшин", xwβ "ҳукмдор" каби сүфдий унвонлар ўрин олгани аниқланди¹¹.

О.И. Смирнованинг изланишлари кенг кўламлилиги билан ажралиб туриши ни урғулаган бўлардик. Тадқиқотчи Туроннинг сүфдий ёзувли барча тангаларини ўрганган бўлиб, Самарқанд тангаларида етти ҳукмдор исми ёзма манбаларда сақланганини аниқлаш билан бирга, Чоч тангаларида "тудун", Фарғона тангаларида "хоқон", "тутук" (аслида Ўтрор – F.B.), Суғд тангаларида эса "хоқон", "хотун" каби туркӣ унвонлар ўрин олганини биринчилардан бўлиб илм оламига танитди¹². Тадқиқотчи VI – VIII асрларда зарб қилинган тангаларнинг сезиларли бўлагини "сүфдий ёзувли қадимги турк тангалари гуруҳи" ташкил этиши, бу эса ўша давр ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда туркийлар фаол қатнашганидан дарак беришини уқдирган.

XX асрнинг учинчи чорагига келиб, юртимиизда ҳам бир қатор тангашунослар етишиб чиқиб, улар орасида Э.В. Ртвеладзе, Т.С. Эрназарова, А.А. Мусакаева ва Л.С. Баратовалар ўзбекистонлик тангашунослар сифатида танилганлар¹³. Тадқи-

⁹ J. F. Stickel. Partische feueranbetende Vassalenfürsten / Handbuch zur Morgenländischen Münzkunde, II. Wien. 1870. S. 93 – 96; Tiesenhausen W. Notice sur une Collection de monnaies orientales de M. le Comte S. Stroganoff. St.-Pbg., 1880; E. Droin. Les Monnaies Touraniens // RN, t. IX. Paris, 1891. P. 215 – 225; de la A. Fuye. Monnaies in certaines de la Sogdianeet des contresvoisines // RN, 4-me serie, 14. Paris. 1910.

¹⁰ М. Е. Массон. Монетные находки, зарегистрированные в Средней Азии в 1930 и 1931 гг. Ташкент. 1933; А. А. Фрейман. К имени согдийского ихшида Гурека // ВДИ, 1938, 3(4). С. 147 – 148; О. И. Смирнова. О трех согдийских монетах // ВДИ, 1939, 1(6). С. 116 – 120; А. Н. Бернштам. Тюргешские монеты // ТОВЭ, т. II. Ленинград. 1940. С. 105 – 111; В. А. Лившиц. О древней согдийской письменности Бухары // ВДИ, №1. Москва. 1954; С. К. Кабанов. Нахшебские монеты V – VI вв. // ВДИ. 1961. №1. С. 137 – 145; Б. И. Вайнберг. Монеты древнего Хорезма. Москва. 1977; Э. В. Зеймаль. Политическая история Трансоксианы по нумизматическим данным. Ленинград. 1978; Р. З. Бурнашева. Отрап. Отрапский оазис и Южный Казахстан. Нумизматические исследования по денежному делу южноказахстанских городов VII – XVII вв. Алма-Ата. 1989; А. И. Наймарк. К нумизматической истории Нахшеба // Археология Средней Азии. Ташкент. 1990. С. 66 – 68; В. Н. Настич. Монетные находки с городища Красная Речка (1978 – 1983 гг.) // Красная Речка и Бурана. Материалы и исследования Киргизской археологической экспедиции. Фрунзе. 1989.

¹¹ О. И. Смирнова. Очерки из истории Согда. Москва. 1970. С. 181.

¹² Очерки из истории Согда. С. 275 – 281; О.И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва. 1981. С. 423 – 428.

¹³ Э. В. Ртвеладзе, Ш. С. Ташходжаев. Об одной тюрко-согдийской монете с христианскими

қотлари алоҳида ажралиб турадиган Э.В. Ртвеладзе асосий эътиборни Чоч тангалари, хусусан, Қанғга (милоддан олдинги II – милодий III асрлар) қаратиш билан бирга, Суғд ва Тўхористон тангалари масаласига ҳам тўхталиб ўтгани кўзга ташланади. Унинг раҳбарлигига А.А. Мусакаева Бухоро ва Чоч тангалари мутахассиси бўлиб етишиб чиқсан бўлса¹⁴, Л.С. Баратова қадимги туркий тангалар бўйича олим сифатида танилди. Айниқса, у 1999 йили Германияда йирик мақола эълон қилиб, дунё олимларининг қадимги туркий тангалар билан танишиши учун катта имконият яратди¹⁵.

Турон тангалари бўйича XX – XXI аср бошларигача амалга оширилган изланишларни баҳолайдиган бўлсак, бу борада анчагина илмий ютуқлар қўлга киритилгани диққатга сазовордир. Шу билан бирга, кўплаб танга ёзувларининг қарийб бир аср давомида ўқилмасдан қолгани ёки уларнинг қайси ҳукмдорликка тегишилиги масаласи ечилмасдан келганини ҳам айтиб ўтиш керак бўлади. Шунингдек, айрим тангалар бўйича нотўғри талқинлар билдирилиб, мамлакатимиз тарихининг айрим даврларига нисбатан асоссиз тушунчалар келиб чиқсанини ҳам диққатдан қочириб бўлмайди.

Яқин йилларда Ўзбекистон тангашунослигига бир қатор ёш мутахассислар кириб келди. Улар орасида F. Бобоёров, А. Кубатин, В. Шагалов, А. Кузнецов ва А.Н. Горинларни кўрсатиб ўтиш мумкин¹⁶. Шунингдек, қўшни мамлакатларнинг айримларида ҳам бу борада мутахассислар етишиб чиқди. Масалан, қирғизистонлик А. Камишев ва В.Г. Кошевар томонидан Еттисув тангалари бўйича амалга оширилган изланишлар алоҳида ажралиб туради¹⁷. Шунингдек, суғдшунос П.Б. Лурье қадимги Турон тангалари бўйича бугунги кунда россиялик олимлар ишини давом эттираётган ягона тадқиқотчи эканини айтиб ўтиш зарур¹⁸.

символами // ВВ 35. Москва. 1973. С. 232 – 234; Т. С. Ерназарова. Денежное обращение Самарканда по нумизматическим данным (до IX в.) // Сб. "Афрасиаб", вып. III. Тошкент. 1974. С. 185 – 237; А. А. Мусакаева. Монета с изображением верблюда из коллекции Музея истории народов Узбекистана // Творческие наследия народов Средней Азии в памятниках искусства и архитектуры. Тошкент. 1985; L. Baratova. Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6.–10. Jh. N. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // Archalogische Mitteilungen aus Iran und Turan. Berlin. 1999. Band 31. S. 219 – 292.

¹⁴ А. А. Мусакаева. О денежном обращении Бухарского Согда (III в до н.э. – VIII вв. н.э.) // ОНУ, №9 – 11. 1997. С. 21 – 31; А. А. Мусакаева. Монета с изображением всадника / Археологические исследования в Узбекистане – 2003. Вып. 4. Ташкент. 2004. С. 126 – 128.

¹⁵ Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6.–10. Jh. N. Chr. S. 219 – 292; Л. С. Баратова. Византийско-согдийско-туркийский симбиоз на монетах Средней Азии // Second International Congress on Turkic Civilization, Bishkek, October 4 – 6, 2004. Bishkek. 2005. С. 415 – 422.

¹⁶ В. Д. Шагалов, А. В. Кузнецов. Каталог монет Чача III – VIII вв. Ташкент. 2006; Ф. Бобоёров. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. Тошкент. 2010. 1840-бетлар.; Г. Бабаяров, А. Кубатин. К вопросу Византийского влияния на иконографию монет Западно-Тюркского каганата // O'zbekiston tarixi. № 4. 2008. С. 3 – 10; G. Babayarov, A. Kubatin. Byzantine impact on the iconography of Western Turkic coinage // Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hung. Volume 66 (1). Budapest. 2013. P. 47 – 58; А. Горин. К вопросу о причинах возникновения подражательных чеканов ("варварских подражаний") // журнал "Общественные науки в Узбекистане". №3. 2008.

¹⁷ А. М. Камышев. Раннесредневековый монетный комплекс Семиречья. История возникновения денежных отношений на территории Кыргызстана. Бишкек. 2002; В. Г. Кошевар. Найдены монеты на территории Кыргызстана: от древности до средневековья // Вестник МИЦАИ. Вып. 12. Самарканд. 2010.

¹⁸ P. Lurje. Personal names in Sogdian texts in Iranisches Personennamenbuch 2. Mitteliranische



Илк ўрта асрлар тангаларининг тарихий манба сифатида ўрганилиши масаласида кўплаб ютуқлар қўлга киритилганига қарамай, бу соҳада бир қатор муаммолар борлигини ҳам айтиб ўтиш даркор. Биринчидан, айрим тадқиқотларни истисно қилсак, бу соҳа дунё, хусусан, Ғарб тарихшунослигида ўз ўрнини етарлича топгани йўқ. Минтақамизнинг исломдан олдинги тарихи бўйича Англия, АҚШ, Германия ва Францияда ўнлаб йирик мутахассислар етишиб чиққанига қарамай, уларнинг ишларида тангашунослик бўйича илмий янгиликлар ўз ифодасини деярли топмаган. Ҳолбуки, илк ўрта асрларда Туроннинг жанубий ҳудудлари ва унга тулаш тарихий ўлкалар – Шимолий Афғонистон, Хурросон ва Шимолий Ҳиндистонда зарб қилинган бохтари, паҳлавий (ўрта форс) ва қадимги ҳиндча ёзувли хионий (хун), эфталий ва ашиналийлар сулоласига тегишли юзлаб тангалар топилган бўлиб, XX аср илк чорагида бошланган бу анъана қарийб бир асрдан бери ўзлуксиз ўрганиб келинади. Бу борада юзлаб мақола ва ўнлаб теран асарлар чоп этилган¹⁹. Бироқ бундай ҳолатни минтақанинг сүфдий, хоразмий ва қадимги турк-рун ёзувли тангалари ўрганилиши борасида айтиш қийин. Тўғри, мустақилликдан олдин бундай тангаларни тўғридан-тўғри ўрганиш имконияти бўлмаган, шу боис ҳам, дунё тангашунослари бу масалада эътиборни жанубий ҳудудларга қаратган бўлишлари мумкин. Аммо бугунги кунга келиб аҳвол ўзгарди, чет эллик тадқиқотчиларнинг бу ерга келиб, илмий адабиётлар ва музейлардаги тангалар билан тўғридан-тўғри танишишлари баробарида археология қазишмаларида қатнашишлари учун йўл очилди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Суғд тангалари бўйича изланишлар олиб борган америкалик Р. Фрайдан бошқа²⁰, яқин йилларгача бу соҳага эътибор қаратган тадқиқотчи деярли йўқ эди. 1990-йилларда АҚШга кўчиб кетган, асли ўзбекистонлик А. Наймарк ушбу йўналишни бироз жонлантириди²¹. Айни ўша йилларда Германияга кўчган россиялик М. Фёдоров сүфдий ва туркий тангалар бўйича АҚШдаги “Numismatics of Central Asia” ва бошқа қатор журнallарда мақолалар чоп этди²². Бироқ сүфдий ёзувларни янгилиш ўқигани учун унинг тангалар ўқилиши ва тарихий изоҳлари борасидаги кўплаб талқинларига қўшилиб бўлмайди. Шунингдек, франциялик тарихчи Ф. Террининг қадимги туркий тангаларга оид мақоласида илк туркий тангалар сифатида Тургаш ҳоқонлиги²³ тангаларининг келтирилиши²⁴ илмий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Personennamen. 8. Wien: Verlag der Österreichischen Akademie der Wissenschaften. 2010.

¹⁹ R. Göbl. Dokumente zur Geschichte der iranischen Hunnen in Baktrien und Indien. Band I. Wiesbaden. 1967; J. Harmatta, B. A. Litvinsky. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // HCCA. Vol. 3. Paris. 1996. P. 367 – 401; H. Humbach. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute. New Series. Vol. 10. London. 1996. P. 247 – 251.

²⁰ R. Frye. Notes on the early coinage of Transoxiana // Numismatic Notes and Monographs. 1947; R. Frye Tarxun – Turxun and Central Asian history // Harvard Journal of Asiatic Studies. Vol. XIV. Cambridge. 1951. P. 105 – 129.

²¹ A. Naymark. Cristans in pre-Islamic Bukhara: Numismatic Evidence // Annual Centraş Eurasian Studies Conference. Abstract of Papers, 1994 – 1996. Bloomington. 1996. P. 11 – 13.

²² M. Fedorov. On Some Articles in the Resent Issues (Nos. V, VI, VII) of the Нумизматика Центральной Азии (Numismatics of Central Asia) // CAJ. No. 49. Wiesbaden. 2005. P. 175 – 203.

²³ Тургаш ҳоқонлиги – 699 – 766 йилларда ғарбий ашиналий ҳоқонлигида (568–740) ҳоқимиятини қўлга киритган сулола; пойтахти Суябда (Еттисув) бўлган.

²⁴ F. Thierry. Sur les monnaies des Türgesh // Coins, Art and Chronology. Ed. M. Alram and E. Deborah. Wien. 1999. P. 331–349; Thierry F. The Currency in the Turkish Khanates from the Turgish to the Great Uygor (9th Century) // TURKS. Vol. 2. Ankara. 2002. P. 751–762.



Кейинги йилларда япон сүфдшуноси Ё. Ютака ва унинг шогирди Ш. Хиранонинг Суғд тангаларига бағишиланган бир неча мақоласи нашр юзини кўрди²⁵. Шунингдек, англиялик бохтарий ва сүгдий ёзувлар билимдони Н. Симс-Вилямс томонидан нашр қилинган изланишларда Турон тангашунослигига ҳам бирмунча эътибор қаратилаётгани диққатни ўзига тортади. Хусусан, у бугунги кунда ўзбекистонлик тангашунослар томонидан қўлга киритилаётган илмий янгиликларни яқиндан кузатиб бориб, тангаларнинг ўқилиши бўйича ўз муносабатини билдираётганини айтиб ўтиш керак.

Мустақиллик йилларида ўзбек тангашунослиги ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Хусусан, 1990-йиллардан бугунги кунгача юзлаб мақола ва теран асарлар чоп этилиши бунга далил бўла олади²⁶. “Нумизматика Центральной Азии” номли журнал нашр қилиниб келаётгани ҳам диққатга сазовордир²⁷. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий банки тўпламида сақланаётган тангалар фиҳристи 4 жилда ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилинди²⁸. 2006 йили В. Шагалов ва А. Кузнецов томонидан “Каталог монет Чача III–VIII вв.” чоп этилди²⁹. F. Бобоёровнинг 2007 йили “Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate” номли тадқиқоти Анқара шаҳрида турк ва инглиз тилларида дунё юзини кўрди³⁰. Кўп йиллардан бери Бухоро тангалари бўйича изланишлар олиб бораётган А. Мусакаева 2013 йили “Туранские монеты III – VIII вв.” номли тадқиқотини эълон қилди³¹. Ушбу нашрларда асосан мамлакатимизда олиб бораётган археология қазишмалари натижасида топилган тангалар ўрин олиб, бир бўлаги эса, шахсий тўпламларда сақланаётган тангалардан иборатdir.

Каминанинг қарийб йигирма йиллик изланишлари натижасида ашиналийларнинг мамлакатимиз ва жаҳон тангашунослиги хабардор бўлмаган бир неча ўнлаб турдаги тангалари аниқланиб, илмий муомалага киритилди. Бугунги кунда асосан Тошкент, Фаргона, Сурхондарё вилоятларидаги исломдан олдинги даврларга тегишли шаҳарлар қолдиқларидан топилаётган юзлаб тангалар син-чиклаб ўрганилганда, уларнинг “хоқон”, “хотун”, “жабғу”, “жабғу-хоқон”, “тегин”, “тутук”, “тархон” каби ўнлаб туркий увонлар билан босилгани аниқланди. Ушбу тангаларнинг сезиларли бўлаги тўғридан-тўғри хоқонлик, бир бўлаги эса, хоқонлик билан алоқадор сулолалар томонидан бостирилган. Жумладан, VI–VIII асрларда Чоч (Тошкент) воҳасида бостирилган мис тангаларнинг каттагина бўлаги ғарбий ашиналий хоқонларга тегишли бўлиб, олд томонида қадимги туркларга хос қиёфадаги ҳукмидор тасвири ва тескари томонида сүгдий ёзувда зўyw

²⁵ Y. Yoshida. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related Problems // JA. Paris. 2003. No. 1–2 (291). P. 35–67; Sh. Hirano. Some Novel Pre-Islamic coins from Central Asia // Journal of The Oriental Numismatic Society (JONS). No. 226. London. 2016. P. 11 – 15.

²⁶ В. А. Лившиц, Э. В. Ртвеладзе. О монетных чеканах раннесредневекового Чача // У истоков древней культуры Ташкента. Ташкент. 1982. С. 181–187; Э. В. Ртвеладзе. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. 1. Ташкент. 2002; Э. В. Ртвеладзе. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). Ташкент. 2006.

²⁷ Нумизматика Центральной Азии. Вып. III. Ташкент, 1998; Нумизматика Центральной Азии. Вып. VII. Ташкент. 2004.

²⁸ Coins from collection of the National Bank of Uzbekistan. Catalogue of Antiqueand Medieval Coins of Central Asia. I–IV. Tashkent. 1999 – 2001.

²⁹ В. Д. Шагалов, А. В. Кузнецов. Каталог монет Чача III–VIII вв. Ташкент. 2006.

³⁰ G. Babayar. Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. Ankara. 2007.

³¹ А. А. Мусакаева. Туранские монеты III – VIII вв. Ташкент. 2013.



“жабғу”, срұw x'уn “жабғу-хоқон” каби хоқонлик билан боғлиқ үнвон ва васфлар, тұdwx'уn “Тарду хоқон”, ‘ұぐру ’şp’r’ sy(r)срұw x'уn “Елби Ишбара жабғу-хоқон”, ۋы twn срұw x'уn “Илохий Тұн жабғу-хоқон” сингари ҳұмддорлар отлари ва хоқонликнинг этносиесий номи сифатида twrkx'уn “Түрк-хоқон” ибораси учраши ушбу таңгаларнинг айнан хоқонликка тегишли таңгалар бўлганидан дарак беради³².

Яқин йилларгача кўпчилик тадқиқотларда VI–VIII асрларга тааллуқли таңгаларнинг бир бўлгини “Қадимги түрк таңгалари” гурҳи ташкил қилиши таъкидланса-да³³, уларнинг қайси ҳұмдорр ёки сулолаларга тегишлилиги масаласи ҳал қилинмаган, ҳатто, “хоқонлик таңга зарб қилдирганим ёки йўқми” мазмундаги фикр деярли ўртага ташланмаган, кўпчилик тадқиқотчилар орасида илк туркий таңгалар Турғаш хоқонлиги томонидан бостирилган деган қараш ўрнашиб қолганини³⁴ ургулаш лозим.

Илк ўрта асрлар ўзбек таңгашунослигининг яна бир катта ютуғи – бу Фарғонада қадимги түрк-рун ёзувли таңгаларнинг аниқланишидир. Бир томонида қадимги түркларга хос ҳұмдor тасвири ва үннинг ёнида түрк-рун ёзувида qğп “хоқон” үнвони, тескари томонида эса, сүғдий ёзувда .. x'уn pny “... хоқоннинг пули” сўzlари ўрин олган ушбу таңгалар ашиналийлар сулоласининг бир тармоғи бўлмиша Фарғона ашина сулоласи³⁵ томонидан зарб қилинган бўлиб чиқди³⁶. Муҳими шундаки, қадимги түркий ёзувли таңгалар шу пайтгача на Ўрхун водийси (Мўғалистон), на Олтой ва Еттисувда топилган бўлиб, бундай таңгаларнинг айнан Фарғона водийсида бостирилганининг аниқланиши дунё туркшунослиги учун катта янгилик бўлди. Шу тариқа, минтақамизда топилаётган қадимги түрк-рун ёзувли сопол битикларининг сезиларли бўлгаги Фарғона водийсига тўғри келиши³⁷ бежиз эмаслиги ўз тасдиғини топди.

Яқин йилларда аниқланиб, илмий мумомалага киритилган таңгалар қаторига VI – VIII асрларда Самарқандда зарб қилдирилган twrnyn x'уn “Түрон ҳұмдори”, twrnyn xwβ x'уn “Түрон ҳұмдори” үнвонли таңгаларни ҳам киритиш мумкин³⁸. Ўнг томонида қадимги түркларга хос узун сочли ҳұмдор тасвири, тескари томонида эса, исломдан олдинги Самарқанд ҳұмдорларига тегишли 3 кўринишидағи тамға ва ёзув ўрин олган ушбу таңгаларнинг илк нусхалари аллақачон топилиб, илм аҳлига танитилган бўлса-да, улардаги сүғдий ёзув турлича ўқилган³⁹ ва бу таңгаларнинг хоқонлик билан боғлиқлиги тўғрисида бир оғиз сўз айтилмаган эди.

³² Г. Бабаяров. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). Ташкент. 2007. С. 9 – 24.

³³ Сводный каталог согдийских монет. Бронза. С. 5, 14, 59; Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6.–10. Jh. N. Chr. S. 281 – 283.

³⁴ H. Salman. Türgüler. Ankara. 1998. S. 131; F. Thierry. The Currency in the Turkish Khanates from the Turgish to the Great Uygur (9th Century) // TURKS. Vol. 2. Ankara. 2002. P. 751 – 762.

³⁵ Фарғона ашина сулоласи — келиб чиқиши ашиналийларга туташ, 630 – 760 йилларда Фарғона водийсида ҳұмронлик қилган сиёсий куч.

³⁶ G. Babayev. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul. 2008. S. 135 – 146; F. Бобоев. Фарбий Турк хоқонлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир // “O’zbekiston tarixi” журнали. №3. 2019. 3 – 19-бетлар.

³⁷ Э. Асанов. Палеография рунических надписей Узбекистана // Türkoloji Üzerine Araştırmalar. Sayı 8, 2013. S. 84 – 94.

³⁸ F. Бобоев. “Түрон ҳұмдори хоқон” үнвонли Самарқанд таңгалари (илк ўрта асрлар) // “O’zbekiston tarixi” журнали. №4. 2018. 3 – 15-бетлар.

³⁹ Сводный каталог согдийских монет. Бронза. С. 21 – 22, 96 – 97.

Ўзбекистон тангашунослигига қўлга киритилган ютуқлардан яна бир мустақиллик йилларига тўғри келиб, қарийб бир асрдан бери ёзувлари тўлиқ ўқилмасдан қайси сулолага оидлиги аниқланмай келаётган Чоч тангаларидан сезиларли бир бўлагининг Чоч тегинлари⁴⁰ томонидан бостирилганинг исботланиши бўлди. Ушбу тангаларда ўнг томонида қадимги туркларга хос узун сочли, думалоқ юзли, бироз қисиқ қўзли ҳукмдор тасвири, тескари томонида сулолавий тамға ва унинг теграсида руу с'сунъ *xw̄b tk'*ун “Чоч ҳукмдори тегиннинг пули” жумласи ўрин олган⁴¹. Шу тариқа хитой йилномаларида Ши-го ван Деле (“Чоч давлати ҳукмдори тегин”) шаклида учраб⁴², 605–750 йиллар орасида воҳани бошқарган сулола номи Чоч тегинлари бўлгани ва улар ўз тангаларини зарб қилгани аён бўлди.

Тангашунослигимизда ютуқлар билан бирга қатор муаммолар ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Биринчидан, бу соҳада изланишлар олиб борувчи ёш мутахассислар анча камчиликни ташкил этса, иккинчидан, жаҳон тангашуносларининг бу соҳага жиддий эътибор бермаслигидир. Мисол учун, бугунги кунда юзлаб нусхалари топилаётган хоразм тангалари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар деярли йўқ. Шунингдек, миллый тўпловчилар томонидан турли йўллар билан йиғилаётган тангаларнинг қўпи чет эллик тўпловчилар қўлига бориб тушаётгани ularни тарихимизнинг қўмматли ва зарур манбаси сифатида ўрганиш имкониятини қийинлаштироқда.

Маълумки, тангаларда ўрин олган ҳар бир ёзув, тасвир, белги ва бошқалар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий турмушки – тарихий воқеиликлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Янги тангалар топилиши ва улардаги ёзувнинг тўлақонли ўқиб чиқилиши эса, шу пайтгача қоронғу бўлиб қолаётган масала ва мавзуларни ёритишга хизмат қилиши керак. Бироқ мамлакатимиз ўтмиши билан шуғуланаётган изланувчиларнинг кўпчилиги тангашунослар томонидан қўлга киритилаётган илмий янгиликлардан етарлича хабардор эмас ёки улардан манба сифатида фойдаланишга унчалик ошиқмайди. Бу ҳолат илк ўрта асрлар тарихи, хусусан, эфталий ва ашиналийлар тарихига доир, шунингдек, Чоч, Фарғона, Суғд, Тўхористон ва шунга ўхшаш воҳалар бошқаруви тарихи бўйича изланишлар олиб бораётган кўпчилик тадқиқотчиларнинг ишларида кўзга ташланади. Шу билан бирга, айrim илмий нашрларда бир вақтлар янгиш ўқилиб, нотўғри талқин қилинган тангашунослик маълумотларидан фойдаланиш билан чекланиш, улар бўйича яқин йилларда билдирилган фикрларни инобатга олмаслик, “обрўли” мутахассисларнинг қарашларига боғланниб қолиш каби ҳолатлар давом этаётгани каби ҳолатлар миллый тангашунослик мактабининг муаммо ва камчиликлари сирасидандир.

⁴⁰ Чоч тегинлари – келиб чиқиши ашиналийларга туташ, 605 – 750 йилларда Тошкент воҳасида ҳукмронлик қилган сиёсий куч.

⁴¹ Древнетюркские монеты Чаского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). С. 52 – 63; Г. Бабаяров, А. Кубатин. К монетам Часких правителей тегинов // O'zbekiston moddiy madaniyati tarixi. №35. Сармаркан. 2006. С. 194 – 198.

⁴² Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том II. Москва-Ленинград. 1950. С. 313; E. Chavannes Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. Санкт-Петербург. 1903. Р. 141; E. Chavannes Notes additionnelles sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // T'oung Pao. Leide. 1904. Serie II. Vol. II. Р. 67, 69 – 70, 74.



1-расм. Фарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ “жабғы” (1), “хоқон” (Чоч: 2 – 4; Фарғона: 7 – 9; Самарқанд: 10 – 12; Ўтрапор: 13 – 15; Тўхористон: 17) ва “тегин” (5 – 6) тангалар



Г. Бабаяров

История узбекской государственности и нумизматика

Туран, в частности, его исторические регионы, как Северный Хорасан, Северный Афганистан, междуречье Амударья–Сырдарьи, средний бассейн Сырдарьи и Семиречье, где издревле проживали земледельческие этносы, известны не только как территории с развитой городской культурой и многовековыми традициями государственности, но и в качестве государства, где начался первый чекан местных монет, занимающий своеобразное место в истории цивилизации региона.

Ключевые слова: узбекская государственность, Туран, монета, раннее средневековье, Амударья, Сырдарья, оазисные владения, государственность, династия, тамги, символ, титул, древние тюрки, согдийский.

G.Babayarov

History of Uzbek Statehood and Numismatics

Turan, in particular, its parts such as Northern Khorasan, Northern Afghanistan, the land between the Amudarya and the Syrdarya, central basin of the Syrdarya and Semireche where settled people had lived since ancient times were not only known as territories of well-developed urban culture and statehood traditions, but also famous as regions where first local coins were minted that occupies a prominent position in the history of the regional civilization.

Keywords: Uzbek statehood, Turan, coins, early Middle Ages, the Amudarya, the Syrdarya, oasis domains, statehood, dynasty, tamgha signs, symbol, title, Old Turks, Sogdian.



Дилмурод Нормуродов

Тарих институти катта илмий ходими,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент воҳаси қадимги ва ўрта асрларда

Тангритоғнинг ғарбий тизмаларидан Сирдарёнинг ўрта оқими ўнг соҳилгача бўлган каттагина ҳудуддан иборат Тошкент воҳасининг ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрни бор. Унинг асосий бўллагини шарқда Угом, Пском, Чотқол ва Қурама тоғларидағи сойлардан бошланиб, ғарбга қараб оқадиган Чирчиқ ва Оҳангарон дарёси ҳавзалари эгаллаган бўлиб, жанубидаги кичик текислик қисми Сирдарёдан сув олади.

Ўлканинг қулай ўрни, иқлим шароити, серсув дарёлари, ўсимлилар ва ҳайвонот олами, маъданлари, ҳарбий ва савдо йўллари кесишмасида жойлашгани эскидан кишиларни ўзига тортиб келган. Шу йўсинда, узоқ йиллар ичida бу ерда ўзига хос бой маданият яратиб борилган. Ҳудудда аниқланган 855 та археология ёдгорлиги бунинг тасдиғидир¹.

Тошкент воҳасининг илк одамлари ҳақидаги маълумотлар тош даврига тақалади. Демак, уни ўзлаштириш жараёнининг боши ҳам мазкур босқич билан боғлиқ. Кўлбулоқ, Қизиломасой, Палтоу, Обираҳмат, Оқтош, Бўзсув, Хўжакент, Фиштсой, Жарсой каби маконлар² фикримиз далил-

¹ Д.Р. Нормуродов. Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи (милоддан олдинги XIII – милодий XIII аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациянинг I иловаси. Тошкент. 2020.

² М.Р. Касымов. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана (по материалам многослойной палеолитической стоянки Кульбулак): Автореферат диссертации на соискание доктора исторических наук. Новосибирск. 1990. С. 39 – 49; М. Ҳужаназаров. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая. Самарқанд. 1995. С. 7; А.П. Деревянко, У.И. Исламов, А.И. Кришошапкин, К.А. Колобова, Д. Фляс. Страницы истории древней культуры Узбекистана // Тошкент шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тараққиётida туттган ўрни. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлинган ҳалқaro илмий конференция материалы. Тошкент. 2009. С. 7 – 16.

ларидир. Улардан Кўлбулоқ 300 000 йиллик тарихга эга бўлиб³, бу бундан шунча йиллар олдин ўлкада одамлар яшаганини кўрсатади. Улар олдинига совуқ ва йиртқичлардан сақланиш учун қулай бўлган жойларда ҳайвонларни овлаб, ўсимликлар меваси ва илдизларини териб, еб кун кечирган бўлсалар, кейинчалик шох-шаббалардан бошпаналар қурғанлар. Шунингдек, ҳайвонларни қўлга ўргатиб, ўсимликларни маданийлаштира бошланлар.

Жез давридан⁴ Тошкент воҳасининг серўт яйловларида чорвадорлар яшаб, чорва молларини урчита бошлаганлар, илк деҳқончиликка асос солиб, уй ҳунармадчилигини ривожлантирганлар. Андроново маданиятига хос бундай хўжалик турини юритган аҳоли вакилларининг тош ва тупроқ ўюмларидан қилинган қабр-қўрғонлари Чирчиқ дарёсининг ирмоқлари бўйида, Обираҳмат, Бурчмулла қишлоқларида, Искандар шаҳарасида, Тўйтепа (ҳозирги Нурафшон шаҳри) яқинидаги қабристонда, аҳоли масканлари ашёлари Тошкент ариғи бўйларида, Туябўғиз сув омбори⁵ худудидағи манзилгоҳда, Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилидаги Қуюн ёдгорлигида топиб ўрганилган⁶. Ўлка тоғлари, айниқса, Қурама тоғининг хилма-хил ва бой маъданлари ўша давр аҳлини ўзига жалб қилган ва шу тариқа конлар ўзлаштирила бошлаганини⁷ такидлаб ўтиш керак. Улар жез даврининг охирлари ва илк Темир давридан⁸ ўтроқ маданий турмуш тарзига ўтгандар⁹. Бунга Евроосиёда иқлим совиб, қурғоқчиликнинг кучайиши натижасида содир бўлган маданиятлар алмашиши ёки ўзгариши жараёнлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган¹⁰. Натижада, воҳа бобо деҳқонларининг Бургулик маданияти туғилган.

Ярим ертўла шаклдаги турар-жойлари, калта жўмракли, таги айланга кўринишдаги сопол идишлари билан ажralиб турувчи Бургулик маданиятининг номланиши мазкур ёдгорлик топилган Бургуликсои¹¹ билан боғ-

³ А.П. Деревянко. Три глобальных миграций человека в Евразии. Том II. Новосибирск. 2017. С. 430 – 431.

⁴ Жез даври — милоддан олдинги II – I мингийилликларга тўғри келадиган, меҳнат қуролларини жездан ясашга ўтилган тарихий босқич.

⁵ Туябўғиз сув омбори (Тошкент денгизи) — 1962 йили Тошкент вилоятининг Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида барпо этилган сув иншооти.

⁶ Х. Дуке. Новая стоянка эпохи бронзы в Ташкентской области // журнал "История материальной культуры Узбекистана". Вып. 15. Ташкент. 1979. С. 44; А.И. Теренохкин. Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса // Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент. 1979. С. 10 – 16; Тошкент воҳасининг қадимиги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи (милоддан олдинги XIII – милодий XIII аср бошлари). 57-бет.

⁷ Ю.Ф. Буряков. Горное дело и металлургия средневекового Илака. Москва. 1974. С. 43 – 44, 54, 56, 87, 112.

⁸ Темир даври — милоддан олдинги IX – VII асрларда бошланган, меҳнат қуролларини төмрдан ясашга ўтилган тарихий босқич.

⁹ Тошкент воҳасининг қадимиги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи. 57-бет.

¹⁰ Б.И. Вайнберг. Этногеография Туркана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. Москва. 1999. С. 20 – 36.

¹¹ Бургуликсои (Бурганилсой) — Тошкент шаҳардан 30 км жанубда, Ўрта Чирчиқ туманида



лиқдир¹². Бу маданиятга оид дәхқонларнинг қишлоқлари милоддан олдинги XIII – IX асрларда Бургаликской атрофлари ва Қуюнда¹³ пайдо бўлган¹⁴ ҳамда Тошкент ўлкасига сүғдликлар маданияти кириб келгунигача бўлган давр – милоддан олдинги VIII – IV асрларда Қовунчитета¹⁵, Шоштепа¹⁶, Қанқа¹⁷, Қулоқчинтепа¹⁸, Ниёзбоштепа¹⁹ каби жойларга тарқаган²⁰.

Бургалик маданиятига оид қишлоқлардаги уй-жойлар одатда қишик – асосий бўлгаги бир хонали бўлган тўғри тўртбурчак, тухумсимон, кам ҳолларда айланана шаклида ярим ертўла ва ёзги – чайла (капа) туридаги енгил синчли қилиб қурилган²¹. Ертўла уйларнинг ичкарисида супа, айланана, тухумсимон ёки тўртбурчаксимон (чуқурлиги 150 см.гача, диаметри 80 – 130 см.гача) шаклдаги хўжалик ўралари бўлган.

Бургалик маданияти эгалари дәхқончиликда дастлаб содда суғориш усулидан фойдаланиб, экин далалари дарё ёқасидаги сойларнинг этагидаги ёмғир сувидан қўлтиқ усулида суғориш учун қулай бўлган ерларда²² жойлашган. Шунингдек, лалмикор дәхқончилик ҳам қилинган. Дәхқонлар асосан бошоқли дон экканлар. Буни Қуюндан топилган буғдой қолдиғи ва донларни майдалашда ишлатиладиган ёрғуchoқ тошлари ҳам тасдиқлайди²³.

Бургалик аҳолиси хонаки чорвачилик билан ҳам шуғулланган. Чорва моллари воҳзанинг кенг даштлари, қир-адирлари, тоғ ва тоғ олди ҳудудидаги яйловларда боқилган. Тадқиқотларда топилган ҳайвон суклари қолдиқларига қараганда, кичик ва йирик түёқли ҳайвонлар, кўпроқ қўй, эчки, қорамол, от каби уй ҳайвонлари боқилган²⁴.

жойлашган, айни пайтда Туябўғиз сув омборининг остида қолиб кетган сой.

¹² Х. Дуке. Туябўғизские поселения бурглюкской культуры. Ташкент. 1982. С. 95.

¹³ Қуюн — Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғида, Оҳангарон туманинг Қуюн қишлоғидан фарбда жойлашган археология ёдгорлиги.

¹⁴ Х. Дуке, С. Баратов. Бурглуқ маданияти // Тошкент воҳаси археологияси. Тошкент. 2009. 11 – 13 бетлар.

¹⁵ Қовунчитета — Янгийўл шаҳрида жойлашган археология ёдгорлиги.

¹⁶ Шоштепа — Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги Чоштепа кўчасида жойлашган археологик ёдгорлики.

¹⁷ Қанқа — Тошкент вилоятининг Оққўрон туманида жойлашган археология ёдгорлиги.

¹⁸ Қулоқчинтепа — Чирчик дарёсининг ўнг қирғоғида, Қибрай туманинг Оққовоқ маҳалласида жойлашган археология ёдгорлиги.

¹⁹ Ниёзбоштепа (Нишбоштепа) — Чирчик дарёсининг ўнг қирғоғида, Янгийўл шаҳрининг Ниёзбоши қишлоғида жойлашган археология ёдгорлиги.

²⁰ Древняя и средневековая культура Чача. С. 17 – 23, 39 – 51; Туябўғизские поселения бурглюкской культуры; М.И. Филанович. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Тошкент. 2010. С. 125.

²¹ Туябўғизские поселения бурглюкской культуры. С. 39.

²² Ёғингарчиллик мавсумида дарё ёқасидаги сув босадиган ерлар.

²³ Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври маддий маданияти тарихи. 60-бет.

²⁴ Ю.Ф. Буряков, Г.А. Кошеленко. Ташкентский оазис. Бургаликюкская культура // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии // Археология СССР. Москва. 1985. С. 199; Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври маддий маданияти тарихи. 60-бет.

Бургулик маданияти вакиллари орасида ҳунармандчилик кулолчилик, металсозлик, тўқимачилик ҳамда тош ва сүйкка ишлов бериш муҳим ўрин тутганини ургулаш лозим²⁵. Мазкур турлардаги ишлаб чиқариш соҳалар бўйича ихтисослашмаган бўлса-да, уй шароитида ривожланган²⁶. Бу эса, ўз ўрнида, дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатиб, майда ва катта туёқли уй ҳайвонларини парваришлаш, уларнинг гўшти ва сутидан озуқа, жуни ва терисидан кийим-бош сифатида фойдаланиш, ҳунармандчилик маҳсулотларини ўзаро айирбошлишга олиб келган. Бундай манфаатли алоқалар томонларнинг хўжалик ҳаётида ги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилгани табиий, албатта.

Шу ўринда, Бургулик маданият вакиллари кимлар бўлгани тўғрисида ги айрим фикрларни ўртага ташлаш жоиз. “Авесто”нинг “Яшт”ида “данай (Яксарт – Сирдарё) турлари”, яъни саклар эслатиб ўтилади²⁷. Шунингдек, Тошкент ўлкаси аҳолиси саклар – сакатиграхауда ва сакахаумаваргалар ҳақида милоддан олдинги VI асрларга оид Беҳистун²⁸, Персопол²⁹, Нақши Рустам³⁰ қоятош битикларида маълумотлар учрайди³¹. Ҳахоманишлар³² даври ёзма манбаларида келтирилган “суғдорти саклари” Тошкент воҳаларида яшаган кўриниади. Агар Бургулик маданияти даври милоддан олдинги XIII – IV асрларга тўғри келиши инобатга олинадиган бўлса, ўлкада тарқалган ушбу маданият вакиллари “Авесто”да қайд этилган “данай турлари” ва ҳахоманишлар даври ёзма манбаларида келтирилган “суғдорти саклари” эканига асос бўлади. Херодот³³, Страбон³⁴, Птолемей³⁵, Плиний³⁶ асарларида Яксарт (Сирдарё) ортидаги сакларнинг суғдийларга қўшни бўлгани ҳақида маълумотлар ҳам фикримизни тасдиқлайди.

²⁵ Тяубугузские поселения бурглюкской культуры. С. 44, 51 – 54, 57 – 73, 85; Горное дело и металлургия средневекового Илака. С. 98, 100; Древняя и средневековая культура Чача. С. 45; Древности Тяубугуза. Ташкент. 1978. С. 63, 69; Ташкентский оазис. Бурглюкская культура // Древнейшие государства Средней Азии и Кавказа. С. 199; Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи. 63-бет.

²⁶ Тяубугузские поселения бурглюкской культуры. С. 57 – 73.

²⁷ В.И. Абаев. Скифский быт и реформа Зороастра // журнал “Археологические открытия”. 1956. №1. 1957. С. 44 – 45.

²⁸ Беҳистун қоятош битиклари — Эроннинг Кирмон шаҳридан шарқдаги қоятошга ўйиб ёзилган маълумотлар.

²⁹ Персопол қоятош битиклари — Эроннинг Шероз шаҳридан 50 км шимоли-шарқдаги қоятошга ўйиб ёзилган маълумотлар.

³⁰ Нақши Рустам — Персополдан 6 километр шимолда жойлашган археология мажмуаси.

³¹ М.А. Дандамаев. Иран при первых Ахеменидах. Москва. 1963. С. 262 – 269; Ў.И. Илҳомов, М.Хўжаназаров. Қадимги форс битиктошлари // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 1-жилд. Тошкент. 2014. 151-бет.

³² Ҳахоманишлар — милоддан олдинги 558 – 330 йилларда Эронни бошқарган, кишилик тарихидаги илк салатантга асос солган сулола.

³³ Херодот. Истории и девяты книгах // перевод и примечания Г.А. Стратановского. Кн. VII. Ленинград. 1972. С. 64.

³⁴ Страбон. География. В 17 книгах. Кн. XI. VIII. 8. Москва. 1964. С. 478, 483.

³⁵ Древние авторы о Средней Азии (VI до н. э. – III в. н. э.). Ташкент. 1940. С. 125 – 130, 333.

³⁶ Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). Бешкек. 2004. С. 15 – 17, 22.



Ёзма манбалар ва археология ашёларининг таҳлилига кўра, Туронга юриш қилган Куруш II³⁷ ва Дорийуш I³⁸ ҳам, Александр³⁹ ҳам сак қабилалари юрти – Тошкент воҳасига бостириб киришга журъат этолмаганлар. Чунки қадимги тошкентликлар ёй билан жанг қилишда дунёдаги энг моҳир мерғанлар бўлиб, ўқни беҳуда отмаганлар⁴⁰. Улар Александрга қарши жанг қилиб катта талафотлар кўрган Спитаменга⁴¹ иттифоқчи бўлганлар⁴². Ўша кезлари сакларнинг Тошкент воҳасида ўз давлат ўюшмалари бўлганини улар элчиларининг Александр ҳузурига жўнатилгани ҳақидаги маълумот ҳам тасдиқлади⁴³.

Тошкент воҳасида милоддан олдинги IV асрнинг охири – III аср бошлирида суғд шаҳарсозлиги таъсирида 6,5 гектар (240м×280м) майдони ички даҳлиз ва ташки буржлардан иборат, мустаҳкам пойdevорли мудофаа девори билан ўраб олинган илк шаҳар – Қанқа шаклланган⁴⁴. Шаҳар арк ва шаҳристонга бўлинган. Уларнинг ҳар бири алоҳида девор ҳамда хандақлар билан ўралган бўлиб, шаҳарга жануби-ғарбдаги дарвозадан кирилган⁴⁵. Бу шаҳардан топилган маданий қатлам қолдиқлари эллинизм⁴⁶ даври маданияти билан суғдий шаҳарсозлик услубларининг қоришувини кўрсатгани туфайли уни “Яксарт орти Антиохияси”⁴⁷ билан боғлашга асос бўлган⁴⁸.

³⁷ Куруш II – милоддан олдинги 558 – 530 йилларда ҳахоманишлар сулоласи етакчиси.

³⁸ Дорийуш I – милоддан олдинги 522 – 486 йилларда ҳахоманишлар сулоласи етакчиси.

³⁹ Александр – македониялик давлат ва ҳарбий арбоб; милоддан олдинги 329 – 327 йилларда Туронга ўюнтирилган босқинчилик юришларига бош бўлган.

⁴⁰ Д.А. Алимова, М.И. Филанович. Тошкент тарихи (қадим даврлардан бугунги кунгача). Тошкент. 2009. 9-бет.

⁴¹ Спитамен – милоддан олдинги 329 – 328 йилларда Туронга бостириб кирган Александрга қарши кураш етакчиси.

⁴² Тошкент тарихи (қадим даврлардан бугунги кунгача). 13-бет.

⁴³ А.М. Отажӯжаев. Антик ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Тошкент. 2016. 14 – 15-бетлар.

⁴⁴ Ю.Ф. Буряков. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент. 1982. С. 104.

⁴⁵ К. Абдуллаев. Археологическое изучение городища Канка (средневековый Харашкет) // Тезисы докладов сессии, посвященной итогам полевых исследований 1972 года в СССР. Ташкент. 1973. С. 133; Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 103.

⁴⁶ Эллинизм – Македония, Юнонистон, Ўрта денгизнинг шарқий соҳиллари, Ғарбий Осиё, Қора денгиз атрофларидағи мамлакатларнинг Александр ўлимидан (милоддан олдинги 323 йил) милоддан олдинги 30 йилда Миср Рим қўшинлари томонидан ишғол этилган пайтгача ўтган тарихий даври.

⁴⁷ “Яксарт орти Антиохияси” – милоддан олдинги III асрда Сирдарёнинг ўнг қирғофида қурилган шаҳар.

⁴⁸ Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 103 – 106; Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Ташкент. 1990. С. 16 – 32; М. Исомиддинов, К. Рапен. Городище Коктепа и некоторые вопросы ранней урбанизации Самаркандинского Согда // Средняя Азия: археология, история, культура. Москва. 2000. С. 204; Г.И. Богомолов. Городская культура Ташкентского оазиса (античность и раннее средневековье) // “O’zbekiston tarixi” журнали. №2. 2008. 29-бет.

Минтақадаги табиий ва ер қобиғидаги ўзгаришлар милоддан олдинги III асрда Сирдарё қуий оқимидағи янги шимолий ўзанни ҳосил қилган⁴⁹. Эски сув ўзани қуриб қолгани оқибатида Чирикрабод маданияти⁵⁰ вакиллари – дахлар⁵¹ Сирдарёнингюқори оқими бўйлаб ҳаракатланиб, уларнинг бир бўлаги милоддан олдинги II асрда Тошкент воҳасига келиб ўрнашган, маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетиб, милоддан олдинги II асрдан – ми-лодий VI асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр билан чегараланган Қовунч маданиятини⁵² шакллантирган⁵³.

Қовунч маданияти даврида Тошкент ўлкасида шаҳар ва қишлоқларнинг сони жадал ўсган. Буни исботловчи 100 дан ортиқ археология ёдгорлиги аниқланган бўлиб, улардан 13 таси шаҳар ва үнга тенглаштирилган марказлар саналади⁵⁴.

Қовунч маданияти вакиллари бутун Тошкент воҳаси бўйлаб тарқалган эдилар. Текисликлардан тортиб, баланд тоғликарга қадар яшаган аҳоли турли атроф-муҳит шароитларга мослашган янги этномаданий турни яратади. Бу жиҳатлар ўзбек халқининг асосий этномаданий хусусиятлари сифатида XIX – XX асрнча сақланиб келгани ҳам маълум. Яъни шаҳар ва қишлоқларда ўтроқ ҳамда кўчманчи ҳаёт тарзида яшаган аҳоли бир вақтда ҳам чорвачилик, ҳам дехқончилик билан шуғулланган. Чорва молларининг асосий қисми воҳа ning тоғ ва тоғолди яйловларида боқилган. Тоғ олдиғаги дарё ўзанлари яқинлари ва текисликларда сунъий сүформа дехқончиликка ўтилган. Ҳунармандчиликнинг куялчилик, металчилик, заргарчилик, тошйўнарлик, терига ишлов бериш каби соҳалари ихтисослашиб борган.

Қовунч маданияти даврида ўлқадаги кенг кўламли тараққиёт давлатчилик муносабатлари ривожига қаттиқ туртки бўлгани табиий. Буни мустақил пул муомаласи хўжалиги таркиб топиб, II асрдан муомалада юра бошлагани ҳам кўрсатади. Тангаларнинг олд томонига – ҳукмдорнинг бош қисми, орқасига – тамға ва ҳукмдорнинг оти туширилган⁵⁵. Чоч тангалари ҳудудлараро савдода ҳам муомалада бўлган.

Қовунч маданияти даврида марҳумлар соз тупроқли ва тош ўюмли

⁴⁹ Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. 360 с.

⁵⁰ Чирикрабод маданияти – милоддан олдинги IV – II асрларда Сирдарёнинг қуий оқими ўзанларининг жанубий қисмларида, айланы ичидаги иншоот қуриш анъанаси тарқалган маданияти.

⁵¹ Даҳлар – Сирдарёнинг қуий оқимидағи Оқчадарё, Инкадарё, Қувондарё каби қадимий ўзанлар бўйлаб дехқончилик билан шуғулланган аҳоли.

⁵² Қовунч маданияти – милоддан олдинги II – ми-лодий VI аср бошларида Тошкент воҳасида, сопол идишларнинг тутқичини асосан шоҳдор бошли кўчкор қиёфасида ясаш анъанаси тарқалган маданияти.

⁵³ Г.В. Григорьев. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. Ташкент, 1935; Г.В. Григорьев. Каунчитепа (раскопки 1935 г.). Ташкент. 1940. С. 3 – 40.

⁵⁴ Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 70, 109.

⁵⁵ Э.В. Ртвеладзе. К ранней истории Чача (Новые нумизматические и эпиграфические источники) // журнал "Общественные науки в Узбекистане". № 4. 2008. С. 71 – 73.



“ѓўрхона”⁵⁶ тузилишидаги қабр қўрғонларига якка, қўш ва гуруҳ қилиб, чалқанча ёки ёнбошлатиб кўмилган. Бу даврда эътиқодий ўзгаришлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Шоштепадан милоддан олдинги II асрларга оид, хом ғишт ва пахсадан қурилган айлана ва унинг ичидағи хоч кўринишидаги ибодатхона топилган. Кейинчалик ибодатхона диний-хотира мажмұа марказига айланган⁵⁷. Шу каби Ўралитепа ибодатхонаси Оҳангарон дарёси юқори оқимидан чорвадорларнинг III – IV асрларга оид маконидан ҳам чиққан⁵⁸.

Сопол идишлардаги жонзотлар қиёфаси ва тамға, белги, чизмалар аҳолининг мағкуравий тасавурлари ҳақида маълум даражада маълумотлар беради⁵⁹. Бу Бахт (Фарн, Веретрагна) маъбудаларга топиниш эътиқоди билан боғланади⁶⁰.

IV – V асрларда воҳада санъат ҳам ривожланди. Буни Қанқада топилган ва шу даврга тегишли, үд чалаётган аёл ва эркак чавандоз тасвиrlанган митти ҳайкалчалар ҳам тасдиқлади⁶¹.

Қовунчи маданияти даврида Тошкент воҳаси Чоч деб юритилган. Чоч ўлкаси Шопур I⁶² даврига оид “Каъбайи Зардушт” битикларида “Кўхи Чоч” (Чоч тоғларий) шаклида қайд этилган⁶³.

Күлтепа ёдгорлигидаги⁶⁴ III – IV асрларга оид ғишт сиртида сүғдий ёзувли “Чачан наф” (“Чоч ҳалқи”, “Чоч жамияти”) атамалари учрайди⁶⁵. Шунингдек, пойтахт Қанқа шаҳри харобасидан турк-руний ёзувли чоч (сақ) атамаси битилган сопол идиш ҳам топилган⁶⁶.

Қадимги ва илк ўрта асрлар хитой солномаларида Қанғга тобе Тошкент воҳаси аҳолиси, хўжалиги ва маданияти ҳақидағи маълумотлар учрайди⁶⁷. Чоч тоғларидаги конлардан қазиб олинадиган қимматбаҳо феруза тоши

⁵⁶ Гўрхона — ер остида ўтов кўриниши хона қазиб, унга диаметри 70x80 см.ли йўлакчадан кириб бориладиган қабр.

⁵⁷ Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. С. 108, 111. Рис. 8.

⁵⁸ А. Аскаров. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент. 2015. 237-бет.

⁵⁹ Древности Тяубугуза. С. 110; Г.В. Григорьев. Келесская степь в археологическом отношении // Известия Академии наук Казахской ССР. Серия археологическая. Вып. 1. Алма-Ата. 1948. С. 55.

⁶⁰ Б.А. Литвинский. Кангюйско-сарматский фарн. – Душанбе. 1968. С. 46 – 58, 75 – 111.

⁶¹ Е.С.Усова, Ю.Ф. Буряков. Терракотовые поделки с городища Канка // журнал “История материальной культуры Узбекистана”. Вып. 16. Ташкент. 1981. С. 44.

⁶² Шопур I — 239 – 272 йилларда сосонийлар сулоласи етакчиси.

⁶³ Ш. Камолиддин Чоч (Шош) топонимининг келиб чиқиши ҳақида // “Moziydan sado” журнали. № 2. Тошкент. 2009. 18-бет.

⁶⁴ Күлтепа (Күлтебе) — милодий III – XIV асрларга оид, Қозогистоннинг Туркистон шаҳри ҳудудида жойлашган археология ёдгорлик.

⁶⁵ Sims-Williams N., F. Grenet. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys. 2006. P. 95 – 111.

⁶⁶ Ю.Ф. Буряков. К истории раннесредневекового Чача // “O’zbekiston tarixi” журнали. 2002. № 3. С. 11; Ф. Максудов, Г. Бабаяров. К этимологии топонима Чач // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды Международной научной конференции. Ташкент. 2009. С. 199 – 205.

⁶⁷ А. Ходжаев. Сведения о Ташкенте в китайских источниках древнего периода // “O’zbekiston tarixi” журнали. 2009. № 3. 52 – 66-бетлар.



Чоч – Тош, яъни Юни – Чжеши, Ши, Шиго мамлакати деб номланишига асос бўлган⁶⁸. Шунингдек, Тшенсан (Хуанцзяң) ⁶⁹ хотираларида ҳам Чоч мұлки тўғрисида маълумотлар келтирилган⁷⁰. Ундаги Қанқа шаҳри II аср охири – III аср бошларида Қанғ давлатининг қишики пойтахти бўлган.

В асрдан ўзбек давлатини бошқарган эфталийлар даврида Чоч муҳим ўлкалардан бири бўлиб, Қанқа шаҳри йирик савдо-иқтисодий марказ санаалган⁷¹.

Чоч воҳасининг аҳамияти VI – VIII асрларда давлатимизни бошқарган ашиналийлар⁷² даврида ҳам юқори даражада бўлгани, минтақанинг йирик марказларидан бири мақомини йўқотмагани маълум. Шу сабабли ҳам, Чочда шаҳарчилик жараёни жадаллашган ва воҳасининг халқаро савдодаги аҳамияти ортган⁷³. Натижада, шаҳарлар кенгайиб, Мингўрик⁷⁴ Чочнинг, Тункат⁷⁵ Илоқнинг⁷⁶ маъмурий марказига айланган⁷⁷. Айни пайтда, Қанқа сиёсий, иқтисодий, маданий марказ бўлиб қолаверган.

Чочнинг VI – VIII асрларга оид шаҳарлари арк ва шаҳристонга бўлинган. Воҳада шу каби 32 та ёдгорлик аниқланган⁷⁸. Арк алоҳида девор ва хандақлар билан ўраб олинган. Шаҳристонлар ташқарисида ишлаб чиқариш ва савдо мажмуалари – работлар шакллана бошлаган. Қишлоқларда девор билан ўраб олинган қўрғон, кўшк-қасрлардан иборат бошқарув биноси, хўжалик иншоотлари ва ибодатхоналар ўрин олган. Бундан ташқари, қишлоқларда туаржой ва устахоналар жойлашган.

Ашиналийлар даврида Чочда зарб қилинган тангаларда хоқон, жабғу (яғбу), тегин, тудун унвонлари, ёнма-ён турган ҳукмдор ва хотун (малика), суғдий ёзув акс эттирилган⁷⁹.

Чочнинг илк ўрта аср моддий маданияти маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи анъаналар билан суғдий үнсурлар аралашуви асосида шаклланган.

⁶⁸ А. Ходжаев. Сведения о Ташкенте в китайских источниках периода средневековья // "O'zbekiston tarixi" журнали. 2009. № 4. 38 – 50 бетлар.

⁶⁹ Тшенсан (玄奘, тахминан 600 – 664) – хитойлик сайёҳ, буддавийликроҳиби, таржимон.

⁷⁰ М.М. Дъяконов, Н.В. Кауфман, В.А. Лившиц. О древней согдийской письменности Бухары // журнал "Вестник древней истории". 1954. №1. С. 150 – 163.

⁷¹ Н.Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва-Ленинград. 1950. Том II. С. 186, 272, 330; В.Г. Луконин. Завоевание Сасанидов на Востоке и проблема кушанской абсолютной хронологии // журнал "Вестник древней истории" № 2. 1969. С. 126; Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 107.

⁷² 140-бетдаги тушунтиришга қаранг.

⁷³ Горное дело и металлургия средневекового Илака.

⁷⁴ Мингўрик – Тошкент шаҳри Шимолий темир йўл вокзали яқинида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁷⁵ Тункат (Имлок) – Оҳангарон дарёсининг чап қирғофида, Оҳангарон туманининг Обиз қишлоғида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁷⁶ Илоқ – маркази Илоқ шаҳри бўлган, Тошкент воҳасининг жанубий қисмидаги тарихий вилоят.

⁷⁷ Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 121 – 140.

⁷⁸ Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 126.

⁷⁹ F. Бобоёров. Чоч тарихидан лавҳалар (илк ўрта асрлар). Тошкент. 2010. 7–8-бетлар.



Воҳа тараққиётига дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо каби соҳалар, айниқса, Буюк ипак йўлининг тармоғи шу ҳудуддан ўтганлиги ижобий таъсир кўрсатган. Чочда VI – VII асрларда воҳа маҳсулотларини айирбошлаш учун ашиналий тангаларидан ташқари маҳаллий тангалар ҳам бостирилиб, улардан минтақа бўйлаб олиб борилган савдода фойдаланилган. Чоч тангаларига суғдий битик, ҳукмдор ва малика, арслон, барс (қоплон), түя, от каби ҳайвонлар тасвирлари туширилган. Кейинчалик Хитойда тан сулоласи⁸⁰ ҳукмронлик қилган даврда уларнинг тангаларига тақлид қилиб ясалган ўртаси квадрат тешикли тангалардан ҳам фойдаланилган⁸¹.

Илк ўрта асрларда ўлка кулолчилигининг маҳаллий хусусиятлари йўқола бориб, унга Турк хоқонлиги ва Суғд моддий маданияти таъсири кузатилади. Хусусан, идиш балдоқларидаги ҳайвонсимон шаклдаги кўринишларнинг акс эттириладиган хили йўқолиб, оддий кўриниш олган. Уларни безашда ўима ва муҳрланган идишлар гурӯҳи ажралиб туради⁸².

Ҳунармандчилик Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларидағи феруза, олтин, кумуш, мис, темир конлари ҳисобига ривожланган. VI – VIII асрларда металургияга ихтисослашган янги қишлоқ ва шаҳарлар (Шоҳжувортепа⁸³, Тункент, Кўлота⁸⁴, Суйиртепа⁸⁵, каби шаҳарлар, Кўкрел⁸⁶, Тошбулоқ⁸⁷, қишлоқлари) пайдо бўлган⁸⁸.

Илк ўрта асрларда воҳада донли экинлар экилиб, узумчилик ва боғдорчилик ривожланган. Узумдан чоғир тайёрланган. Манбаларга кўра, VII асрдан Хитойда “Ши (Тошкент) давлатидан” ўзлаштирилган “узум чоғири ни тайёрлаш услуби” кўллана бошлаган⁸⁹.

Илк ўрта асрларга оид ибодатхоналарда мұқаддас олов сақланадиган

⁸⁰ 127-бетдаги тушунтиришига қаранг.

⁸¹ Г. Бабаяров. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). Ташкент. 2007. С. 7 – 73; А.А. Мусакаева. Начальный этап денежного обращения в Чаче // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды Международной научной конференции. С. 150; Е.В. Зеймаль. Монеты раннесредневековой Средней Азии // Археология. Средняя Азия в раннем средневековье. Москва. 1999. С. 204.

⁸² М.Р. Тихонин. Новые данные о керамическом производстве в рабаде городиша Канка // журнал “История материальной культуры Узбекистана”. Вып. 20. Ташкент. 1986. С. 120 – 122.

⁸³ Шоҳжувортепа — Пскомсойнинг чап қирғозида, Бўстонлиқ туманидаги Пском қишлоғи қаршисида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁸⁴ Кўлота — Олмалиқ шаҳридан жануби-ғарбдаги Кўлота қишлоғининг жанубидаги кўл бўйида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁸⁵ Суйиртепа (Суйритепа) — Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Оҳангарон туманида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁸⁶ Кўкрел — Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоғи Фўшсойнинг юқори оқимида, Оҳангарон туманидаги Кўкрел қишлоғида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁸⁷ Тошбулоқ (Хўжабойтепа 3, Мозортепа) — Пскент туманида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁸⁸ Ю.Ф. Буряков, М.И. Филанович. Чач и Илак // Археология СССР. Средняя Азия и Дальний Восток эпохи средневековья. Средняя Азия в раннем средневековье. Москва. 1999. С. 86.

⁸⁹ А. Хўжаев. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тадқиқотлар. Ташкент. 2007. 196-бет.



мехроб бўлиб, унда рамзий олов сақланган⁹⁰. Бунга Қанқадаги ибодатхона мисол бўлади⁹¹ ва олов билан боғлиқ зардуштийлик таълимоти тамойилларига мос келади.

Воҳа аҳолиси марҳумларни соз тупроқ ёки тошдан уйилган қабр қўрғонларга дафн этишдан наусларга⁹² дафн қилиш одатига ўта бошлаган. Наус ичидан суяклар билан бирга турли ашёлар аниқланган⁹³. VII асрларга келиб, зардуштийликка кўра марҳум суяклари остадонларда дафн қилинган.

Араблар босқинига қарши курашда Чоч фаол бўлиб, унинг қўшинлари 712 йили ёғий томонидан қамал қилинган Самарқанд шаҳри мудофаасида қатнашган. 713 – 714 йилларда Чоч сиёсий кучлари Сүғд, Фарғона ва Турк хоқонлиги билан бирга Қутайба⁹⁴ бошлиқ арабларга қарши иттифоққа қўшилади. 723 – 724 йилларда бу иттифоқ қўшинлари Сирдарё бўйларида арабларга қаттиқ зарба берган. Воҳа Абу Муслим⁹⁵ замонидагина араб ҳалифалигига бўйсундирилади. Аммо 769 – 783 йиллардаги Муқанна бошчилигидаги “оқ кийимлилар ҳаракати”да⁹⁶ Чоч қўзғолоннинг ўчоқларидан бирига айланганини ҳам биламиз⁹⁷. “Худуд ал-олам”да қайд қилинишича, Чоч-Илоқ аҳолисининг бир қисми оқ кийимлиларга ҳайриҳоҳ, жанговар ва қатъиятли бўлган⁹⁸. Шунингдек, чоч-илоқлар Рафи ибн Лайс қўзғолонида⁹⁹ ҳам фаолият иштирок этган. Умуман олганда ҳам, араблар босқинига қарши курашган чочлик қўшинлар ҳақида араб манбаларида кўплаб

⁹⁰ Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том. II. С. 272; Ю.Ф. Буряков, Г.И. Богомолов. Работы в Ташкентской области // журнал “Археологические открытия”. 1982. Москва. 1983. С. 451; Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Рис. 25.

⁹¹ А.М. Беленицкий. Конь в культурах и идеологических представлениях народов Средней Азии и евразийских степей в древности и раннем средневековье // журнал “Краткие сообщения Института археологии”. № 154. Москва. 1978. С. 32; Древний и средневековый город восточного Мавераннахра. С. 51 – 63; Чач и Илак // Археология СССР. Средняя Азия и Дальний Восток эпохи средневековья. Средняя Азия в раннем средневековье. С. 89.

⁹² Наус — зардуштийларнинг одам суяклари солинган остодонларни сақлаш учун лой, пахса, тош, фишлардан қилинган иншоти.

⁹³ Т. Аззамходжаев. Подземные каменные наусы около г. Ангрен // журнал “История материальной культуры Узбекистана”. Вып. 7. Ташкент. 1966. С. 104 – 111; Ю.Ф. Буряков. Новые данные о стратиграфии городища Кульата // журнал “Общественные науки в Узбекистане”. Ташкент. № 9. 1978. С. 38 – 42.

⁹⁴ Қутайба (Қутайба ибн Муслим Абдуллоҳий) — 704 – 715 йилларда уммавийларнинг Хуросондаги ноиби.

⁹⁵ Абу Муслим — 749 – 755 йилларда Хуронда уммавийларга қарши ҳаракат раҳбари.

⁹⁶ “Оқ кийимлилар” — араб ҳалифалигига қарши Муқанна (Ҳошим ибн Ҳаким) бошлилигига кўтарилиган қўзғолончилар.

⁹⁷ Чач и Илак // Археология СССР. Средняя Азия и Дальний Восток эпохи средневековья. Средняя Азия в раннем средневековье. С. 79.

⁹⁸ Худуд ул-олам (Мовароуннахр тасвиғи) // Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонулла Бўриев. Тошкент. 2008. 17-бет.

⁹⁹ Рафи ибн Лайс — 806 – 810 йилларда Турон ва Хуронданда аббосийларга қарши кўтарилиган қўзғолонларнинг бошлиғи.



маълумотлар учрайди¹⁰⁰.

Араблар босқини оқибатида воҳа шаҳар ва қишлоқлари таназзулга учрайди. Жумладан, Шоштепа, Мингўрик, Юнусобод Оқтепаси улар томонидан ёқиб, вайронага айлантирилади. Ҳудди шу туфайли, Юнусобод Оқтепасида ҳаёт тӯхтаган. Умуман, араблар даври Чоч учун ҳалокатли бўлган.

Арабларга қарамлиқдан қутулингандан кейинги асрларда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Чоч воҳаси ҳам юксалган. Унинг тараққиётига сомонийлар, қорахонийлар ва ануштегинийларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий юксалиши ўз ижобий таъсирини кўрсатган. Ўзбек давлатини сомонийлар бошқарган босқичда Чоч шарқдаги чегара ҳудуди ҳисобланган. У кўчманчилар учун тўсиқ вазифасини ўтагани Истахрий диққатидан четда қолмган: Чоч “Мовароуннаҳрдаги – чегара қўрғони, унга қадар душман қўшинлари етиб кела олади”¹⁰¹. Қолаверса, Чоч ва Илоқ қўшни қўчманчилар билан яқин муносабатда бўлган.

IX – X асрларга оид араб ва форс ёзма асарларида қайд этилган, Чоч ва Илоқдаги 45 та шаҳардан 34 тасининг ўрни аниқланган¹⁰². Бу давр шаҳарлари маъмурӣ бошқарув маркази сифатида арқ, шаҳристон ва работдан иборат бўлган. Шаҳарлар сони кўпайиб, уларнинг тузилиши ҳам ўзгарган.

Воҳанинг энг йирик шаҳри Бинкат Чочнинг пойтахти, Қанқа – Харашкат эса иккинчи шаҳар бўлган. Илоқ маркази Тункат шаҳри ҳисобланган. XI – XII асрларда Чоч ва Илоқни ўзаро боғлайдиган шаҳар Навкат – Улкантўйтепа ёдгорлиги Илоқнинг пойтахтига айланган¹⁰³.

IX аср – XIII аср бошларида воҳада илк ўрта асрлардаги қишлоқлар ўрнида ва янги пайдо бўлган муҳофазасиз 100 дан ортиқ қишлоқ бор эди. Археология топилмалари ва ёзма манбаларга кўра, бу даврда воҳа деярли ўзлаштирилиб бўлинган эди. Шаҳар ва қишлоқлар асосан ҳунармандчилик, суформа дәҳқончилик ҳамда савдо-сотик ҳисобига ривожланган. Илоқ маъданларининг маҳсулотлари Жанубий Кавказ, Шарқий ва Фарбий Европа давлатларигача етиб борган¹⁰⁴.

IX – X асрлар меъморчилигига пахса ва хом ғишт қўлланган бўлса, XI асрдан пишган ғиштдан фойдаланила бошланган. Шаҳар мудофаа деворлари маҳбобатли бўлмаган. Қишлоқларда эса мудофаа деворлари умуман қўрилмаган.

IX – XII асрларда металдан камон ўқининг учи, пичоқ, ўроқ, омоч, бол-

¹⁰⁰ История ат-Табари. Ташкент. 1987. С. 143 – 145.

¹⁰¹ Bibliotheca geographorum abicorum. Edidit M. J. de Goeje, pars – I–VIII. Lugduni Batavorum. III. 1870 – 1892. Р. 291.

¹⁰² П.Г. Булгаков. Сведения арабских географов IX – начала X в. о маршрутах и городах Средней Азии: Диссертации на соискание кандидата исторических наук. Ленинград. 1954. С. 273 – 274; Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 145.

¹⁰³ Ю.Ф. Буряков. Историческая топография Ташкентского оазиса. Ташкент. 1975. С. 14 – 173.

¹⁰⁴ Hudud al-Alam (The Regions of the World), tr. and exp. by V Minorsky. № VII. London. 1970. Р. 287; Тер – А.Н. Гевондян. Армения и Арабский халифат. Ереван. 1977. С. 208; Горное дело и металлургия средневекового Илака. С. 124 – 125, 140.

та, капгир, чўмич, қошиқ, санчқи, қайчи, тақа, мих кабилар ясалган.¹⁰⁵ Бу даврдаги Чоч-Илоқдаги Бинкат, Тункат, Навкат, Банокат шаҳарларидаги зарбхоналарда дирҳам, динор ва фулс тангалари зарб қилинган. Бу, ўз ўрнида, воҳанинг йирик сиёсий, иқтисодий марказ бўлганидан да-лолат беради. Муомалада қисман олтин ва кумуш, асосан мис тангалари юрган. Бу тангалар қиймати кумуш танга билан белгиланган.

Илоқ ферузаси юксак қадрланиб, у маҳсус устахоналарда қайта ишланган.

Араб халифалиги даврида Қовунчи маданиятидан мерос бўлиб келган дастаси шоҳдор қўчқор кўринишида ясалган ёғлоғи йўқолиб кетган. IX–XII асрларда сопол идишлари кулолчилик дастгоҳларида тайёрланган. Улар сирланган ва сирланмаган бўлиб, дастлаб сиртига кўкиш-яшил тусли доғлар берилган. Кейинчалик рангсиз, сўнgra идишлар юзига қизил, қора, қизғиши-жигарранг ҳамда тўқ кулранг тус ҳам берилган. Идишларга ўсимлик ва ҳайвон кўринишлари, ҳандасали ва ёзувли шакллар, одам ва ҳайвон тасвирлари туширилган¹⁰⁵. Сирли идишларнинг девори юпқа ва нағис ишланиб, яхши пиширилган. Бу каби кулолчилик маҳсулотлари Шарқ бозорларида ўта юксак қадрланган¹⁰⁶.

IX – XII асрларда шишадан хўжалик, тиббиёт ва атторлик идишлари ишлаб чиқарилиб, улардан кенг фойдаланилган.

Бу даврда воҳада тўқувчи, чармчи, косиб, гиламчи ва намат босувчилар кийим-кечак, чодир, гилам, намат, кийгиз, оёқ кийим, камар, соқдон, меш, от абзаллари каби маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар.

Воҳа ҳунармандлари суюк, шоҳ ва чиғаноқдан хўжалик буюмлари ва тақинчоқлар, ноёб тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлашган.

XII аср ўрталари – XIII аср бошларида сопол идишлар шакли қўполлашиб, оғирлашиб борган. Тасвирлаш ва безаш усулларида ўзгаришлар рўй берган. Идишларга тўқ яшил, оч яшил, сарик, қизил, мовий, фил суюги ранглари берилган.

Ўлка иқтисодида дехқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳам муҳим ўрин тутган. Маҳсулотларнинг шу ерда етиштирилмайдиган айрим турлари четдан келтирилган. Узумдан майиз, шинни ва чоғир тайёрланган.

Воҳа тараққиётида катта аҳамият касб этган ички ва ташқи йўллар шаҳар, қишлоқларни ҳамда кўшни ҳудудларни ўзаро боғлаган.

Хуллас, IX – XII асрларда Тошкент воҳасида майдони кенг боғ-роғлар орасидаги маҳаллаларда маҳобатли сарой, маъмурӣ идора, масжид, мадраса, мақбара кабилар қад ростлаган. Шунингдек, кенг кўламдаги савдо-сотиқ туфайли Евроосиёнинг узоқ минтақалари билан Чоч ўлкасининг иқтисоди ва маданияти узвий боғлиқ ҳолда ривожланганини кузатишимиш мумкин. Афсуски, бундай эркин тараққиётга XIII аср биринчи чорагида

¹⁰⁵ Древний Ташкент. С. 86 – 97; Л.Г. Брусенко. Глазурованная керамика Чача IX – XII вв. Ташкент. 1986.

¹⁰⁶ Древности Ташкента. С. 80 – 101.



Чингизхон бошчилигидаги қүшинлар барҳам беради.

Умуман, Тошкент ўлкаси қадимий ва жуда бой тарихга эга. Унинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ёритадиган ёзма манбаларнинг етарлимаслиги сабабли, бу даврлар тарихини ёритишида археология материалларининг салмоғи катта. Археология ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида воҳасининг қадим ўтмиши тикланган, аммо тарихи тўлиқ ўрганилмаган. Бу фикрни Тошкент воҳасининг сир-синоатга тўла ўтмишини очиб беришга хизмат қиласидиган маданий мерос объектларининг 5 фоизи ҳам тўлиқ ўрганилмаганинг ўзи тасдиқлади. Шу маънода, Тошкент воҳасининг қадимдан XIII асргача бўлган даврини ўрганишда ўз ечимини кутаётган муаммоларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Биринчидан, воҳадаги мавжуд археология ёдгорликларини сақлаб қолиш, уларни қайтадан рўйхатга олиш ва замонавий харитага тизиш лозим. Чунки бир қанча ёдгорликлар бузилиб кетган ёки рўйхатга олинмаган. Буни 2014 – 2019 йилларда 47 та янги ёдгорликнинг топилиши кўрсатмоқда;

Иккинчидан, олий ўқув юртларида тайёрланаётган археологлар археология қазиш ишларини олиб бориш ва топилмалар асосида тарихни тикилашни билмайдилар. Негаки улар талабалик ва магистрлик босқичларида дала тадқиқотларига деярли чиқмаганлар. Ҳолбуки, бу ишни биринчи босқичданоқ бошлаш мақсадга лойикдир.

Учинчидан, режали ва узлуксиз тарзда миллий ва халқаро сафарларни ташкил этиш лозим.

Тўртинчидан, воҳага хос бўлган Бургулик ва Қовунчи маданиятларининг даври ва босқичлари ўз ечимини тўлиқ топмагани шароитида энг замонавий археология тадқиқот усусларидан (масалан, С14) фойдаланган ҳолда лаборатория таҳлилларини ўтказиш керак.

Бешинчидан, топилмаларни музейларга топшириб, кўргазмалар ташкил қилиш ва жамғармаларни бойитишига эътиборни кучайтириш даркор.

Олтинчидан, илм-фан эл-юрт фойдасига хизмат қилиши қарашига ҳамоҳанг тарзда, пойтахт, умуман воҳадаги археология ёдгорликларини миллий ва чет эллик сайдарларнинг оёқлари узилмайдиган жозибадор марказларга айлантириш давр талабидир.

Бу каби масалаларни ҳал қилиш орқали Тошкентнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихидаги мунозарали масалалар ўз ечимини топади. Шунингдек, Тошкент воҳаси тарихи бўйича аниқланган янгиликлар ўзбек давлатчилиги тарихини бойитиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.



Д. Нормуродов

Ташкентский оазис в древние и средневековые времена

В данной статье на основе частично письменных и преимущественно археологических материалов проанализированы освоение земель, культура, градостроительство, этапы расцвета и кризиса, а также актуальные проблемы исследования Ташкентского оазиса с древних времен до начала XIII века.

Ключевые слова: Чач, Илак, Ташкент, Бургулюк, Каунчи, Канг, сак, дах, Канка, Шаштепа, Тункат.

D. Normurodov

Tashkent Oasis in Ancient and Medieval Times

This article analyzes opening up, culture, urban planning, the stages of development and crisis, as well as, actual problems of researching Tashkent oasis from ancient times to the beginning of the XIII century based on mainly archaeological and partly written sources.

Keywords: Chach, Ilak, Tashkent, Bourgulyuk, Kawunchi, Kang, Sak, Dah, Kanka, Shashtepa, Tunkat.



Воҳид Холов

Тарих институти катта илмий ходими

Туркистон АҚШ давлат департаменти ёзишмаларида

АҚШда Туркистонга оид маълумотлар ва билимларнинг шаклланиши Европа мамлакатлари, айниқса, Франция, Германия, Буюк Британияга қараганда кечроқ бошланган. Бунинг сабаблари бир нечта: 1861 – 1865 йиллардаги фуқаролар уруши; ўз минтақасидаги иқтисодий-сиёсий устунлик учун кураш билан бандлик; тегишли малакага эга мутахассисларнинг етарли эмаслиги ҳамда Туркистонга доир билимларнинг паст даражадалиги ва бошқалар.

Тадқиқотлар таҳлили АҚШда Туркистонга оид билимлар негизининг шаклланишида мамлакатнинг Россия империясида 1809 йили очилган дипломатик ваколатхонаси фаолияти мухим ўрин тутганидан далолат беради¹. 1898 йили АҚШнинг Россия империясидаги элчихонасига айлантирилган мазкур ваколатхона американлик дипломатик шахслар, тадқиқотчилар, журналчи ва саводгарларнинг Ўрта Осиё бўйлаб сафар ташкил этишларида мухим ўрин тутган. Жумладан, 1873 йили минтақага бир йўла икки американлик сафар ўюштирган бўлиб, уларнинг бири АҚШнинг Россия империясидаги элчихонаси вакили Южин Скайлер², иккинчиси элчихона кўмагида келган журналчи Мак Гаҳан³ эди. Южин Скайлернинг сафар харажатлари давлат ғазнасидан қопланган.

¹ <https://diplomacy.state.gov/places/u-s-embassy-moscow-russia/>.

² Южин Скайлер (Eugene Schuyler) — 1867 – 1876 йилларда АҚШнинг Россия империясидаги дипломатия ваколатхонаси ходими; Туркистонга ўюштирилган сафари асосида икки жилди "Turkestan: notes in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja" асари ҳамда кўплаб мақолаларни нашр эттирган.

³ Януарий Алоизий Мак Гаҳан (Januarius Aloisius MacGahan) — 1868 – 1876 йилларда "New York Herald" газетасининг мухбири; сафари асосида 1876 йили чоп эттирилган "Campaigning on the Oxus and the Fall of Khiva" асари хорижда Хиванинг босиб олиниши ёритилган энг яхши асар сифатида баҳоланган.

АҚШда Туркистонга оид маълумотларнинг шаклланишида унинг Россия империясидаги дипломатик ваколатхоналари ёзишмалари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг барчасидан фойдаланиш имкони чекланган бўлса-да, баъзиларининг маҳфийлик сақловидан чиқарилиб, архивларда эркин ўрганиш учун қўйилганилиги ва рақамлаштирилганилиги бу ҳужжатлардан илмий изланишлар доирасида фойдаланиш имконини туғдиради.

АҚШ Давлат департаментининг Туркистонга оид ҳужжатлари тадқики жараёнида уларни асосан уч гуруҳга таснифлаш мумкин. Улардан биринчи тоифаси Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва рус ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳамда улар томонидан олиб борилган сиёsat, иккинчиси иқтисодий масалалар, учинчиси эса миңтақадаги соғлиқни сақлаш аҳволига оид маълумотларни ўзида акс эттиради.

Мазкур ёзишмалар кейинчалик АҚШда теран илмий изланишлар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Миңтақанинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, бу ерда руслар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ҳамда инглиз-рус муносабатларига оид ёзишмалар 1870-йиллар бошида Южин Скайлер томонидан олиб борилган. Жумладан, унинг 1872 йил 21 декабрда Давлат котиби Ҳамилтон Фишга⁴ ёзган маълумотида бир неча масалаларга тўхталиб ўтилган. Чунончи, Туркистоннинг руслар томонидан босиб олиниши тафсилотларини маълум қилас экан, у Россия томонининг ҳаракатларини ёқлашга ҳаракат қилган. Гёёки, илгарилари бу ҳудудларга келган рус савдогарлари ва ҳарбийлари ҳибсга олиниб, қийноқقا солинган ва бунинг натижасида ҳар бир рус генерали бу халқларни жазолашни ўз бурчи деб билган ҳамда империя русларнинг ҳурмат қилиниши учун ҳужум қилишга мажбур бўлган⁵. Ҳолбуки бу фикрлар бир ёқлама бўлиб, АҚШ Россия ҳаракатларини ёқлашдан манфаатдор эди. Бунинг сабабларидан бири АҚШ учун муҳим саналган Алясканинг сотиб олиниши бўлса, иккинчиси кўп ҳолларда фарбий яримшарда АҚШ ва Буюк Британия манфаатларининг доимий тўқнаш келиши, британларнинг Осиёда руслар билан рақобати АҚШ учун айни мудда бўлгани билан боғлиқдир.

Южин Скайлер ёзишмаларида Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигининг бир қатор ҳудудларининг руслар томонидан босиб олинган йиллари, ҳарбий ҳаракатларга бошлилик қилган рус офицерлари, 1867 йили босиб олинган ерларда янги губерния⁶ тузилгани, кейинчалик мазкур губерниянинг миңтақадаги бошқа босқинчилик ҳаракатларида, жумладан, Бухоро амирлиги устидан ғалаба қозониш ва Самарқанднинг губерния таркибига киритилишида муҳим ўрин тутгани, Тошкентнинг босиб олиниши натижасида рус савдосининг кескин ўсгани ҳамда британларнинг бу ерда савдодан сиқиб чиқарилгани, Тошкент орқали Шарқий Туркистон, Кошғар ва Ёркент билан савдо алоқалари яхшилангани қайд этилган⁷.

Южин Скайлер русларнинг Хива хонлигига оид режаларини келтириб ўтган

⁴ Ҳамилтон Фиш (Hamilton Fish) — 1869 – 1877 йилларда АҚШ Давлат котиби.

⁵ Mr. Schuyler to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. Dec. 21, 1872. No.43.

⁶ Туркистон генерал-губернаторлиги кўзда тутилган.

⁷ Legation of the United States.



ва барчасида хоразмлик сиёсатчиларни айбдор қилиб кўрсатган. Унга қўра, хиваликлар адоватни сақлаган ҳолда, рус тутқунларини озод қилиш талабини рад этиб, рус карвонларини талаганлар, русларнинг музокара олиб бориш таклифларини рад этгандар. Шу билан бирга, Южин Скайлер руслар аллақачон Хивани босиб олиш устида амалий ҳаракатлар бошлаб юборгандарига ишора қилган. Масалан, ёзишмада руслар назоратни қўлга олиш учун икки йил олдин Красноводскни⁸ ишғол қилгани, номига қозоқларни қувватлаш учун сафарлар ташкил қилинган бўлса-да, уларнинг асосий мақсади Хива хонлиги ястанган юртни ўрганиш бўлгани қўшимча қилинган⁹.

Шунингдек, ҳужжатда 1872 йили полковник В. И. Марковов¹⁰ ҳарбий сафарининг¹¹ муваффакиятсизлиги ҳақидаги хабарлар Хивани босиб олиш ташвиқотининг сезиларли ўсишига сабаб бўлиб, император бошчилик қилган йигилишда Хивага қарши кучли ва ҳал қилувчи ҳужум режаси ишлаб чиқилгани, уч йўналиш бўйлаб – Тошкент, Оренбург¹² ва Красноводсқдан ҳаракатланиш таклиф этилгани, кенгашда қатнашганларнинг 35 таси Хивани босиб олишга овоз берган бўлса, 9 таси қарши бўлгани, қарши овоз берганлар орасида А. М. Горчаков¹³ ҳам бўлиб, улар Хивани босиб олгандан кўра жазолашни таклиф қилгани хабар қилинган. Ёзишмада Англиянинг бундан хавотирга туша бошлагани, унинг матбуотида бу масалага оид мақолалар чоп этилгани ҳам қистириб ўтилган¹⁴.

Бундан ташқари, Южин Скайлернинг 50-мактубида инглиз-рус муносабатларида Осиёда чегараларни келишиб олиш доирасида кечган музокаралар мазмуни ҳамда Хива масаласи Британия ҳукуматида эътиборсиз қолдирилгани қайд этилади¹⁵. Шунингдек, хабарда 15 000 хиваликнинг Орол ва Каспий оралиғидаги дашт ҳудудларда кезиб, у ердаги аҳолини қўзғалон кўтаришга ундан, Эмба дарёси¹⁶ ва ҳатто Оренбурггача бўлган кўрғонларга ва Тошкентга борадиган почта йўлига таҳдид солганлари, Туркистон генерал-губернатони К.П. Кауфманнинг¹⁷ бу пайтда империя пойтахти Санкт-Петербургда бўлиб, Хивага ҳужум масаласи ни муҳокама қилмоқчилиги, уч йўналиш – Красноводск, Оренбург ва Сирдарё

⁸ Красноводск (ҳозирги Туркмандонбоши) — Туркманистон ғарбида, Каспий денгизи бўйида жойлашган шаҳар.

⁹ Legation of the United States.

¹⁰ В. И. Марковов — Россия империяси ҳарбий зобити; 1872 йил июнда олий бош қўмандон руҳсати билан унга Хивага ҳужум қилиш вазифаси топширилган; ҳарбий юриш давомида бир неча бор маҳаллий аҳоли ҳужумларига тўйнаш келган ва муваффакиятсизликка учраган.

¹¹ Бу ҳарбий юришга Хивага ҳужум қилиш вазифаси топширилган ва у бекор қилинганда ҳам, келгусидаги ҳужум режалари учун Хива ва Ахалтекин воҳасига оид кўпроқ маълумот тўплаш ва йўлларни ўрганиш вазифаси юқлатилган.

¹² Оренбург — Қозоғистондан шимоли-ғарбда, Россия ҳудудида жойлашган вилоят ва шаҳар.

¹³ А. М. Горчаков — Россия империясининг 1856 – 1882 йиллардаги Ташки ишлар вазири.

¹⁴ Mr. Schuyler to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. Dec. 21, 1872. No.43.

¹⁵ Mr. Schuyler to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. Jan. 8, 1873. No.50.

¹⁶ Эмба дарёси — Қозоғистоннинг Оқтўба ва Атеров вилоятларидан оқиб ўтиб, Каспий денгизига қуюловчи дарё.

¹⁷ К. П. Кауфман — Россия империяси томонидан тузилган Туркистон ҳарбий округи бошлиғи, Туркистон генерал-губернатори; 1868 йили Самарқанд, 1873 йили Хива, 1875 йили Қўқон хонлигини босиб олиш ишларига бош-қош бўлган.



бўйидаги 1-истеҳкомдан юриш бошланиши белгилангани, юриш тахминан март ойининг ўрталарида бошланиши ҳақидаги хабарлар етказилган.

58-мактубда инглиз матбуотининг Туркистон масаласидаги кескин муносабати натижасида Россия расмий журналларда ўзаро келишувларни чоп этгани ҳамда уларнинг инглиз тилидаги таржимасини¹⁸, 62-ёзишмасида эса, икки томоннинг ўзаро ички ва ташқи ёзишмаларини¹⁹ юборади.

Южин Скайлер Туркистонга сафарга чиққанидан сўнг, ёзишмаларни Маршалл Жювелл²⁰ олиб боради. Унинг АҚШ Давлат департаменти котиби Ҳамилтон Фишга 1873 йил 31 декабрда юборган маълумотида Бухоро амирлиги ва Россия ўртасида 10 октябр куни шартнома имзолангани, Амударёнинг ўнг соҳиридаги бир қисм ерлар амирлик худуди сифатида белгилангани, Амударё бўйлаб рус кемаларининг ҳаракатланиши, дарёнинг ўнг соҳирида русларга бандаргоҳ ва омборхона қуриш ҳуқуқи берилгани ва 1868 йилги савдо шартномасининг асосий бандларига ўзгартиришлар киритилгани ҳақида маълум қилган²¹. 1874 йил 10 марта йўлланган мактубда эса, Южин Скайлернинг Туркистонга сафари унумли бўлгани, кўплаб рус амалдорлари унинг фикрини билишга ошиқани қайд этилиб, унинг сафар ҳисоботи ҳам илова қилинади²².

АҚШ Давлат департаментининг Россиядаги ваколатхонасида фаолият олиб борган Жорж Ҳенри Бокер²³ мактубида Кўқон хонлигининг тугатилиши ва Фарғона водийсининг босиб олинишига оид маълумотлар бор. Ҳусусан, унда Кўқон хонлигига ички низо ва ҳаракатлар сабабли Кўқон хони Худоёрхоннинг²⁴ тахти ташлаб қочгани, унинг ўрнига тахта кўтарилиган ўғли Насридинбек²⁵ ҳам вазиятни ўнглай олмагани, қўзғолончиларнинг русларга ҳужум қилгани, бир неча тўқнашувлардан кейин руслар Кўқон шаҳрини эгаллаб, вилоят ташкил этилгани ва у Россия таркибига ҳудуднинг тарихий “Фарғона” номи билан киритилиб, унга М. Д. Скобелев²⁶ ҳоким этиб тайинлангани қайд этилган ва “Journal de ST. Petersburg” саҳифасида 1876 йил 14 апрелда Кўқон ва Фарғона тарихига оид босилган мақоланинг инглиз тилидаги таржимаси кўшимча қилинган²⁷.

Давлат департаменти ва унинг Россиядаги ваколатхонаси билан ўзаро ёзишмаларда минтақа иқтисоди ва унинг геостратегик воқеилидаги ўрни масалалари ҳам ўз аксини топган. Чунончи, юқорида айтиб ўтилган Южин Скайлернинг сафар ҳисоботида минтақанинг иқтисодий салоҳияти ҳам ёритилган.

¹⁸ Mr. Schuyler to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. Jan. 29, 1873. No.58.

¹⁹ Mr. Schuyler to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. February 17, 1873. No.62.

²⁰ Маршалл Жювелл (Marshall Jewell) — 1873 – 1874 йилларда АҚШнинг Россия империясидаги консули.

²¹ Mr. Jewell to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. December 31, 1873. No.24.

²² Mr. Jewell to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. March 10, 1873. No.47.

²³ Жорж Ҳенри Бокер (George Henry Boker) — 1875 – 1876 йилларда АҚШнинг Россия империясидаги дипломатия ваколатхонаси раҳбари (элчи).

²⁴ Худоёрхон (1831 – 1884) — 1845 – 1875-йилларда (танаффулар билан) Кўқон хони.

²⁵ Насридинбек (1850 – 1876) — Худоёрхон ўғли; Кўқоннинг сўнгги хони.

²⁶ М. Д. Скобелев — Россия империяси ҳарбий зобити; 1873 йилги Хива хонлиги, 1875 йилги Кўқон хонлигига қаршиб юришларнинг фаол қатнашчиси, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори.

²⁷ Mr. Boker to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. April 21, 1876. No.73.



Бундан ташқари, ёзишмалар орқали Туркистонда темир йўл қурилишига оид хабарлар мунтазам етказиб борилган. Масалан, Жорж В. Вёртснинг²⁸ 1888 йил 13 июляда йўллаган мактубида Каспийни Самарқанд билан боғловчи темир йўлнинг очилаётгани билдирилиб, “Journal de ST. Petersbourg” саҳифасида 1888 йил 11 июляда мазкур темир йўлга оид мақола илова қилинган²⁹. Бундан АҚШ мулизимлари Туркистонга оид маълумотларни тўплашда нафақат расмий ҳисобот ва қарорлар, балки даврий нашрларни ҳам диққат билан кузатиб боргандари кўриниб турибди.

Давлат департаментининг ёзишмалари асосида олинган маълумотлардан фойдаланган мутахассислар кейинчалик ўз мақолаларини чоп этдилар. Масалан, Гардинер Ҳабард³⁰ мақоласида минтақада темир йўл қурилиши ёритилган. У ўз мақоласини “дунё нигоҳи серб-болгар қарама-қаршилигига йўналган бир пайтда, рус муҳандислари транскаспий темир йўлини қўрмоқдалар ...”, деб бошлади. Шунингдек, у “темир йўл бепоён даштлардан ўтади. Бир пайтлар Атила, Чингизхон ва Амир Темур шу дашт орқали қўшинларини Европа томон ҳаракатлантирганлар” деган фикрни билдиради. 1886 йили ёзилган бу мақолада муаллиф темир йўлнинг Бухоро ва Самарқандга етиб боришига уч йилча вақт кетиши, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг Санкт-Петербург билан телеграф орқали боғлангани, рус савдогарларининг аллақачон омборхоналар ташкил этганларини қайд этган³¹. Темир йўлга оид бошқа мақолада³² 1886 йил 14 июляда Марвга қатновлар бошлангани, бекатлар оралиғидаги масофалар, темир йўлнинг истиқболдаги келгусидаги қурилишига оид маълумотлар келтирилган³³. Шунингдек, “Science” журналиниң 1888 йил 26 октябрда чоп этилган сонида ҳам темир йўлнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятига оид мақола чоп этилган. Унда 1888 йилнинг январида Амударё темир йўл кўпригининг қурилиши ҳамда шу йилнинг 27 майида темир йўлнинг Самарқандга етиб боргани, Самарқанднинг 1868 йили руслар томонидан босиб олингани келтирилган. Шунингдек, бухороликларнинг мамлакат руслар ва христианлар таъсирига тушиб қолишидан хавотирланиб, аввалига бунга қаршилик қилганлари, Тошкент ва Самарқандда тажриба ўтаган ҳамишираларнинг темир йўл бўйлаб самарали фаолият олиб боргани, европалик ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг Бухорога руслар савдо уйлари орқали кириб келиши, савдо шартномаси тасдиқлангандан сўнг, 1874 йили Бухорода уларнинг ilk бўлимининг очилгани, бухоролик

²⁸ Жорж В. Вёртс (George V. Vurts) — АҚШ Давлат департаментининг Россиядаги дипломатик ваколатхонаси ходими.

²⁹ Mr. Wurts to Mr. Fish. Legation of the United States. St. Petersburg. July 13, 1888. No.186.

³⁰ Гардинер Грин Ҳабард (Gardiner Greene Hubbard) — Миллий география жамияти (National Geographic Society) асосчиси; Америка илм-фан тараққиёти ассоциациясининг (The American Association for the Advancement of Science (AAAS) ёпилиб кетишининг олдини олиб, уни молиялаштирган АҚШлик йирик илм-фан ҳомийси.

³¹ Gardiner G. Hubbard. Railroad to Merv, Bokhara, and Samarkand // Science, American Association for the Advancement of Science.Vol. 7, No. 154 (Jan. 15, 1886). P. 47 – 48.

³² Муаллиф кўрсатилмаган.

³³ The Transcaspian Railway // Science. American Association for the Advancement of Science., Vol. 8, No. 184 (Aug. 13, 1886). P. 135.



савдогарларнинг ҳар йили Нижний Новгороддаги йирик ярмаркада амириклида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш мақсадидаги иштироки, Самарқанд ипак маҳсулотларининг Санкт-Петербург, Москва ва Харковда³⁴ сотилиши, Қоракўлда сотиб олинган қўйларнинг темир йўл орқали Днепрга олиб борилиши, қоракўл кўзичоғидан олинган терининг Москвада сотилиши ҳамда Бухоро гиламларининг Шарқда баланд баҳода сотилишига оид қисқа маълумот АҚШлик ўқувчиларга тақдим этилган³⁵. 1889 йили чоп этилган бошқа бир мақолада темир йўлни Тошкентгача олиб бориш режалаштирилгани айтилиб, бунинг сабаби сифатида Тошкентнинг нафақат губернаторликнинг маъмурий маркази, балки 100 000 аҳолиси бор шаҳар экани, Сирдарё ва Оролни Каспий билан боғлашда хизмат қилиши, ёқилғиси тугаб, саксовул ёқишига мажбур бўладиган кемаларни ёқилғи билан таъминлаш ва шаҳар жойлашувининг империя учун аҳамияти ёритилган³⁶.

Ёзишмалардан ўрин олган масалалардан яна бири ўлкадаги тиббий ҳолат акс этган маълумотларни қамраб олади. Бунда асосан 1892 ва 1898 йилларда тарқаган юқумли касалликлар дикқат марказида бўлган.

Томас X. Хинан³⁷ Давлат департаментини 1892 йили минтақада тарқаган вабо билан боғлиқ вазият тўғрисида хабардор қилиб туради. Шуни таъкидлаш жоизки, айнан вабо тарқалаётган паллада консул Тошкент шаҳрида бўлиб, телеграммаларини шу ердан юборган. У аслида минтақа имкониятларини ўрганиш ва бундан АҚШга қандай фойда келишини чамалаш учун келган эди. Ҳусусан, 8 июндаги телеграммасида Какада³⁸ вабо тарқалганини қайд этган³⁹ консул 1892 йил 18 июнда жўнатган телеграммасида Самарқанд – Тошкент йўли устида жойлашган Жиззах ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам касаллик пайдо бўлгани, Самарқанд шаҳрида касалликнинг пайдо бўлгани ҳақидаги хабарларнинг инкор этилганлиги ҳамда Чинозда чилла (quarantine) жорий қилинганини келтирган⁴⁰.

Касалликнинг тарқалиш йўналишини тасвирлаган консул унинг февралдан бўён Эронда мавжуд бўлганини таъкидлаб, “шубҳасиз бу касаллик Каспий бўйлаб Бокуга ва Машҳаддан Какага етиб борган ва кейин шу ердан барча йўналишларга тарқалиб кетган”⁴¹ деган фикрни билдиради. Бу эса, ўз навбатида тарихий манбалар, ҳусусан, хориж адабиётларида келтирилганидек, аксарият юқумли касалликлар, жумладан, вабо ва ўлатнинг Туркистонга асосан савдо карvonлари

³⁴ Харков — Украинанинг шимоли-шарқидаги шаҳар.

³⁵ Commercial Geography // Science: American Association for the Advancement of Science. Vol. 12, No. 299 (Oct. 26, 1888). P. 198 – 199.

³⁶ Notes and News // Science. American Association for the Advancement of Science. Vol. 13, No. 317 (Mar. 1, 1889). P. 161.

³⁷ Томас X. Хинан (Thomas E. Heenan) — 1890-йилларда АҚШнинг Россия империясидаги консули.

³⁸ Кака — Туркманистон жанубидаги кичик темир йўл станцияси.

³⁹ Thomas E. Heenan. Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia, June 8, 1892 // Abstract of Sanitary Reports, Vol. 7, No. 33 (August 12, 1892). P. 390.

⁴⁰ Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia, June 18. 1892. P. 389.

⁴¹ Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia, June 28 1892. P. 391.



ва бошқа вositалар орқали ташқи ҳудудлардан кириб келганини яна бир карра исботлаб беради.

Консул маҳаллий ва рус аҳолисининг касалликка муносабатини баён этиб, Тошкентда яшаётган русларнинг касаллик хавфидан кўрқиб тоғли ҳудудларга кўчиб, генерал-губернаторнинг Чимёнга чиқиб кетишни режалаштиргани, ўзининг ҳам бирга жўнашга таклиф қилинганини қайд қилиб, касалликнинг пайдо бўлиши маҳаллий аҳолини саросимага солмаганини эътироф этган. Шунингдек, у маҳаллий аҳолини бақувват ва келишган деб тасвирлаган⁴².

Консулнинг 30 июндаги телеграммасида Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмида бир кунда 28 киши вабога чалингани, Тошкент атрофидағи туманларда бир неча кишининг касаллиқдан вафот этгани, Санкт-Петербургдан 10 та шифокор ва 13 та фелдшер йўлга чиққани, маҳаллий аҳоли орасида касаллиқдан зарарланганлар қайд этилмагани, Чинозда чилла маконидаги бир шифокорнинг ўз жойини ташлаб, Тошкентта келгани қаттиқ қоралангани, губернатор эса шаҳарни тарқ этиб, Чимёнга кетгани қайд этилган⁴³.

Томас X. Хинан 1892 йил 9 сентябрда Давлат департаменти котиби ёрдамчисига йўллаган телеграммасида минтақада вазият анча яхшилангани ва Тошкент шаҳрида вабонинг деярли йўқ бўлгани, Фарғонада гарчи учраб турган бўлса-да, ўлим ҳолати камайгани, аммо Бухорода ва транскаспий темир йўли бўйлаб ҳудудларда вазият ўнгланмаётганини келтириб ўтган⁴⁴.

Ёзишмалардан рус маъмуриятининг касалликка қарши курашишда маҳаллий аҳолига бўлган муносабатини аниқлаш мумкин. Ҳусусан, консулнинг 1892 йил 11 октябрдаги мактубида маҳаллий аҳолининг рус шифокорлари хизматини рад этгани, рус ҳукумати ҳам баъзи тавсиялар – меъёрдан ортиқ овқатланмаслик, қайнатилмаган сувни ичмаслик, маълум санитария қоидаларига амал қилишини айтиб, аҳолини ўз ҳолига ташлаб қўйгани келтириб ўтилган⁴⁵.

Тошкентдан Одессагача тарқалган бу вабо иқтисодий алоқаларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Масалан, ёзишмаларда келтирилишича, рус маъмурияти бўйруғи билан Эрон, Бухоро амирлиги ва Туркистон генерал-губернаторлигидан Қора денгиз бандаргоҳлари орқали тери, ошланган тери, мўйна каби маҳсулотларнинг экспорти тақиқланган⁴⁶.

Шунингдек, 1898 йили Самарқанд яқинидаги чиққан ўлат ҳақидаги хабарлар қисқа муддатда нафақат Туркистон, балки дунё бўйлаб кенг тарқалди. Жумладан, АҚШ Давлат департаментининг Россия империясидаги элчихонаси ходимлари ёзишмалари орқали бу ҳақидаги маълумотлар Вашингтонга етказиб турилган.

⁴² Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia. June 28, 1892. P. 391.

⁴³ Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia. June 30, 1892. P. 391 – 392.

⁴⁴ Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia. Sept. 9, 1892. P. 718.

⁴⁵ Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia. October 11, 1892. P. 720.

⁴⁶ Consulate of the United States, Odessa, Russia, Tashkend, Central Asia. June 28, 1892. P. 391.



Хусусан, Ҳерберт Пирс⁴⁷ Давлат котиби ёрдамчиси Девид Ҳиллга⁴⁸ 1898 йилнинг октябрида 28-тезкор телеграммани жўнатиб, унда Самарқанд яқинида ўлатга ўхшаш касаллик бошланганини қайд этади. Девид Ҳилл шу ойнинг 31-санасида жавоб йўллаб, Самарқанд маъмуряти касалликнинг ўлат эканини расман тасдиқлаганини билдириб ўтади⁴⁹. Айнан шу куни Ҳерберт Пирс бошқа телеграмма йўллаб, унда далиллар асосида ўлатнинг пайдо бўлиши ҳақида империя маъмуриятининг маълумоти таржимасини йўллади. Унда ходим княз Ламсдорф⁵⁰ билан бўлган учрашувида князнинг Самарқанд яқинида тарқаган ўлат ҳақида гапирганини эслайди. Шунингдек, маълумотнинг жуда ҳам қизиқлиги ва тезкор аҳамият касб этишини инобатга олиб, уни зудлик билан жўнаттанига ургу беради⁵¹. Бундан ташқари, Ҳерберт Пирс княз Ламсдорфнинг 1898 йил 15 октябрдаги мактубининг таржимасига ҳам ўз муносабатини билдириб ўтади. Маълум бўлишича, мактубда Самарқанд яқинидаги бир қишлоқда ўлатга ўхшаш касаллик тарқалаётгани ҳақида ёзилган эди. Муаллиф касалликнинг келиб чиқиш ва тарқалиш тафсилотларини ҳам келтириб ўтади⁵².

Манбага кўра, касаллик тарқалгач, унга қарши курашиш ва қурбонлар сони ошмаслиги, унинг тарқалиш ҳудуди кенгайиб кетмаслиги учун маҳаллий ҳокимиyят тезкор ҳаракатларни амалга оширган. Бунда, аввало, маҳаллий табобатдаги анъаналар ва усуllibаридан фойдаланилади. Айниқса, касаллик тарқаган ҳудуд ажратиб қўйилиб, унга борадиган барча йўллар ёпилади ҳамда кириб-чиқиш тақиқланади. Вафот этгандарнинг кийимлари ва кўрпа-тўшаклари ёкиб юборилади. Касаллар алоҳида жойга қўчирилиб, чиллага олинади. Соғлом одамлар қишлоқда қолдирилиб, уларга тоза кийимлар ҳамда чойшаблар тарқатилади, эскилари эса ёкиб юборилади. Аммо аҳолига қишлоқ ҳудудинини тарк этиш тақиқланган. Қишлоқ атрофига қўриқчилар қўйилиб, улар қишлоқ ҳудудини кучли назорат қилиб боргандар. Атрофдаги қишлоқларнинг оқсоқоллари ўzlаридаги мавжуд ҳолат ҳақида мунтазам равища маълумот бериб турганлар. Натижада, касалликнинг қишлоқдан ташқари ҳудудларга тарқалишининг олди олинган.

Шунингдек, ўша даврнинг замонавий тиббиёт ютуқларига мурожаат қилиниб, тиббий ходимларнинг сони, қўшимча дори ва заарарсизлантириш воситалари билан таъминланган ёрдамчи шифокорлар ва жарроҳлар ҳисобига оши-

⁴⁷ Ҳерберт Пирс (Herbert Henry Davis Peirce) — 1894 – 1901 йилларда АҚШнинг Санкт-Петербургдаги дипломатик ваколатхонаси биринчи котиби ва мувакқат ишлар вакили (вақтнинчалик вазифасини бажарувчи); 1898 йили дипломатик ваколатхона элчихонага айлантирилгач, 1901 йилгача мувакқат ишлар вакили (вақтнинчалик элчи вазифасини бажарувчи); кейинчалик АҚШ Давлат котибининг 3-ёрдамчиси, АҚШнинг Норвегиядаги элчиси.

⁴⁸ Девид Ҳилл (David Jayne Hill) — 1898 – 1903 йилларда АҚШ Давлат котиби ёрдамчisi; кейинчалик турли Европа мамлакатларида АҚШ элчиси.

⁴⁹ David J. Hill. Plague suspected in Samarcand // Public Health Reports (1896 – 1970), Vol. 13, No. 44 (November 4, 1898). P. 1260.

⁵⁰ В. И. Ламсдорф — россиялик дипломат; бу вақтда Россия империяси ташқи ишлар вазири ўринбосари.

⁵¹ Herbert H. D. Peirce. Turkestan. Plague in Samarcand // Public Health Reports (1896 – 1970), Vol. 13, No. 47 (November 25, 1898). P. 1382.

⁵² Turkestan. Plague in Samarcand // Public Health Reports (1896 – 1970), Vol. 13, No. 47 (November 25, 1898). P. 1382.



рилган. Ўлатга қарши курашиш бўйича маҳсус таълимни Ҳиндистонда олган, бактерияшунослик бўйича мутахассислар жалб қилиниб, уларга кимёвий ҳамда бактерияшунослик изланишлари асосида касалликнинг хусусиятларини аниқлаш вазифаси топширилади⁵³. Касаллик тарқалган ҳудудда беморларни даволаш учун маҳсус жой (шифохона) ҳам ташкил қилинган⁵⁴.

В.Р. Ҳолловей⁵⁵ 1898 йил 17 ноябрда Давлат департаментига юборган мактубида турли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалар асосида ўлатга қарши курашиш жараёнини акс эттириб, айрим мақолаларнинг инглиз тилидаги таржимасини ҳам кўшиб юборади. Унга кўра, маҳаллий шифокорлар касалликнинг ўлат эканини аниқлаганлар. Кейинчалик, империя маъмуряти Самарқандга Ҳиндистонда ўлат бўйича таълим олган доктор Левинни жўнатади. Касалликнинг Бухоро амирлиги ва Туркистон генерал-губернаторлиги бўйлаб тарқалишининг олдини олиш мақсадида уч қатор тиббий манзиллар (жумладан, Амударё бўйлаб битта, Каспийорти темир йўли бўйлаб 8 та, Эрон чегаралари бўйлаб 3 та ҳамда Бухоро бўйлаб 2 та) ташкил қилинган. Кўчувчи тиббий қисмлар барча постлар устидан назорат қилиб, касалликнинг нафақат Самарқанд, балки бошқа ҳудудларга етиб боришининг олдини олишга қаттиқ ҳаракат қиласди. Чунончи, Каспийорти, Андижон ва Красноводск темир йўллари, Каспий соҳиллари, Каспий ва Амударёда ҳаракатланувчи кемалар қаттиқ текширилади ва тиббиёт ходимлари касаллик ҳақида огоҳлантирилади.

Умуман олганда, мазкур эпидемия натижасида қишлоқнинг 357 кишилик аҳолисининг таҳминан учдан иккиси ўлади. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, касаллик пайдо бўлиши 3 – 15 октябрга тўғри келиб, 219 киши вафот этган, 2 ноябргача яна 14 киши ҳаётдан кўз юмган⁵⁶.

Херберт Пирснинг 1898 йил 23 ноябрда Давлат департаментига йўллаган бошқа бир ёзишмасида ҳам яна бир бор ўлат масаласига тўхталиб, унда ҳудудларда саломатлик ҳолатининг яхшиланишига эришилгани қайд этилган.

Ёзишмага кўра, 1898 йил 5 ноябрда Марвдан келаётган Сабриел Савич исмли деҳқон ўлат белгиларига ўхшаш шубҳали касаллик билан Самарқанддаги касалхонага олиб келинади. Шифокор ва мутахассислар bemornining қонини микроскопда текшириб, унда плазмодий миқдорининг кўп эканини аниқлайдилар (бу ҳолат безгак касаллигида учрайди). Натижада, ўлатнинг чилла ҳудудидан ташқарида тарқалгани тўғрисидаги гап-сўзлар асоссиз бўлиб чиқади. Шунингдек, ёзишмада 23 октябрдан 4 ноябргача бўлган даврда касалликка оид ҳисобот рақамлари ҳам келтириб ўтилган⁵⁷.

Бундан ташқари, АҚШ илмий журналларида Туркистонда учрайдиган баъ-

⁵³ Turkestan. Plague in Samarcand // Public Health Reports (1896 – 1970), Vol. 13, No. 47 (November 25, 1898). P. 1382.

⁵⁴ Holloway W. R. Turkestan. Plague in Samarcand // Public Health Reports (1896 – 1970), Vol. 13, No. 50 (December 16, 1898). P. 1494.

⁵⁵ В.Р. Ҳолловей — ушбу йилларда АҚШнинг Санкт-Петербургдаги бош консули.

⁵⁶ Turkestan. Plague in Samarcand // Public Health Reports (1896 – 1970), Vol. 13, No. 50 (December 16, 1898). P. 1494.

⁵⁷ Turkestan. Plague in Samarcand // Public Health Reports (1896 – 1970), Vol. 13, No. 50 (December 16, 1898). P. 1495.



зи касалликлар ва уларни даволашга оид таҳлилий мақолалар чоп этиб борилганини ҳам ургулаш жоиз. Жумладан, ришта касали, унинг Туркистонда, асосан, Жиззах, Бухоро ва Қаршида учраши, у аниқлангандан сўнг табиблар⁵⁸ томонидан самарали даволаниши, риштанинг хусусиятлари ва таърифи, унинг кўпайиши сабаблари келтирилган. Шунингдек, мақолада “сарт касаллиги” деган касаллик, унинг турли ҳудудларда турлича номланиши, касалликнинг эркакларга қараганда, кўпроқ аёлларга юқиши, маҳаллий шифокорлар уни даволашни яхши билишлари ва яраларни из қолдирмасдан самарали даволай олишлари, касалликни самарали даволашда таркиби темир сулфати, асал, сирка, мой, кўрғошин оксиди, кантарис каби моддалардан иборат бўлган малҳам ёки ниқоблардан фойдаланишлари эътироф этилган. Бундан ташқари, мақолада мintaқадаги моховлик касалига оид маълумотлар келтирилган⁵⁹. Бошқа бир мақолада риштанинг биологик хусусиятлари, хусусан, унинг кўпайиши, узунлиги, яшашига оид маълумотлар келтирилади⁶⁰.

АҚШда давлат даражасида Туркистонга оид кўрилган масалалардан бири қоракўл қўйлари ҳисобланади. 1908 йили АҚШ президенти Теодор Рузвельт⁶¹ АҚШнинг Россия империясидаги элчисига хат ёзиб, қоракўл қўйларини сотиб олиш ва АҚШга етказишида ёрдам бериш вазифасини топширади. Бу ҳақда АҚШга қоракўл қўйларини биринчи бўлиб олиб борган С. С. Янг⁶² мақоласида келтирилган. С. С. Янг қоракўл қўйларининг экспорти тақиқланганини таъкидлаб, шунга қарамай баъзи рус жамиятлари бир неча пода қоракўл қўйларини олгани ва ўзи ҳам қўйларни улардан олгани, қўйлар АҚШга олиб борилганда узоқ вақт алоҳида назоратда сақлангани, президент аралашгандан сўнг чилла ҳудудидан чиқарилганини айтиб ўтган⁶³. Бу эса, ўз навбатида АҚШда қоракўл терисига бўлган қизиқиш давлат даражасида ҳамда назоратида бўлганидан далолат беради. Ўша пайтда бир дона қоракўл териси 10 – 15 АҚШ доллари турган бир паллада 15 бosh қўй учун 25 000 АҚШ долларининг сарфланиши бу соҳани АҚШда ривожлантиришга қизиқиш юқори бўлганини аск эттиради, албатта.

XX аср бошларида АҚШда қоракўл териси ва қўйига оид қатор мақолалар чоп этилган. Жумладан, журнالнинг 1913 йили қисқа хабарлар рукнида Канада ҳудудида ҳам қоракўл қўйларини маҳаллийлаштириш мақсадида олиб борилган ишлар кўрсатилган. Весли Фростнинг⁶⁴ таъкидлашича, Техасдан Шарлоттаун-

⁵⁸ Мақолада ҳам tabib деб келтирилган.

⁵⁹ Doctors and Disease in Central Asia Source // Scientific American , Vol. 50, No. 14 (April 5, 1884). P. 212.

⁶⁰ Propagation of Parasites by Water // Scientific American , Vol. 60, No. 12 (March 23, 1889). P. 179.

⁶¹ Теодор Рузвельт (1858 – 1919) — АҚШнинг 1901 – 1909 йиллардаги 26-президенти.

⁶² Янг (Young C. C.) — келиб чиқиши россиялик бўлган, АҚШга қоракўл қўйларининг олиб борилиши ва маҳаллийлаштирилишида муҳим ўрин туттган олим..

⁶³ Young C. C. Breeding Karakul Sheep: Industry Only Six Years Old in the United States, but Attracting Much Interest – Difficulties of Securing Stock – Six Classes of Karakul Recognized in Asia, All Owing Their Origin and Color to the Small, Black Danadar, Now Almost Extinct // Journal of Heredity, Volume 5, Issue 4, April 1914. P. 17.

⁶⁴ Весли Фрост (Wesley Frost) — 1912 йилдан АҚШнинг Шарлоттаундаги консули.



га⁶⁵ кичик подада қоракүл қўйларини олиб келиш ва жунининг мустаҳкамлиги ҳамда ёрқинлиги сабаб қоракүл қўйларини оролдаги узун жунли қўйлар билан чатиштириш режалаштирилиб, келгусида жуни ингичка, ёрқин ва кўчли, чатиштирилган қўйларни етишириш кутилган⁶⁶.

1914 йили чоп этилган мақолада АҚШда Эрон қўйлари номи билан атала-диган қўйларнинг Эронда эмас, балки Бухоро атрофларида боқилиши, уларнинг насли қоракүл ёки араби дейилиши қайд этилган. Унда келтирилишича, бу насл савдода криммер (Кримга олиб бориб, у ердан экспорт қилинган қоракүл тери-лари манбаларда шундай ном билан келтирилган), астрахан, кенг думли каби номлар билан ҳам аталган. Бу даврга келиб АҚШда қоракүл териси импорти ошган, Ню Йоркдаги битта фирманинг ўзи йилига 200 000 – 250 000 дона тери сотиб олган. Бу мақолада ҳам қоракүл қўйлари Бухорода давлат аҳамиятидаги маҳсулот саналганилиги учун уларнинг экспорти қонунан тақиқлангани таъкидланган.

Шунингдек, мақолада қоракүл териси сифати ва гулини йўқотмаслиги ёки очилиб кетмаслиги учун қўзичоқнинг ўн кун ичида сўйилиши кераклиги, қўзи-чоқни кесарча йўли билан олиб, кейин сўйиш амалиётининг тўхтатилгани (бу асосан қари қўйларда қилинган, бунда қўзичоқ териси сифати янада юқори бўлган), яхши тери 10 – 15 АҚШ доллари атрофида сотилгани, тилладек товланадиган жигар ранг терилар эса ноёб саналиб, жуда қўммат бўлгани келтирилган.

Бундан ташқари, мақолада АҚШга биринчи марта қоракүл қўйлари техаслик С.С. Янг томонидан 1908 йили олиб келингани, 1912 йили яна келтирилгани, Техас, Янги Мексика, Канзас штатлари ва Принс Эдвард оролида фермалар ташкил этилгани, бошқа насллар билан чатиштирилгани ҳам ёритилган⁶⁷.

АҚШда қорақўлга қизиқиш юқори бўлгани ва уни бошқа насллар билан чатиштириб, янги, фойдаси кўп бўладиган насл етишириш хоҳиши юқори бўлгани сабаб, бошқа манбаларда ҳам мақолалар чоп этилади. Чунончи, АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг 1914 йилги бюллетенида юқоридаги маълумотларга қўшимча тарзда қоракүл қўйларининг ташқи хусусиятлари, 1908 йили келтирилган қўйларнинг 3 таси қўчкор ва 12 таси урғочи бўлиб, йўл давомида уларнинг 7 таси қўзилагани, 1912 йили олиб борилган 19 бошдан 13 таси қўчкор, 6 таси урғочи бўлгани, чиллада 5 та қўзичоқ туғилгани қайд этилган. Шу билан бирга, қўчкор, қўй ва қўзичоқнинг суратлари ҳам берилган⁶⁸. Бундан ташқари, 1914 йили 31 бош қўчкор ва 22 бош қўй олиб келингандан⁶⁹.

Хулоса қилиб айтганда, давлат департаментининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидағи ёзишмалари, саёҳатчи ва тадқиқотчилар асарлари, АҚШ журналларида чоп этилган илмий мақолалар ушбу мамалакат сиёсатида,

⁶⁵ Шарлоттаун — Канаданинг Принс Эдвард ороллари вилояти маркази.

⁶⁶ Karakul Sheep in Canada // Scientific American, Vol. 109, No. 24 (December 13, 1913). P. 451.

⁶⁷ Persian Lambskins and Karakul Sheep // Scientific American, Vol. 111, No. 19 (November 7, 1914). P. 388.

⁶⁸ The Karakule or Arabi // Bulletin of the Department of Agriculture. Contribution from the Bureau of Agriculture. August 17, 1914. P. 53 – 55.

⁶⁹ Heidi Strawn. Karakul Sheep: Bright-eyed and Broad-tailed Ancient, elegant Karakul sheep are one of America's most uncommon sheep breeds. <https://www.hobbyfarms.com/karakul-sheep-bright-eyed-and-broad-tailed-3/>.



илмий жамияти ва аҳолиси орасида Туркистон тарихига оид қандай тасаввур ҳосил бўлгани, уларнинг минтақадаги воқеликка муносабатини ўрганиш ва ёритиб беришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, тадқиқ этилаётган даврда АҚШ қарашларида қандай масалалар устувор бўлганини ҳам ойдинлаштириб беришда асқотади, деб ўйлаймиз.

В. Холов

Туркестан в переписках государственного департамента США

В статье освещается значение сведений из переписки Госдепартамента США о Туркестане, отраженные в письмах должностных лиц дипломатических учреждений. При этом письма проанализированы и классифицированы по трем основным группам: завоевание Туркестана Российской империей и установление российского господства; политика и экономические вопросы; состояние здравоохранения в крае. Также для обогащения предоставленной информации, в исследование привлечены материалы периодических изданий США.

Ключевые слова: США, Туркестан, Российская империя, переписка, дипломатические представительства, железная дорога, инфекционные болезни, каракуль.

V. Kholov

Turkestan in the Correspondences of US Department of State

The article discusses information about Turkestan in the correspondences of the officials of the Legation of the United States in Russian Empire with US Department of State and the role of correspondences for further research in the United States. While preparing the article, the correspondences have been analysed and classified into three main groups: the conquest of Turkestan by the Russian Empire and the establishment of Russian power and the policy pursued by them; economic issues; data on health status in the region. Besides, articles published in USA periodicals, journals, bulletins have been included in the study to further enrich the information provided.

Keywords: USA, Turkestan, Russian Empire, correspondence, diplomatic institutions, railways, infectious diseases, karakul skin.



COLORPACK



ЁРҚИН ҚАРОРЛАР ВАҚТИ



- ЖУРНАЛЛАР
- КАТАЛОГЛАР
- ҚАДОҚЛАШ
- ТАҚВИМЛАР
- БУКЛЕТЛАР
- ВАРАҚАЛАР
- БРОШЮРАЛАР
- ПАКЕТЛАР
- РЕКЛАМА БАННЕРЛАРИ



(+998 78) 129 29 29



(+998 78) 129 05 05



Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Янги шаҳар, 1а



kolorpak@mail.ru

425 23500

